

# **ЌУЁШГА ТАЛПИНАМАН**

**Ангола ёзувчиларининг қиссалари**

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
БЕДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1990**

«Қуёшга таалпинаман» номли ушбу тўплам Ангола адабиётидан кичик бир намунадир. Китоб унча катта бўлмаган уч қиссадан иборат. Қиссаларда Африка халқларининг фикр-туйғулари, орзу-умидлари, урф-одатлари, ишқ-муҳаббатлари, озадлик ва мустақиллик учун олиб бораётган қаҳрамонона курашлари тасвирланади.

Русчадан  
Мурод Парпихўжаев  
таржимаси



КАСТРО СОРОМЬНО

## ЛУЕЖИ ВА ИЛУНГА

(Ишқ ва дўстлик афсонаси)

**М**ен Лунданинг дунёга келиш тарихини юртнинг ўрмонли ерларини олис дам кезган чоғларимда қайта-қайта эшитганман. Авлодлардан авлодларга ўтиб, мазмунан бойиган бу афсонанинг илдизи ҳақиқий воқеа-ҳодисаларга бориб уланади.

Менга бу афсонани ҳикоя қилиб берган африкаликлар қадрдон саванналар ва ўрмонларининг чин шоирлари бўлишса-да, бу афсонани улар ҳам бир вақтлар ота-боболаридан эшитишган. Узун қоронғи кечаларда бутун қишлоққа шуъла таратадиган гулханлар атрофида давра қурган одамлар хотираларида қолган энг ажиб нарсаларни бир-бирларига ҳикоя қилиб, ўтган-кетган гапларни ва ўз халқларининг расм-русмларини жонлантириб ўтиришарди.

Балундлар ўз ватанлари, унинг қаҳрамонлари ва худолари ҳақида кўп афсоналарни билишади. Лекин бу афсоналар орасида энг яхшиси — Дўстлик Ери ҳақидаги ҳамда Луежи билан Илунганинг муҳаббати ҳақидаги афсонадир. Мен сизларга шуни ҳикоя қилиб бермоқчиман.

## Лубанинг «қари дарахти»

### I

Балуба қабиласининг бошлиғи Мутомбо Мукуло жуда мункиллаб қолди. Илгариги бепоён ерларидан энди қирғоқдаги тақир жойларгина ҳувиллаб ётарди. Авваллари гуркираб яшнаган қишлоқлар ўрнида энди на қамиш кулбалар, на одамлар кўринарди. Бир неча авлод яшаб ўтган бу ўлка қўшни қабилалар босқинидан хароб бўлган эди. Фақат қадимий мулемба дарахтларигина ҳамон бақувват шохларини ёйиб турарди. Дим, ойдин кечаларда ёввойи итлар бу дарахтлар остига тўпланишарди-да, кўкка қараб улишарди. Юлдузлар бўлса гўё ҳозир учқун алангаланиб, тубсиз фируза самони қоплаб оладигандек чарақларди.

Омон қолган қишлоқлар ортида поёнсиз текислик кўринарди. Ундан аллақанча сўқмоқ ўтган. Уфққача чўзилган бу сўқмоқлар бир вақтлар кекса соба<sup>1</sup> Мутомбо Мукуло ов қилган жойларга қараб кетарди. У елдек учиб, ота-бобосидан мерос қолган найзани кийик ва қоплонларга санчаркан, қулоғи остида шамол хуштак чаларди. Балубанинг дастлабки бошлиғи Калунду бу найзани Буюк Кўллар юртидан олиб келган эди.

Энди эса Мутомбо Мукуло мункиллаб, овга ярамай қолди. У яна аланга гирдобида қолган саваннани кўришни,

<sup>1</sup> Соба — қabila бошлиғи.

олов билан ов қилаётган кишиларнинг жанговар ҳайқириқ-ларини эшитишни жуда-жуда истарди! Лекин у кексайиб, тиззалари қалтираб қолгандики, зўрға юрарди. Қуёш бот-гач, кулбасидан чиқиб, ҳассага таянганча шота<sup>1</sup>га борар-кан, унинг тиззалари қалтирарди. У ерда соба йиғилган-ларга тун бўйи узоқ ўтмиш ривоятларидан сўзлаб берарди. Оловдан қўрқиб эсанкираб қолган ваҳший ҳайвонлар, ки-йиклар ва бошқа жониворлар ҳақидаги ажойиб-ғаройиб воқеаларни ҳеч ким у билганчалик билмасди. Қишлоқда дим ойдин кечаларда кулбалари олдида чўнқайиб кекса қабила бошлиғининг ривоятларини тингламаган биронта одам то-пиш амри маҳол эди. Кейин бу ҳикоялар оғиздан-оғизга, қишлоқдан-қишлоққа ўтиб юрарди.

Балубаларнинг кулбалари эшиги шарққа қараган бўла-ди. Шу эшиклардан бошланган иланг-биланг сўқмоқлар дарё бўйидаги молларни суғорадиган жойга олиб келарди. Одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам шу ердан сув ичишарди. Ле-кин ҳайвонлар ҳаммадан аввал тонг қоронғисида келарди. Агар одам ҳайвондан илгарироқ келиб қолса, ҳайвонлар дарё суви ўрнига унинг қонини ичишарди.

Ҳар йили ёғингарчилик тугаб, саваннадаги ўтлар сар-гая бошлаганда овчилар Мутомбо Мукулонинг доно мас-лаҳатларини эшитгани келишар, кейин қадимий қўшиқ-ларни айтишиб, овга жўнашарди.

Шу кезларда қишлоқлар ҳувиллаб қолади. Хотин-ха-лаж, бола-бақра эрта тонгдан қора кечгача далада ишла-шади. Қишлоқда фақат қарилар билан касаллар қолишади. Касаллар офтобга ўзларини тоблаб мудрашади, совуқ ми-жоз қарилар бўлса, офтобнинг иссиғига қаноат қилмай, гулхан атрофида исиниб ўтиришади. Улар бўйра тўқишади

<sup>1</sup> Шота — қабила оқсоқоллари йиғиладиган кулба.

ёки узун қамиш трубкада лиамба<sup>1</sup> аралаштирилган тамаки тутатиб ўтиришади.

Мутомбо Мукуло ҳам кулбасининг эшиги олдида, юмшоқ қоплон пўстагида ўтиради, лекин ҳалигача ҳеч ким унинг бўйра тўқиётганини ёки мудраб ўтирганини кўрмаган, Мутомбо Мукуло ўз фуқаросининг иши билан банд бўлмаган кезларда ривоятлар айтиб ўтирарди. Бир вақтлар бу улуғ қабилабоши киссанжи<sup>2</sup> чалишни яхши кўрарди. Энди эса киссанжининг назик торлари қариянинг дағаллашиб қолган бармоқларига бўйсунмасди. У офтобда исиниб олгач, оҳиста ўрнидан туриб, оқсоқоллар билан маслаҳатлашгани шотадан ясалган бостирма тагига борарди.

Қўлдан-қўлга ўтиб турувчи наякени у ҳам чекди-да, чоллар кун бўйи нима иш қилганларини суриштиради, кейин ўзини ҳадеб безовта қилаётган нарса ҳақида гап очди: у ўзидан кейин қабила бошлиғи бўлиб қоладиган катта ўғлини тилга оларди. Оғзидан бол томиб, ўғлини кўкка кўтарар, ўтмишда донолиги, шон-шавкати, она юртга муҳаббати ва душманларига нафрати чексизлиги билан халқ хотирасида яшаётган улуғ йўлбошчилардаги барча олижаноб хислатларни унга тақарди.

— Кассонго Лубанинг энг улуғ қабила бошиси чиқади!

Лекин оқсоқоллар Кассонго довжорак, оқил бўлса ҳам, яхши қабилабоши бўлиш учун ҳали жуда ёшлиқ қилишини, у ажойиб собадан — отасидан ҳали кўп нарсаларни ўрганиши кераклигини айтишди.

— Сен Мутомбо Мукуло, уни ўзингга ўхшаган жўмард қилиб етиштирсанг, бу яхшилигингни балуба ҳеч қачон унутмайди.

Бир куни кекса соба кичик ўғли Илунга совға қилган чиройли қоплон терисини бостирма тагига ёзиб ўй суриб

<sup>1</sup> Лиамба — наша.

<sup>2</sup> Киссанжи — чолғу асбоби.

Ўтирганда, оқсоқоллар овчиларнинг бекорчиликдан юрак-лари сиқилиб кетаётганини, анчадан бери битта ҳам буғу отмаганликларини унинг эсига солиб қўйишга жазм қилдилар.

— Шамол йўқ-ку!— деди соба.

Анчадан бери шамол унинг қўл остидаги ерларга йўламас, шунинг учун кекса бошлиқ шамолни қўйиб юборишини сўраб, тунлари худо Касонега илтижо қиларди. Лекин бундан наф йўқ эди. Шамол Луба текислигидан эсмасди, Мутомбо Мукуло эса фуқароси бошига катта бир фалокат тушишини сезиб турарди.

— Шамол йўқ,— деди у яна. Атрофдагиларнинг ҳаммаси маъюсланиб, жим қолишди.

Чол юзлаб кишилар ҳалок бўлган ўша даҳшатли сукунатни худди кечагидай эслайди. У ҳали бола экан, очлик Балубанинг энг асил одамлари ёстиғини қуритиб кетганди. Шундан кейин бу юртдан барака кетиб, эски замонлардагидек тўкин-сочинлик сира бўлмади.

— Илунга қаерда?— сўради соба.

— Уғлинг овчилар билан шикоргоҳда. У ерда ҳам шамол йўқлигини отамга айтинглар, деди.

— Шамол бўлади!— деди Мутомбо Мукуло шиддаткор руҳда. Унинг кўзларида газаб чақнади.— Илунга бир талай буғу овлаб келади, гўшт ҳаммага етади!

Лекин орадан анча кун ўтса ҳамки, «ғир» этган шамолдан дарак йўқ. Овчилар тўда-тўда бўлишиб, бирин-кетин қишлоққа қайтиб кела бошлашди. Энг охири Илунга қайтди.

— Касоне шамолни бўғиб турибди,— деди Илунга отасига.

Шундан кейин ота-бола шамолларни, ер-кўкдаги сувларни сақловчи, шафқатсиз худо Касонега лаънат ўқидилар. Илунга уч кеча-кундуз лом-мим демади. У ҳатто ўз хотинларини кўришни истамди, хурмо мусалласини ҳам

ичмай қўйди. Кейин кийик овлаб келиш умидида қирғоқдаги қамишзорга жўнади. Лекин Илунга қуппа-қуруқ қайтач, отасининг товушини эшитмаслик учун кулбасига яшириниб олди. Мутомбо Мукуло гўштсиз пицирилган бататни емади. У очликни унутиш мақсадида кетма-кет мусаллас ичарди.

Бир куни сутдай ойдинда балубалар чиябўри ва сиртлонларнинг мудҳиш увиллашини эшитишди. Бу даҳшатли тун эди. Ҳайвонлар балуба ерларини тарк этиб кетишарди. Очлик уларни бошқа элларга жўнашга мажбур қиларди.

Энди кечалари фақат чирилдоқларнинг чириллаши-ю, ўқтин-ўқтин уларнинг овозини босиб кетувчи бойўғлининг вайроналикдан дарак берувчи овози эшитиларди. Одамлар овни ҳам йиғиштириб қўйдилар. Ҳамма нарса сўна бошлади. Гуллар сўлди. Ранг-баранг капалаклар қуёш тифида тоб беролмай, таппа-таппа қулашарди. Ағанаб тушган қушлар ҳам қизил чумолиларга ем бўларди. Балубалар нафслари ором олсин учун қалтироқ қўллари билан дарахтлардаги сўнгги қуртларни териб ердилар.

Даҳшатли йил, шамолсиз йил... Қуёш олов пуркаб, дарёларни ирмоқларга, ирмоқларни эса ловиллаган қумга айлантирарди.

Тунлари қишлоқда дўмбиралар янграмай қўйди. Киссанж садолари ҳам тиниб қолди. Биронта ҳам хотин батуке<sup>1</sup> рақсига тушишни қўмсамай қўйди.

## II

Биринчи жала қуйиб ўтди, шамол ҳам эса бошлади. Далалар яна гуллаб, чиябўри ва сиртлонларнинг увиллаши эшитилиб қолди. Қалин бутазорларда қушлар яна қувонч-

<sup>1</sup> Батуке — маросим рақси.



ли хониш бошлади. Лекин кийиклар билан йиртқич ҳайвонлар ўрмонларга, яшил тус олаётган саванналарга қайтиб келишмади.

Қанчадан-қанча одамлар қадрдон қишлоқларини ташлаб кетишди. Улар жанубга, бошқа қабила бошлиқларига қарашли ерларда ов қилгани кетганларича қайтиб келишмади.

Илунга билан овчилари уйларида қолишди. Ўз тинчини кўзлаб, чоллар, аёллар ва болаларни очлик чангалига ташлаб кетганлар тўғрисида улар газаб-нафрат билан ўйлардилар.

Аёллар ва болалар тутиб келган сичқонларни ейишга Мутомбо Мукуло билан ўғилларининг нафсонияти йўл қўймади. Ўғил бола овчи ҳеч қачон бундай ишни қилишни эп кўрмайди. Улар худди овга ҳозирлик кўришаётгандек найза ва ов қуроолларини тошга чархлашгани-чархлашган эди. Фақат Илунга ҳар кун тонгда буғу терисидан қилинган белбоғини маҳкам боғлаб, камонини елкага осиб, ўқ ёйларини ўқдонга жойлаб, бахтини синаш учун овга чиқиб кетар ва қуруқ қайтиб келаверар эди.

Ана шундай оғир кунларда балубалар талончилик қилишди. Қабила қонунига кўра ўғрилик ва талончилик энг оғир, ҳатто одам ўлдиришдан ҳам оғир жиноят ҳисобланса-да, улар очлик туфайли буни унутгандилар. Бирор киши ўз қишлоғида ўғирлик қилса борми, калласи кетарди.

Балуба овчилари қўшни қабилалар ерида босқинчилик қилишарди. Улар бошқа қабилаларнинг овчилари билан муштлашишар, уларнинг ўлжасини тортиб олишар ва қишлоққа қайтгач, ўз қабиладошлари билан бўлиб олишар эди.

Илунганинг овчилари талончилик қилсалар ҳам, жанубга кетиб қолганлар сингари эрқдан ажраб қолишни исташмасди. Илунганинг ўзи улар билан бирга бормасди. Чунки отаси билиб қолса қиёмат қиларди.

Мутомбо Мукуло овчиларнинг қароқчилик қилаётганларини эшитиб, қони қайнаб кетди. У қабила қонун-қоидаларини бузган одамларга қандай жазо бериш кераклигини аниқлаш учун оқсоқолларни тўплади.

— Ҳамма бало очарчиликда, — дейишди чоллар.

Соба ўз ўғилларига қаради. Отанинг ңигоҳига дуч келгач, Кассонго, Канъиука ва Маи қўрқиб, ерга қарашди. Шунда Мутомбо Мукуло ерга тупурди-да, газабига чидолмай нари кетди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин оқсоқоллар собанинг очликдан ўлиб қолишидан қўрқиб, ўғирланган гўштан билан бир бўлак ейишга бир амаллаб кўндиришди. Лекин чолнинг нафси ором олгач, қилиб қўйган ишидан шунақанги туюқдики, икки калемас<sup>1</sup> хурмо мусалласини ичиб ташлади. Оқсоқоллар уни кулбасига кўтариб олиб боришди.

Мутомбо Мукуло ўзига келгач, бўлиб ўтган воқеалар эсига тушди. Ўзини роса шарманда бўлган ҳис қилиб, одамлар кўзига кўринолмай юрди. Бу Лубанинг «қари дарахти» ҳаётидаги энг аламли кун бўлди.

— Балуба бошлиғи ўғирланган гўштни еди! — деди у изтиробли товуш билан биринчи хотинига секингина.

— Ҳамма бало очарчиликда, — деб жавоб берди у.

— Луба адоий тамом бўлди! — деди кекса соба ғамгин бошини қуйи солиб.

### III

Мутомбо Мукуло ўзининг — Лубанинг қари дарахтининг умри тугаб бораётганини сезгач, ўғилларини ёнига чақирди. Соба сонлари устига қоплон терисини ёлганча харсон устида мағрур ўтирарди. Кассонго, Канъиука, Илун-

<sup>1</sup> К а л е м а с — қовоқдан ўйиб ишланган идиш.

га ва Маи отасининг қаршисида чўққайишди. Соба ўғилларининг ҳар бирига узоқ тикилгач, ўзининг кексайиб қолганлиги, халқнинг қашшоқлиги ва мамлакатнинг инқирози ҳақида гап очди.

— Луба тамом бўлди!— деди у свана-мулопо — катта ўғил ва меросхўр ҳисобланган Кассонгога қараб.— Энди бизнинг еримизда ов бўлмайди! Бари тугади!

У энди ёшлар янги ер излаб топишлари кераклигини айтди ўғилларига. Негаки, бу ерларда энди ҳатто ямс ҳам кўкармайди. У томонларда бепоён ерлар бор,— деди чол шарқни кўрсатаркан,— дарёлар ҳам, катта кўллар ҳам кўп. У томонларнинг ери бўлиқ, соз ов учун шамол ҳам етарли.

Ўғиллар унга қарашга ботинолмай, гапини тингладилар.

— У томонга бориш қийин эмас,— сўзини давом эттирди чол.— Дарё оқими билан қуйи томонга қараб борилаверса бас.

— Сен ўзинг нима қиласан, ота?— сўради Илунга.

Мутомбо Мукуло маъюс бош чайқади...

— Мен қаридим, шу ерда ўламан. Ёшлар, сизларга эса юртимиз атрофида ҳали кўплаб манаман деган ерлар топилади.

— Менга маъқул. Бораман,— аҳд қилди Кассонго.

— Мен ҳам,— деб пичирлади иккинчи ўғли Канъиука.

— Болаларим, сизлар асл баҳодирсизлар! Агар ёш бўлганимда мен ҳам сизлар билан борардим.

— Мен эса қоламан,— деди Илунга.

Чол ҳайрат ичида унга қаради.

— Сен овчисан-ку. Ҳайвонлар юртимизни абадий тарк этиб кетишди-ку.

— Майлига, барибир мен қоламан, ота,— деб сўзини такрорлади Илунга.

— Мен ҳам қоламан,— деди Маи.

— Йўқ, кераги йўқ! Лубанинг ҳам, унинг бошлигининг ҳам ҳадемай куни битади!

— Биз сен билан бирга қоламиз, ота!— деб яна сўзларини такрорлашди иккала кичик ўғил.

— Ундай бўлса мусаллас келтиришсин!— дея ҳайқирди соба.

Улар битта калebasдан мусаллас ичишиб, кейин аёллар билан болаларга батуке рақсига тушиш учун шох-шабба ва ўтин йиғишни буюришди. Лекин шу кеча баъзи балубаларгина рақс тушишди.

Эртаси куни Мутомбо Мукуло ҳаммани тўплади-да, эл олдида Кассонго Илунгага қабила бошлиғининг белгиси шимбуйяни топширди. Илунга Кассонгонинг ўрнини эгаллайди, кейинчалик эса барча Луба мулкини мерос қилиб олади. Чунки қабила бошлиғининг иккинчи ўғли Каньюка ҳам юртни тарк этипти-да.

Илунга акасидан олган ҳашаматли болтани юқори кўтарди. Одамлар уни қувонч садолари билан муборакбод қилишди. Чунки у жасур овчи ва меҳригиёлик йигит эди.

Кассонга ўз одамлари билан Лубани ташлаб чиқиб кетди. Улар солга ўтириб, дарё оқими томон йўл олишди, бир умр тангадек офтоб тушмаган дарахтзорлар ичидан ўтиб, кўл бўйидан чиқиб қолишди Майса гуллар билан қопланган қизғиш-кўккимтир тепалик тагига чодир тикишди. Кассонго тепаликка жойлашган қишлоққа ўт қўйиб, аҳолисини асир олди, бошлиғини эса ўлдириб, кули кўкка совурилган қишлоқда ўз лашкари билан батуке рақсига тушди.

Бу жуда ҳосилдор ерлар бўлиб, ёввойи қушлар кўп эди. Кассонго тепанинг устига жойлашиб олгач, эшиклари шарққа қаратилган кулбалар қуришга амр қилди.

У тепаликнинг ва тепалик тагидан оқаётган дарёларнинг ҳукмдори бўлиб олди.

Унинг одамлари эса балуба номини ташлаб кассонго деб аталадиган бўлди.

Канъиука акасининг изидан кетди. Лекин у атиги ярим йўлга келиб, дарё оралиғида макон тутди, шу ерда катта қишлоқ бунёд этди. Канъиука қўшни қабилаларни енгиб, ўз ҳокимиятини ўрнатди ва довюрак жангчи сифатида шуҳрат қозонди.

Мутомбо Мукуло катта ўғилларининг мардлигини эшитгач, ҳаммага шўх батукега ўйин тушишни буюриб, ўзи хурмо мусалласидан роса тўйиб ичди. Шу шод-хуррамлик кечасида Илунга ҳам мусаллас ичди ва шимбуйяни ўйнатиб батукега рақс тушди. У шунақанги кўҳлик эдики, аёллар фақат унинг шаънига қўшиқ айтишарди.

Мутомбо Мукуло балуба қабиласининг хотирасида узоқ сақланиб қолган шод-хуррамлик кечасидан кейин:

— Энди ўлсам армоним йўқ!— деди. Илунганинг елкасига уриб-уриб куларди чол.

— Акаларинг — ўгил бола! Улар жасурликда шернинг ўзи! Узим ҳам шундай эдим!

#### IV

Мутомбо Мукуло кундан-кун ҳолдан тойиб борарди. Улим ҳақида энди у лаззатли фароғат ҳақида гапирётгандек бамайлихотир сўзларди.

Инсон боласи ўз юртида нималарни кўриши мумкин бўлса, у шуларнинг ҳаммасини кўрди. У ўрмондаги ҳар туп дарахтни ёддан билар, балубалар ов қилиб, хотинлари дала ишларини бажарган саванналарни унақасига ҳам, бунақасига ҳам айланиб чиққан эди. Лубанинг ҳамма хонадонини, эркаги-ю аёлидан тортиб болаларигача танир эди. Оналар янги туғилган чақалоқларини «қари дарахт»га кўрсатишарди, кейинчалик исм қўйиш маросимида уларнинг қанчадан-қанчасига яхши тилак тиларди. Болалар улғайишгач, унинг кулбаси қаршисидаги майдонда рақс

тушиб янги номларини<sup>1</sup> айтиб бақиришганда хурсанд бўларди. У болаликдаги тенгдошларининг ҳаммасидан кўп яшади, уларни дафн этиш маросимида батукега рақс тушиб, аза тутди. У енгилган қабила бошлиқларининг калласини кесиб, гов қозиқларига осаётганида қўлларини уларнинг қонига кўп марта бўяган. Унинг виждони ҳам пок эди. У енгилган ёки оёғига бош урган қабила бошлигининг бирортасига ҳам раҳм-шафқат қилган эмас. Итоат қилмаганларни бир марта ҳам аяган эмас, лекин ўзи енгган қишлоқларидаги аёлларни ўлдиришга йўл қўймас, ерларни ишлаб, кўпроқ бола туғаверишсин, дерди. У ўз қишлоғида ўғрилиқ қилишга қўли борган ярамасларни ўлимга бюрарди, шум ният жодугарлар тириклайин куйдирилганда шодлигидан қийқирарди. У жасур овчиларни ва жангчиларни ҳамиша қадрларди. Хотинлари ҳам унинг шарафли номига муносиб бўлган, вафот этганида аза тутадиган ўғлонлар туғиб беришганди.

Мутомбо Мукуло ўзининг росмана эркак ва халқининг асл фарзанди эканидан мамнун эди.

Қабила бошлиғи шунча яшаб, шунча нарсани кўрганидан кейин ўзини ўз юртининг энг доно кишиси деб ҳисобласа ҳақли. Лекин юрти ва халқининг тарихи унинг хотирасида қолган бўлса, ўтмишдаги буюклик билан ҳозирги қашшоқликнинг фарқини ёлғиз ўзи ҳис этса-ю, аммо ўрнидан туришга мадори келмаса, у ҳолда ўзини бахтсиз ва аянч ҳис қилади.

Бир куни кечқурун ёввойи итларнинг янги ойга қараб ҳуришларини тинглаб ётаркан, Мутомбо Мукуло шуларни ўйлади ва тезроқ ўлгиси келди. Унинг жонини гирдоблар олиб кетгунича, ўлим худоси, Камвари тезроқ ола қолса-чи.

<sup>1</sup> Янги ном қўйиш ўсмирларнинг катталар сафига ўтиш маросимидир. Маросимдан кейин бола сифатида ўлган ҳисобланади ва иккинчи марта эркак сифатида туғилган дейиланб, янги ном олади.

— Марҳаматли худо, Камварӣ!— деб бақирди-ю, тўсатдан ваҳима босиб, қалтираб кетди. У ётган кулба деворининг шундоқ орқасида сиртлон увиллаб юборди. Мутомбо Мукуло овози борича биринчи хотинини чақирди. У хотинига ёнида ётишни амр қилди, чунки танҳоликдан қўрқарди.

Тонгда уни Илунганинг ҳушчақчақ овози уйғотиб юборди. Соба кулба эшигигача зўр-базўр сургалиб келди. У юзларига урилган шабадани сизди ва дарахт баргларининг қимирлаётганини кўрди. Мана ниҳоят шамол ҳам эсди!

— Хайрли шамол!— бақирди у суюниб, овчиларини чақираётган Илунгага.

Мутомбо Мукуло довиюрак овчиларнинг ўқ ёйларини олиб жўнашганини орқаларидан кўриб тураркан, овлари бароридан келишини тилади.

Кекса қабила бошлиғига ҳаёт яна гўзал кўринди. Илунга кийик боласининг барра гўштини олиб келишини ўйлади у. Меҳрибон ўғли отасининг тиши йўқлигини, қаттиқ гўштни чайнолмаслигини билади-да.

Овчилар кўздан ғойиб бўлишди. Сукунатни хўрознинг қичқиршиғина бузарди. Бир тала сариқ ва оқ капалақлар кулба тепасида айланарди. Шу пайт дарахтнинг учида тўсатдан қуш сайраб юборди...

## V

Мутомбо Мукуло ота вафот этди. «Қари дарахт»нинг барглари қуриди. Шамол эсди-ю, йиллар мўрт қалиб қўйган танани ердан сугуриб ташлади, толиқиб жонсизланган илдизлар очилиб қолди. Яна шамол тинди. Ер ёрила бошлади. Қуёш нурлари кекса собанинг ўлим олдидаги кўз ёшларини қуритди. Жазирама иссиқдан қушлар нима қиларини билмай, дарахтлар тепасида типирчиларди. Дала-

лар ҳувиллаб қолди, балуба аёллари ерларга биронта уруғ ҳам ташламадилар.

Мутомбо Мукуло ўз ўлимидан сўнг Луба ҳам тамом бўлишини башорат қилган эди. «Қари дарахт» жонсиз ерда қуриди.

Балубалар унинг ўлимига аза тутиб Ғатукегга рақс тушишди. Кекса қабила бошлиғининг жасадини ер ўз бағрига олгач, унинг одамлари қишлоқни ташлаб, дарёнинг нариги қирғоғига жўнаб кетади. Ҳамма балубани у томонга оқсоқоллар бошлаб кетишади.

Лекин қабила бошлиғининг ўғли Маи қишлоғини ташлаб кетишга кўнмади. У отасининг ўлимига акалари Кассонго ва Каньбука учун ҳам мотам тутиши керак эди. Улар кўмишга келмадилар. Акалари жуда олисда яшар, улар ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун қилаётган жанглари кўп вақтни оларди.

Ёш балубалар ота-боболари яшаб ўтган жонсиз ерга жуда яқин бўлган нариги қирғоқда ялғашни хоҳламасдилар. Улар Кассонго ва Каньбука изидан боришни истардилар. Олисдаги ерларнинг ҳосилдорлиги ва ёввойи қушларнинг кўплиги уларнинг кўнглига гулгула соларди.

Илунганинг дўстларигина нима қиларини билишмас, ёш соба қандай қарорга келишини сабрсизлик билан кутишарди. Лекин Илунгадан садо чиқмасди. У ҳамон отасига аза тутарди.

Кўмиш маросимининг эртаси куни ака-ука отанинг ва мвата-мварининг, яъни унинг биринчи хотинининг кулбасини ёндириб юборишди. Оталарининг куни оналарининг бошига ҳам тушган эди.

Илунга билан Маи эрининг орқасидан гўрга кирган оналарининг мажбурий ўлимига аза тутишмади. Урф-одат шунақа эди. Аммо Мутомбо Мукулогга қўшиб тириклайин кўмилган ёш болаларнинг оналари зор-зор йиғлашди.



Орадан бир неча кун ўтгач, қуёш энди чиқаётганида Дуунга ва унинг довурак дўстлари қишлоқларини ташлаб, тўппа-тўғри жануб томон йўл олдилар. Қудратли қўшиқ садоси ялангликда олис-олисларга таралди. Бу қўшиқчи номаълум йўлга чиққан балуба овчилари ўз юртлари билан хайрлашиб айтишарди.

Ов деб хотин, бола-чақаларини ташлаб кетаётган эркакларни кўриб, аёллар йиғлашади. Аммо одамзод ҳаминша ўзи туғилиб ўсган ерида ўлгиси келади. Шунинг учун ўша кун кетган эркакларнинг кўпчилиги бир неча йилдан кейин ўз юртларига қайтиб келишди. Фақат 14 сагина қайтиб келмади.

## Тошлар ҳукмдори

### I

Қадим-қадимдан буён Лубилаш ва Руиза дарёлари ўртасидаги ерларда бунго қабиласи яшарди. Улар бу ерга балубалар ўз шикоргоҳларида гулхан ёқишидан анча аввал кўчиб келгандилар. Бунголар балиқ тутишга, ваҳший ҳайвонларга қопқон қўйишга ва палахмонлардан тош отишга уста эдилар.

Аёллар дарё бўйидаги ерларни ишлашар, кечалари эса ой ёруғида экин экишарди. Улар ишлов берилган дала-ларга ҳосил маросимини ўтказиш учун ўз эрлари билан боришдан олдин, бўлғуси болаларига паноҳ бўлишни ойдан илтижо қилишарди.

Қора Африканинг ҳамма аҳолиси каби бунголар ҳаминги ой чиққанда батукега рақс тушишар, қадимий қўшиқларни айтишиб ойни кутлашарди

Уларнинг қадимий қўшиқлари билишмасди Палахмон уларда таърих ҳисобласа Наран, кўпдан буён урушга хизмат қил-

май қўйганди. Узоқ жанжаллардан кейин юртлар чегараси аниқланиб, Иала Маку — Тошлар ҳукмдори ҳукмфармолик қилаётган Каланъи энг қудратли юрт бўлиб қолди. У тошни палахмондан нишонга бехато ургани учун шу номни олган эди. Бунго қабила бошлиқларининг ҳокимияти ерсув, одамлари билан, фуқароларининг ҳаёт-мамоти билан бирга отадан ўғилга мерос қолар эди. Лукано — енгилган душманларнинг пайларидан тўқилган билагузуклар эса бу ҳокимият рамзи эди.

Урушлар тамом бўлгандан кейин Иала Маку палахмонини сершоҳ мулемба остига кўмиб қўйди. Биринчи хотини Контидан туғилган уч фарзанди улғайиб қолишди. Бу вақтга келиб Иала Маку кексайганди. Хотини Конти ҳам икки букилиб даладаги кундошларининг ишидан кўз-қулоқ бўлиб туришга ярамай қолди.

Иала Маку босила бериб заранг бўлиб кетган майдончада уззукун ўтирарди. Унинг атрофида ўттизта кулба бўлиб, шу ўттиз кулбада унинг ўттиз хотини яшарди. Унинг бир малла ити ҳам бўлиб, у қаригандан вовилламайдиган бўлиб қолганди. Ой чиқса ёки қишлоқда биров ўлса, секин улиб қўярди.

Иала Макунинг уч фарзандидан иккитаси ўғил, биттаси қиз эди. Тўнғич ўғли Кингури бебош ва шафқатсиз эди. Кичиги Иала бўлса айёр, акасидан қўрқар ва ҳамма ишда унга бўйсунарди. Иккаласи ҳам сингиллари Луежидан нафратланишар ва у билан оналарининг кулбасида аҳён-аҳёнда учрашиб қолишарди. Баъзан уни отасининг оёқ томонида ўтириб, бўйра тўқиётганида кўришарди.

Ўғиллар кечқурун балиқ овидан қайтишгач, оталарининг олдида чўнқайиб, зерикшдан эснаб унинг ҳикояларини тинглашарди. Кекса соба ўғилларига ўзининг буюк халқи ҳақида, қудратли қабила бошлиқларининг ишлари ва қашшоқ, расво қўшни юртлар ҳақида, ўша юртларнинг ёвуз ва қўрқоқ одамлари ҳақида гапириб берарди.

Бир куни Кингури отасидан бунголарда балубалардаги сингари темир қурол йўқлиги сабабини сўради. Бунга жавоб бериш ўрнига отаси бир-бири билан урушаётган балубаларни хиёнаткор ва ичкиликбозлар деб қоралади.

— Мана шу лаънати темир билан улар ўз биродарларини ўлдириптилар,— деди ғазабкор оҳангда Тошлар ҳукмдори.

Шунда Кингури албатта темир қурол топишни кўнглига тугиб қўйди. Кечаси у укаси билан ёлғиз қолганида яна балубаларни тилга олиб, улар томонга бормоқчи эканлигини айтди. Иала тун зулматида акасининг гапларини биров эшитиб қолишидан қўрқиб кетиб, унга Ката исми қиз ҳақида сўзлай бошлади. Улар қизни Како-қуш деб аташарди. Дарҳақиқат, қиз қушдек мўъжаз ва қувноқ эдики, кун бўйи тинимсиз куйлайверарди.

Кингури кўпдан ўша қизга ошиқ бўлиб қолган, унга эришиш учун ном қўйиш маросиминигина кутарди.

— Сен у билан учрашингми?— дағдаға билан сўради Кингури.

— Қаёқда, Како сендан бўлак ҳеч ким билан гаплашмайди,— жавоб берди Иала.

Кингури қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, бу кеча укасига балубалар ҳақида оғиз очмади.

Мана Кингури билан Иалага ҳам ном қўйиш тантанасини ўтказиш пайти келди. Ҳақиқий эркак бўлиш учун улар бутун бир йил умрларини мукандада<sup>1</sup> ўтказишлари керак. Улар ҳар бир бунго билиши зарур бўлган нарсаларни ўрганиб олиши лозим эди.

Бир йилдан кейин Кингури билан Иала авлоқ мукандада бирга бўлган тенгдошлари билан қайтиб келди. Халқ-

<sup>1</sup> М у к а н д а — бир гуруҳ тенгдош ўспиринлар ном қўйиш маросимидан илгари жисмоний синовдан ўтадиган махсус жой. У ерда ўспиринлар амалий билим, турли маросимлар ҳақида маълумот оладилар ва дўмбира «тили»ни ўрганадилар.

ни байрамга чорлаб, дўмбиралар овози янгради. Ёшлар дўмбиранинг сирли тилини билишларини намойиш этиб, унинг зарбларига рақс тушишди.

Соба энди уларни олис ўрмон ва саванналарга саёҳатга юбориши мумкин эди. Энди улар қаерда бўлсалар ҳам қабиладаги гаплардан хабардор қилувчи тамтам садоларини англаб олардилар.

Ном қўйиш маросимидан кейин ҳамма ўсмирлар янги ном олди. Лекин собанинг ўғилларини аввалги номлари билан атай беришди. Улар ўз номларига оналарининг исминигина қўшдилар холос. Луежи бу ҳуқуқни кейинроқ, баҳоғатга етганда олиши мумкин эди.

Кингури-иа-Конти шундай қилиб, Катага эришиш бахтига муяссар бўлолмади. У муқандада кўп нарсаларни ўрганган, ўзини қўйиб юборган, росмана эркакка айланганини ҳис қила бошлаган эди. Ката бўлса ҳали ёш эди. Ньякассало буви унга аёллик сирларини энди-энди ўргата бошлаганди.

Шу сабабдан Кингури бошқа муҳаббат излаб кетди. У қабилада кўп чиройли аёллар борлигини биларди. Қабила бошлиғи Иала Мақунинг катта ўғли, меросхўр бу йигит ўша аёлларнинг қайси бирига муҳаббат изҳор қилса, ҳеч бири рад этмасди. Унга ҳар бир бунго қизини, баъзилари эса ҳатто хотинини ҳам беришини Кингури биларди. Лекин Кингури Каланьни аёлларини ёмон кўрарди. У уқаси Иала билан бошқа жойлардаги қизларга муҳаббат изҳор этиб, қишлоқма-қишлоқ юрарди.

Ака-ука балиқчилар кулбасида яшаб, бунгонинг энг чекка жойларида балиқ тутишар, эски қайиқларга ўтириб, кенг ва тор дарёларда оқим томон кетишарди. Лекин улар сув айланиб, секин оқадиган жойларга боришга журъат этолмас, чунки улар шу сув остида худоларни ҳақоратлагани учун абадий дўзах азобига ташланган осийлар борлигини билишарди.

## II

Иала Маку ҳануз трубка тортар, бўйра тўқир, аммо инди бармоқларидан қамиш чиқиб-чиқиб кетарди. Чолнинг ўллари мадорсизликдан эмас, ғазабдан қалтирарди. Ҳар сунни одамлар унинг ўғилларидан дод деб келишарди.

Баъзан тунлари шамол туриб, момақалди роқли осмонга гувилласа, Каланъида Кингури билан Иалани уйга чорлаб тамтамлар чалинарди. Лекин ака-ука қаерларда дайдиб юрганини ҳеч ким билмасди. Кунлар кетидан кунлар ўтса ҳам улар қайтишмас, ҳатто оталари ва ҳукмдорнинг нақирғига дўмбира орқали ҳам жавоб беришмасди.

Тўрт томондан эсанг шамол учрашадиган жойларда ака-ука ўз юртидан таралаётган тамтам садоларини кўп марта эшитишган бўлса ҳам, унга назар-писанд қилишмасди. Умид ва орзулар уларни ҳамон олис-олисларга чорларди.

Каланъига кетма-кет шикоятлар кела берди. Қабила бошлиғи ўғилларини оилаларни таҳқирлашда, ўғирликда, ўт қўйишда, қонли жанжаллар чиқаришгача бориб етадиган телбаликда айблардилар. Кекса соба ғазабдан бўғиларди.

Конти эса ўғилларини соғиниб, кулбанинг қоронғи бурчагида юм-юм ёш тўкарди. Она Кингурини бутун дунёга алишмасди. Ўғлининг номаълум нарсалар излаб, шу тариқа телбаларча тентираши бахтсизлик эканини она биларди. Она ҳали ҳам Кингурининг бадкирдорлигига ишонгиси келмасди.

Кингурининг номи тоқи лаънатдек тилга олинарди. Жанубий қишлоқларда, кўкни қора булут босиб, момақалди роқ гулдираса, аёллар Кингури бақиряпти дейишар, болалар эса қўрқиб йиғлашарди. Чоллар бўлса унинг барча қилган ёмонликларини эслашиб, жазосини худолар берсин дейишарди.

Пировардида Иала Маку биринчи хотинига Кингури бунго ҳукмдори бўлишга лойиқ эмаслигини айтди. Иала ҳам қабила бошлиғи бўлишга арзимаиди, чунки сеҳрлангандек акаси қаёққа борса, у ҳам шу ерда эди. Бунгога халқ ҳурмат қилиб, севадиган яхши одам бошлиқ бўлиши керак. Унинг ўғилларини бўлса халқ ёмон кўради. Шунинг учун Иала Макунинг қазоси етгач, опасининг катта ўғли йўлбошчи бўлиши керак. Негаки, у ҳам шу авлоддан, ҳақиқий бунго.

Кингурининг шум қисматига Конти кўп замон йўғлади. Соғиниш ва кўз ёши уни адо қилди. У ўлим тўшагида ётганида, Кингури ва Иалани онаси билан видолашишга чақириб, яна дўмбиралар янгради. Лекин ака-ука келишмади. Жаҳонгашталиқ уларга ҳали яна қанчадан-қанча роҳат бахш этадигандай туюларди.

Лекин булутлар ҳамма ёқни буркаб олган, шамол қуриган ўтларни ерга эгаётган туманли оқшомда Кингури билан Иала қайтиб келишди.

Оға-инилар Иала Макунинг дўмбираси товушини кўпдан буён эшитмаган эди. Тамтамлар сўнгги бор янграганида уларга оналарининг ўлимини хабар қилган эди. Шундан буён кўп воқеалар бўлиб ўтди.

Шу вақт ичида Кингури кўп нотаниш йўллардан ўтди, юзлаб хурмозорлар мусалласини ичиб, кўп дарёлардан балиқ тутди, шунча кўп аёлни севдики, уларнинг сон-саногига етолмасди.

Баъзи қишлоқларда у узоқ туриб қолди. Аввалига Кассаи дарёси бошланадиган ергача боришга ният қилган бўлса ҳам, унинг соҳилларидан бирпасда жўнаб кетди. Чунки ёнида одамлари камлигидан бу дарё қирғоқларида яшаган нотаниш қабилаларнинг ҳужумидан қўрқди. У ўша ердан орқага қайтди.

Иала Маку одатдагидек кулбаси олдида бўйра тўқиб ўтирарди. Ака-ука унинг олдида келишганда, соба ҳатто

бошини ҳам кўтармади. У ўғилларини аллақачон қалбидан улоқтириб ташлаган эди.

— Ота, биз келдик,— деди Кингури.

Чол елкасини қисиб, тўрт томонларинг қибла, кетавер, дегандай қўл силкиди.

Кингури орқасига бурилиб, ўзининг бўш кулбасига қараб кетди. Унинг кўзлари совуқ, қаҳрли боқарди. Унинг қишлоқда юрганини кўрган кишилар ҳам кўрқув ичида бурилиб кетишарди.

Иала афсус тўла кўзларини ерга тикканча отасининг оёқ томонига чўнқайиб ўтираверди. Аммо чол у билан ҳам гаплашмади.

Иала Маку Луежини чақириб, ҳўл қамиш солинган заранг тоғорани олиб кетишни тайинлаганда қош қорайган эди. Шундан сўнг ота билан қиз Иалага қиё ҳам боқмай, кулбаларига кириб кетишди. Малла ит бўлса, бегонасираб унга ириллади.

Шу кеча ака-ука ҳатто хурмо мусалласи ҳам ичмай, похол томли кулбада ётишди. Аёл зоти уларнинг ёнига кирмади.

Эрталаб оға-ини ғайри урфий равишда оталарига таъзим қилмай, қиргоқ бўйлаб хурмозорга жўнади. Улар ёғоч мотига билан ерни юмшатаётган аёллар ёнидан ўтишди. Бирдан сингиллари Луежини кўриб қолишди. У дала ўртасидаги харсангда ўтириб ишнинг боришини кузатарди. Бир вақт оналари шундай қиларди.

— Отамиз жинни бўлганга ўхшайди!— деди ғазабланган Кингури қўлини бигиз қилиб сингисини кўрсатаркан.

— Эҳтимол,— кулди Иала. Ака-ука жаҳл қилиб ерга тупуришди.

Ҳақоратланган Луежи кўзларини ерга тикди. Еш жувонлар бўлса, ака-укага ер остидан қараб, заҳархандадан ўзларини аранг тийиб қолишди.

— Кетдик бу ердан,— деди Кингури.

Улар кечаси алламаҳалда гандираклаб, уятсиз ашуларни айтиб уйга кириб келишди. Ака-ука бир-бирини қучишиб, суяшганча қадимги ўртоқлари номини бақириб чақирар, уларни сўкишга кўмиб ташлашар эди. Лекин биронта ҳам эшик очилмасди.

Эртасига Иала Маку калтақлайман деб ўғилларига дағдаға қилди. Аммо кексайиб, мункиллаб қолган отани ака-ука мазах қилишди.

### III

Осойишта, бир маромдаги ҳаёт ака-уканинг жонига тегди. Улар тез-тез қўшни қабилаларга бориб, катта собага ҳурмати зўрлигидан унинг ўғиллари раъйини сира қайтаролмайдиган қабилла бошлиқлари билан мусалласхўрлик қилиб келишарди.

Аммо Кингури билан Иаланинг шаробхўрлиги ва бебошлиги аҳолини тобора безовта қила бошлади. Уларнинг кўзига мусалласли калемас кўриндимми, бас, шу заҳоти уни тортиб олишарди. Улар бутазорга сургамаган биронта хотин, улар расволикка ўргатмаган биронта бола қолмади.

— Кингури жуда ҳаддан ошиб кетди,— деб нолишарди дарғазаб собалар ва Иала Макудан ўғилларини жазолашни илтимос қилишарди. Ҳам жисман, ҳам руҳан мадордан кетган қари йўлбошчи бўлса осий ўғилларининг адабини бериб қўйишни уларнинг ўзига ҳавола қиларди. Аммо ҳеч ким бунга журъат этолмасди. Негаки, Кингури свана мулопо эди-да.

Бир неча ойдан сўнг Кингури укаси билан яна Каланьига қайтди. Шу вақт ичида улар яқин атрофда биронта одамнинг қўлини чопмаган ёки бошини ёрмаган қишлоқ зоти қолмади.



Кингури тўғри келган одамни ҳақоратлайверарди. У ҳозирча фақат худоларга-ю ўлганларга тил теккизмай турарди.

Ота ўғилларини кўргани кўзи йўқ, Луежи бўлса уларнинг соясидан ҳам чўчирди. Ҳеч ким уларга мусаллас тутмасди. Улар қорин тўйдириш учун оналарининг қалин дугонаси бўлмиш ўғай оналаридан ялиниб-ёлвориб маниока<sup>1</sup> сўраб олдилар.

Бундан Кингури шунақанги ғазабландики, укасини эргаштирди-да, жанубий юртлардан отаси номидан ўлпон йиққани жўнади. Иала Маку шу заҳоти тамтамлар чалишни, Кингурига ҳеч нарса берманглар деб, у ердаги қабила бошлиқларига хабар қилишни буюрди.

— Чол бизни очдан ўлдирмоқчи!— бақирди Кингури дўмбира садосини эшитиб.

— Шунақага ўхшайди,— деб ҳар галгидек унинг сўзига қўшилди Иала, кейин отасининг олдига бориб тавба-тазарру қилишга акасини кўндирди.

Ака-ука бирмунча вақт мўмин бўлиб қолишди. Одамлар «энди уларга ақл кириб қолибди» деб ўйлай бошлашди. Ҳамма қатори улар ҳам қирғоққа балиқ тутгани ёки қамиш ўргани боришарди, Иала бўлса кулбасини таъмир этишга ҳам киришди.

Лекин Кингури зерикшидан юраги тарс ажраб кетай дерди. Баъзан у ялқовланиб, кулба олдидаги кунгайда ухлар, малла ит бўлса унинг оёқларидаги яраларни яларди. Иала унинг ёнида ўтириб киссанжи чалар ва дарбадарликда ўрганган қўшиқларидан айтарди.

Бир куни янгигина ҳилол чиққанида, аёллар болаларини ойга кўрсатиш учун қўлда баланд кўтариб юришган

---

<sup>1</sup> Маниока (маниок) — бўйи беш метрга етадиган кўп йиллик ўсимлик. Унинг бақувват узун илдизларида крахмал кўп бўлиб, ямс ва батат қатори овқат ўрнига ейилади.

чоқда Кингури қонида яна олов кучайганини сезді. У мусаллас ичиб, шу оташни сўндиришга урингани билан фойда чиқмади.

— Кетдик!— бақирди у укасига. Ичган мусалласи Кингурининг бошини айлантириб ташлаган эди.

Экин экишга тайёрланган юмшоқ ерда, ойнинг хира нурида, севги оғушида маст ўтирган ошиқ-маъшукларни кўрган Кингури, бу муқаддас жойга бостириб кириб, бегемот терисидан тўқилган узун қамчиси билан уларни тириқтира бошлади. Кўзи қонга тўлган ака-ука аёллар орқасидан қувишиб, уларни тутиб олишар, ерга ағанатишар, кўкракларини яшириб турган бўёқларни кафтлари билан эзишарди. Юраги чиқиб кетган ва калтакланган аёллар додлаб қочишаркан, ака-ука улар кетидан киноя билан қаҳ-қаҳ уришарди.

Кингури билан Иала қишлоқда бир неча кунгача кўринмади. Лекин улар хурмозорда босиб-босиб ичаётганини ҳамма биларди. Тун яримдан оғиб, Каланъи осмонида юлдузлар милтираганда, ўрмондан уларнинг овози келарди. Улар ишрат қилишар ва чиябўри ёки сиртлон бўлиб увиллаб одамларни қўрқитишарди. Каланъидаги ҳамма одам уларни ақдан озган дейишарди. Чошгоҳдан сўнг қуёш қиздириб, қишлоқ бўшаб қолган чоқда (чунки ҳамма далада ишлар ёки балиқ тутар эди) Кингури билан Иала уйга келишди. Улар шунақанги маст эдики, қаерга келиб қолганларини ҳам билишмасди.

Оға-ини гандираклай-гандираклай отанинг кулбаси олдига келишди ва ёлғиз ўтирган чол олдида тўхтаб қайрон қолишди.

— Ия, отамиз-ку,— деди Иала.

Лекин соба бошини ҳам кўтармади.

— Вой-бў, лиқ-лиқ мусаллас-ку!— бақирди Кингури укасининг гапига қулоқ солмай, заранг идишдаги лойқа сувга тикиларкан.— Мусаллас!— қичқирди у яна.

Иала бўлса, чапак чала-чала куларди.

Чол катта ўғлига қаради, лекин у оёғида зўрға турганини кўргач, сувдан бамайлихотир қамиш суғуриб олиб, ўз ишини бемалол давом эттира берди.

— Имонсиз чол,— бақирди Кингури.— Нега мусалласни харом қиласан?

Иала Макунинг қўллари титраб кетди-ю, лом-мим демади.

Бирдан Кингури ерда ётган сўйилни олиб, бор кучи билан чолнинг бошига тушириб қолди.

— Мусалласимга тегма, чол,— деб бақирди у ғазабдан сўйилни силкитиб.— Сен ўз даврингда хўп еб-ичгансан, уятсиз! Энди ёшларга қўйиб бер!

— Сол уни!— укасига бақирди Кингури.

Иала заранг тоғорадан қамиш олиб, ургани чоғланди-ю, қўли муаллақ қолди.

Кекса соба кулба остонасида қимир этмай ётарди.

— Уни Луежи кўмади,— деди тундлик билан Кингури.

Ака-ука ҳеч кимга билдирмай даф бўлишди.

## Хатарли йўллар

### I

Лугежи даладан қайтар, унинг орқасида эса саватларда ямс ва маниока кўтарган аёллар келишар эди. Малла ит иссиқ ва чарчоқдан тилини осилтириб, уларнинг ёнгинасида келарди. Қишлоққа етгач, аёллар тўхтаб, саватларини ерга қўйишди. Олисидаги осмон этагига туташган жойдаги ўтларнинг сариқ тўлқинида қуёш шуълалари ўйнарди. Атрофда улуғвор сукунат ҳоким.

— Эркаклар ҳали қайтишмапти,— деди Луежи отасининг кулбасига яқинлашаркан.

Лекин малла ит тўсатдан бошини кўтарди-да, чўзиб улиди. Луежи дод деганича кулбага отилди.

Отаси ерда қонга беланганча ётар, эшитилар-эшитилмас инграр эди.

Бу дафъа Каланъининг дўмбиралари халқни собанинг оғир аҳволдан воқиф қилиб янграмади. Лекин Луежининг содиқ хизматкорлари бор гапни қўшни қабилаларнинг бошлиқларига бирпасда етказишди.

Луежи жон бераётган отаси ёнидан бир қадам жилмади, Кингури билан Иала бўлса хурмозорда пусиб ётишарди. Улар ҳозир тамтамлар тилга кириб, Иала Макунинг ўлимидан халқни воқиф қилади деб қўрқинч билан кутиб ўтиришарди. Улар тун бўйи одамлар ўзларини тутиб олишидан қўрқиб, тиқ этган товушдан ҳадиксираб, қулоқларининг динг қилиб чиқишди.

— Улар бизни ушлаб олишмоқчи,— дея Кингури укасини ўрмон ичкарасига судраб кетди.

Тун бўйи дарё оралиғидаги тўрт томондан Каланъига тўда-тўда қуролланган кишилари билан собалар тинмай кела беришди.

Кулба сув қуйгандек жимжит. Учоқда ёнаётган ўтнинг қизғиш шуъласи жони узилаётган собанинг сўлғин юзини ва нурсиз кўзларини ёритарди. Луежи отасининг ёнида ўтириб, унинг чўғ бўлиб ёнаётган бошини силарди. Атрофда эса қабила бошлиқлари сукут сақлаб туришарди.

— Ота, Кингури урдими?

— Ҳа,— чолнинг лаблари зўрға қимирларди.

— Иала ҳамми?

— Йўқ,— шивирлади соба кўзларини юмиб.

Бунго қабиласи бошлиқларининг каттаси Иала Макуни битаётганини сездди. У васият қилиш учун охиргич куч-қувватини тўплади.

Кингури ҳам, Иала ҳам Каланъи ҳукмдорлигига муносиб эмас. Опасининг катта ўғли узоқ сафарга кетгани учун соба қизи Луежини ўзига ворис қилиб гайинлади ва ҳаммадан уни сванамурунда, яъни Ер маликаси деб тан олишларини сўради. Лекин қиз ҳали ёш Шунинг учун собалар унга оқилона маслаҳатлари билан ёрдам бериб, Кингуридан асрашларини илтимос қилди.

Иала Макунинг васиятларини бажаришга собалар бирин-кетин тантанали суратда онт ичдилар. Шунда у қўлидаги луканови ечиб Луежига узатди. Мана шу муқаддас билагузукни у бўлажак умр йўлдошига тақиб қўйишни уқтирди.

Чол абадий кўз юмди. Тонгги қуёш буюк қабила бошлиғининг сўнгги кўз ёшларини қуритиш учун кулбага мўралади.

Юэта дўмбира энг мохир палахмончи ва бунго юртининг энг уста балиқчиси Иала Макунинг ўлими ҳақидаги хабарни чўл шамолларига топширди. Итоатгўй шамоллар бу қайғули хабарни узоқ-узоқлардаги ўрмонлар, тоғлар, саванналарга ёйди.

Сокин хурмозорга ҳам Каланъида гумбурлаган юз дўмбиранинг садолари кириб борди. Иаланинг юраги эзилиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Кингури эса қошларини чимириб, тишларини қисди холос. На униси, на буниси бир оғиз сўз айтди. Хурмо дарахти учуда бир қуш сайради, бошқа бир қуш унга акс-садо берди. Қушларнинг сайрашидан ҳайрон бўлган калтакесак кўзларини катта очганича уларнинг сайрашини тингларди.

— Бу ердан кетамиз!— деди Кингури.

Ака-ука хурмозорни тарк этиб, киндик қони тўкилган юртдан узоқлашишарди. Дўмбиралар бўлса барча бунголари Иала Маку билан сўнгги марта видолашишга давват этарди.

## II

Кингури сингласининг Ер маликаси, бунго ҳукмдори бўлганини эшитиб ғазабда ёнди. Лекин отасининг васиятларига қарши эмаслигини, ворислик даъво қилмаслигини сингласига айтиб қўйишларини тайинлади.

У шундай деса-да, Ер маликасига қарши уруш бошлаш ниятида шоша-пиша лашкар тўплай бошлади.

Ҳамма ёқдан шамол эсиб турадиган текисликда азаматлар ва довьюракларни барча хатарли йўлларда Кингурига ҳамроҳ бўлишга чорлаб кеча-ю кундуз дўмбира садолари янграрди.

Дўмбира садолари тинди-ю, лекин озгина одам отабоболарнинг элас-элас хотирада қолган қабиланинг дабдабали кўчишини эслатувчи чақириғига бўйсуниб Кингурига эргашди.

Бунголар ичида энг ғолиб ва шафқатсиз қабила бошлиғи бўлиш ўрнига у шу тариқа қароқчилар тўдасига бошлиқ бўлиб қолди.

Кингури юлдузсиз зим-зиё тунда зулмат ва туман пардаси остида жанговар сурон билан Каланъи атрофидаги қишлоқларга ҳужум қилиб, одамларини қул қилиб ола бошлади.

Кингури отрядлари ўрмон ва саванналарга уруш ва ўлим элтарди.

Аҳоли ўзини бу отрядлар босқинидан ҳимоя қилиш учун қишлоқ атрофини тиканаклар билан тўсиб олди. Йўлларга соқчилар қўйилди, кечалари эса катта-катта гулханлар ёқилди. Кекса сеҳргарлар Кингури ва шериклари йўлини тўсиш учун афсун ўқишарди. Собалар унинг калла суягида мусаллас ичишга қасамёд қилишди. Шундан кейин бунго ери узра минглаб дўмбиралар ташвиш ва қўрқинч тўла садолар таратди.

Кингури қароқчилик йўлига кирди-ю, унинг жангчилари балиқ овлашни, хотинлари эса дала ишларини йиғиштириб қўйишди. Аёллар доим эрлари орқасидан қолмай, ўғирлик ўлжаларни ташиб юришарди.

Ёмғир мавсуми келиб, тунд осмонда чақмоқлар чаққанда, Кингури қишлоғида очарчилик бошланди.

Ўғирланган нарсалардан ҳеч вақо қолмаган эди. Кингури катта қишлоқларга ҳужум қилишга юраги бетламас, кичик қишлоқларнинг ҳаммаси хароб бўлганидан аҳолиси ташлаб кетган эди.

Эркаклар бу йил хотинлари экин экмаган далаларга гамгин ва сассиз боқишарди.

Шунда Кингури қулларини Кассанинг нариги қирғоғида яшовчи қабилаларга сотиб, аёлларни ер ишлашга, эркакларни балиқ тутишга буюрди. Узи эса Иала билан мусалласхўрлик қилиш ва барча фалокатларнинг сабабчиси деб билгани Луежини тўйиб-тўйиб сўкиш учун қишлоқда қолди.

Ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермай қолган эркаклар га-забланишарди.

— Кингури қулларни қандай сотган бўлса, бизни ҳам шундай сотиб юборади,— дейишарди улар бир-бирларига.

Кўплар хотинларини олиб кетиб қолишди.

Кингури энди учи найза тахта девор билан ўралган қишлоқда шавқ-завқ билан батукега рақс тушмасди. У билан бирга қолган кишилар энди фақат дилни ўртайдиган қўшиқлар куйлашарди. Бу қўшиқларни ўтмишда ота-боболар саванналарнинг чексиз сўқмоқларида юриб, шамолнинг гувиллаши ва дарёларнинг шовиллаши оҳангида тўқишган.

Мана, яна бир қароқчи ҳеч кимга бир оғиз гап айтмай кетиб қолди. У очлик ва ишсизлик жонига тегиб, она қишлоғига қайтишга аҳд қилган эди.

Иала қочқинни йўлда кўрди-ю, аммо унинг газабдан ёнаётган кўзларини кўриб йўлни тўсишга юраги дов бермади.

Қолганлар кечаси гулхан атрофида ўтиришиб, бу одамнинг қочганлиги ҳақида гапиришар, унинг мардликларини эслашар эди.

Орадан бир неча кун ўтгач, яна бир эркак билан икки аёл қишлоқдан секингина жўнаб қолишди. Кингури газабдан ҳайқириб, кимки қочиб уринса, калласини олишга қасам ичди.

Унинг одамлари худди ўлжа кетидан югурган ваҳший ҳайвондек қочқинлар кетидан қувишди.

Чошгоҳдан кейин улар дам олгани тўхташган эди, бирдан ёрдам сўраб бақираётган товушни эшитишди. Ҳаммалари қирғоқ бўйидаги ботқоқликка югуришса, қочқин ўша ерда экан. У ботқоққа секин-аста ботиб бораркан, кишининг раҳми келадиган даражада бақирарди.

— Чиқариб олинглар,— буюрди Кингури.

Қабила бошлиғи ботаётган одамни мазах қиляпти деб ўйлаб одамлар хахолаб юборишди, ҳеч ким жойдан қўзғалмади.

— Тезроқ чиқариб олинглар, бўлмаса ҳалок бўлади!— ўшқирди Кингури.

Шунда қароқчилар қовоқларини солиб, қайиш белбоқларини ечдилар-да, бир-бирига улаб, бир учини чўкаётган кишига отишди.

Кингури чўкаётган одамни чиқариб олиш у ёқда турсин, уни қайтиб қишлоққа олиб боришга ҳам ўз одамларини мажбур этди. Очиққан ва жаҳли чиққан кишилар бошлиқларининг кўзидаги қаҳр-газабни кўриб, унинг сўзини рад қилишга журъат этолмадилар.

Кингури бутун йўл бўйи лом-мим демади. У тўданинг олдига тушиб, тез-тез юриб борарди.

Улар қишлоққа кириб борганда қош қорайган эди. Кингури қочқинни дарахтга боғлашни буюрди. Уни елкасида



Қўтариб келган кишиларнинг кўзларида қувонч порлади. Кингури нима учун қочқиннинг ҳаётини ботқоқдан омон сақлаб қолганини энди тушунишганди.

Қишлоқни қизғиш нурга буркаб гулханлар ёқилди. Эр-каклар ва аёллар пичан ва шох-шабба тўплаб, қочқин боғланган дарахт тагига уйдилар.

Кингури гулханларни ўчиришни буюрди. Юлдузсиз, ойсиз зим-зиё тун эди. Одамлар худди кўрдек бир-бирига туртинишарди. Атрофга оғир сукунат чўкди. Шундай зулмат ичида бошлиқнинг овози эшитилди. У бугунги қочқинга бериладиган жазо барча сотқин ва кўрқоқлар бошига ҳам келишини айтди. Бу қочқин Кингурининг ямс ва бататларини еган, Кингури ёндирган қишлоқлардан олиб келинган аёллар билан маишат қилган. Кингури билан жанговар батукега рақс тушган, худди биродардек бир калebasдан хурмо мусалласи ичган эди. Энди бўлса ҳамма оч қолганда, Кингурини ва унинг одамларини номардларча ташлаб қочди!

Ўт чирсиллади. Кингури дарахт тагидаги шох-шаббаларга ўт қўйди. Аланганинг тиллари бахтсиз қурбонини ялай бошлади. Иала катта дўмбиранинг олдига югуриб бориб, уни чала бошлади — бу батуке рақсини бошлашга ишора эди. Сотқин жизгинак бўлиб ёнаётган улкан гулхан атрофида одамлар жазавага тушиб, бақирик-чақирик, ашула ва ҳуштак билан тун бағрини ёриб рақс тушишарди.

Шундан кейин Кингурининг биронта одами қочишга журъат этолмади. Лекин улар босиб олган қишлоқлар бошига келган фалокатлар беҳад-беҳисоб эди.

### III

Кун энди ёришиб келаётганида Ер маликаси Луежина-Конти канизлари билан бирга дарё бўйига кетди. У ерда онаси ўргатганидек, узоқ вақт дала ишларини кузатиб

Ўтирди. Кун ботишидан аввалроқ эса ҳамма каланъиликлар — ёш маликанинг ошиқ-маъшуқлари, фарзандлар ва ёш авлодлар — ўйиб ишланган, ёғоч қора тахтида ўтириб, арзга келганларнинг гапига қулоқ солаётганини ва фармойиш бераётганини кўришарди. Луежи ҳамиша халқнинг хоҳиши билан иш кўриб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди, чунки одамлар наздида энг аъло нарса — адолатдир.

Шуҳратпарастлар ва ҳийлагарлар қизнинг тажрибасизлигидан фойдаланиб қолишидан чўчишиб, собалар уни эҳтиёт қилишарди. Луежи ҳамманинг гапини тингларди-ю, лекин ҳаммага ишонавермасди.

Гоҳо-гоҳо Кингури ҳақида хабар келиб турарди. Лекин энди улардан ҳеч ким чўчимасди. Кингури ўз қишлоғида яшар, қуларини сотиш ёки қоқ балиқни тузга алмаштириш учун аҳён-аҳёнда дарёдан сузиб ўтарди. Иаладан бўлса ҳеч қандай дарак йўқ эди. Луежи уни бот-бот ўйлар. Шунда нигоҳига ғам булути соя соларди. Иаланинг киссанжи чалишини яхши кўрадиган онаси ёдига тушарди.

Бир куни собалар турмушга чиқиши, бунгога ҳоким бўладиган ўғил туғиши кераклигини Луежига айтишди. Иала Мақунинг хоҳиши шундай эди.

Қиз худди бировни излагандек атрофга аланглади-да, кулиб юборди.

— Унинг ўзи қани? — сўради у. — Ҳеч ким йўқ-ку.

Шундан кейин собалар унинг олдига ўз ўғилларини юбора бошлашди. Лекин йигитларнинг биронтасига ҳам Луежи кулиб боқмади.

Бир куни кечқурун Луежи даладан қайтиб келаётиб акаси Иалани кўриб қолди. Каланъилик балиқчилар ўртасида турган Иала сингисини олдида зўр эҳтиром сақлади. Луежи унга ҳеч қандай дашном бергани ҳам, Кингурини сўрагани ҳам йўқ. Иаланинг ўзи гап очиб, дарбадарлик акасининг жонига текканини, энди Ер маликаси билан ярашмоқчи эканлигини айтди.

Луежи ётиб қолиш учун акасини кулбага олиб боришни буюрди ҳамда канизлардан бири унинг ёнига кириб ётди. Иала сингласининг уларга ёмонлик соғинмаслигини тушунди. Шу кеча у кассанжи чалиб, болалик чоғларида сингласига ҳам, ўзига ҳам ёққан гамгин кўшиқни кўйлади.

Эртаси куни Иала акаси Кингури ва у қотилликка, босқинчиликка ўргатган кишилар ҳақида яна гап очди.

— Кингурида қалб йўқ!— бақириб юборди Луежи.

Лекин Иала акасининг бошига тушган кулфатларни: очарчиликнинг бешафқатлиги-ю, қанча одам қирилиб кетгани, қулларни сотишга, ҳатто аёлларни овқатга алмаштиришга тўғри келганигача сўзлаб берди.

— Энди унинг қуллари ҳам, хотинлари ҳам йўқ. Кингури жуда мунгли.

Иала бу сўзлари билан сингласининг кўнглини юмшатиб олгач, Кингурининг гуноҳидан ўтишни ўтина бошлади. Унга одамлари билан бу қирғоққа кўчиб келишга рухсат бера қолишни Ер маликасидан илтижо қилиб, акаси ҳам бошқа собалар сингари ўлпон тўлаб туриш мажбуриятини олади, деди.

Кечқурун Иала балиқ овидан қайтиб, овлаган балиқларининг ҳаммасини сингласига бераркан, Луежи Кингурининг кўчиб келишига рози эканлигини айтиб, «Майли у менинг дарём соҳилида яшай қолсин, лекин ўз одамларининг ишидан бохабар бўлиб турсин, тагин улар менинг одамларим билан жанжаллашиб юрмасин. Бўлмаса, худди калласини олиб ташлашга буйруқ бераман», деди.

Луежининг ҳиммати туфайлигина Кингури ўз дарёсининг сувидан яна ичажagini Иала тушунди.

#### IV

Кингурининг одамлари Каланьни яқинида қишлоқ қуриб олиб, дарёга сўқмоқ очишди. Шундан кейингина Кингури сингласининг ҳузурига келди.

Кўчиб келганларда ҳали чопилган ер йўқ эди, шунинг учун улар Луежи юбориб турган ямс ва бататларни еб кун кечиришар, унинг мусалласини ичишар эди, чунки барча хурмозорлар Ер маликаси музофотида эди.

Каланьидагилар Кингури дўмбирасининг овозини бирон марта эшитишмади. Унинг одамлари осойишта умр кечирар, ҳеч қаёққа боришмас эди. Ўзи эса сингисининг қишлоғига аҳён-аҳёнда бошлиқлар кенгаши чақирилганда, қабила бошлиғи сифатида келарди.

Бунголар қўшнилари хавfli эканини унута бошлашди. Лекин Луежи акасининг оёқ олишини диққат билан кузатарди. Каланьи билан Кингури қишлоғи ўртасидаги сўқмоққа қари собалар томонидан қўйилган соқчилар ҳам сергак туришарди.

Кингурининг даласида биринчи ҳосил йиғиш бошланганда у Ер маликаси олдига тез-тез келиб, маликанинг одамлари Кингури қишлоғининг кишиларидан беҳуда шубҳаланиб, уларни ташвишга қўяётганидан нолий бошлади.

Луежи акасининг гапларига чидам билан қулоқ соларди. Сингисининг саховатини Кингури ожизликка йўйди. У кундан-кун талабини ошира бергандан кейин, охири Луежи у билан гаплашмай қўйди. Шу тариқа яна уларнинг ораси бузилди.

Энди Кингури Луежи қишлоғидаги кишиларни кўришга кўзи йўқ эди. У ўз одамларининг орқасидан кузатиб юрганларни тошбўрон қилишни буюрди. Ёмғир мавсуми тугагач, Ер маликаси барча собаларга Каланьига ўлпонларини олиб келиб топшириш тўғрисида фармойиш берди. Луежининг буйруғини бажармаган ёлғиз Кингури бўлди.

Шундай бўлса ҳам бир неча кун ўтгач, Луежи унга яна хурмо мусалласи билан ёш бир канизакни юборди. У калebasдаги мусалласни улоқтириб, қизга қайрилиб ҳам қарамай, уни ўртоқларидан бирига тутқазди.

— Ол анавини,— бақирди Кингури.— Мен бундай  
увринди совғаларга муҳтож эмасман! Мен бунголарнинг  
бошлигиман.

Уша кечаси қирғоқдаги қишлоқда тамтамлар янграб,  
Кингурининг ўзи дарбадарликда юрган кезларидагидек  
рақс тушиб, жанг талаб қўшиқлар айтди. Кайфи ошгач,  
сингиси юборган канизакни чақириб, ўз кулбасига суд-  
раб кетди.

## Дўстлик юрти

### I

Жанубий текисликларда гармсел эсарди. Чанг кўтариб  
бир гала буғу ўтди. Узун шоҳларидаги қора чизиқлар са-  
риқ буталар орасида кўриниб-кўриниб қоларди.

Шамол эсаётган томондан ўқ ёйли овчилар кўринди.  
Бу Лубанинг моҳир овчиси Илунга бўлиб, узоқ шимол те-  
кислигидан бу ерга ўртоқларини бошлаб келган эди.

Улар буғулар кетидан қувиб келишарди. Бу қувиш —  
кўнгил очар ўйиндай бир гап эди. Улар буғулар кетидан  
қувиб етиб бўлмаслигини билишарди. Лекин жониворлар-  
нинг тирақайлаб қочиши шўх йигитларни хушнуд этар,  
завқлантирар эди. Улар буғуларнинг кўрқиб кетишидан  
кулишарди. Ахир балубалар йирик ҳайвон овига жилла  
ишқибоз эмасдилар-да!

Баъзан улар шамолдан «сен ҳам осмонда одам ҳидини  
билиб қочган мана бу жониворлар сингари тез учганмисан  
ҳеч қачон?» деб сўрашади. Таранг тортилган ёйларини ба-  
ланд кўтариб, овозлари борича кулиб, яна ҳам тезроқ  
югуришаркан, шамол кўзларига урилиб, ёшлантирарди.  
Буғулар кўздан ғойиб бўлишди. Шамол денгиздек чайқаёт-  
ган ўтлоқлар тепасида диконглаган қора шоҳлар кўринмай

кетди. Овчилар тўхтаб, ҳансирашди-да, ўқ ёйларини ташлашиб, ўтлоққа чўзилишди. Баланд ўтлар орасига қатор ётишиб, тердан ялтираган таналарига ором беришди. Қуёш оғунча улар шу зайлда ётишди.

Илунга билан ҳамроҳлари кўпдан буён луба дўмбиралари садосини эшитишмаганди. Уларнинг қишлоғи олисда қолган эди-ю, лекин уни юракларига жоқ қилиб, ҳар куни кечқурун шимол томонга меҳр билан боқишарди. Улар индамай ерга чордана қуриб ўтиришарди-да, кейин кимдир киссанжи чала бошларди. Шу дилсиё куй оҳангида улар хаёлан оила ва дўстларига мурожаат қилиб, анчагача қирот билан гапириб ўтирардилар. Овчилар ўз жасоратлари, кўрган-кечирганларининг бари ҳақида ҳикоя қилишарди. Опа-сингил, ака-укаларининг, ота-оналарининг соғлиқларини, саломлари бориб етган-етмаганлигини суриштиришарди. Улар уйларига қанчадан-қанча маслаҳат, ўғит беришар, эртага қиладиган ишларидан хабар йўллашарди. Улар гўё кечки шабада соғинч сўзларини олисдаги қадрдон қишлоқларига етказадигандек гапирганлари гапирган эди. Бу сўзлар бўшга кетса ҳам, овчиларнинг кўнгли таскин топарди.

Кўнглига яқин одамлар билан самимий суҳбат нима эканини барча ўрмон ва саванналар аҳолиси яхши билади. Одамлар ўз ҳис-туйғуларини ишониб топширган киссанжилар эса ана шу одамлар садосидек, ота-боболар даъватидек янграйди.

Илунганинг овчилари кўзни қамаштирувчи қуёш нуридан уйғонишди. Улар тунда ёқилган гулханларини ўчиришди-да, ов қидириб ҳар томонга тарқаб кетишди. Шу кетишганича қуёш ботиши олдида яна жам бўлишди.

Улар гулхан атрофига чўнқайиб ўтиришди-да, кабоб қилинган гўштга туз ва қизил гармдори солиб ейишгач, битта трубкани галма-гал сўришди.

Бу ерлар ўзига қарашли бўлмагани учун Илунга ўт ёқиб

ов қилишга рухсат бермасди. У бу бепоён ерларнинг эгаси кимлигини билмаса ҳам эгасиз ер йўқлигини биларди.

Гармсел буғуларни Луба саванналаридан шу томонга ҳайдаган, овчилар эса уларнинг кетидан тобора жанубга қараб боришарди. Орадан ўттиз кун ўтган бўлса ҳам, улар бирор тирик жонни учратишмади. Шу ерлар ҳукмдорининг рухсатини олгандан кейингина ўт билан ов қилиш мумкин эди.

Балубалар ўсиқ ўтлар орасига беркиниб, буғулар кетидан изма-из бориб ов қилишни ёқтиришмасди. Қўтондан эчки ўғирлаган ўғри сингари жониворнинг шундоққина ёнига боргач, бирдан ёпишиб олиш уларга хуш келмасди. Шод-хуррамликсиз, фақат нафс балосига учраб қилинадиган ов уят иш ҳисобланарди.

Улар ўт билан ов қилишнинг гашти теварак-атрофини ўт қуршаган аланганинг часир-чусури, ҳайвонларнинг маъраш-ўкириши, жон ҳолатда қочаётган каламушларнинг чийиллаши, илонларнинг вишиллаши ва овчиларнинг тантанали ҳайқириқлари эшитилиб турган кенг майдонда деб билишарди. Ов деган бундоқ бўпти! Ўрмон ва саванналардаги одамларнинг жасорати улуғвор ва гўзал. Бошқача ов — нафс туфайли қилинадиган қотилликдир.

Балубалар — ялангликда ов қилишарди. Илунга улар орасида манаман дегани. Бу ҳақда эртақлар тўқилиб, қўшиқлар куйланарди. Энди бўлса Илунга билан довбюрак ҳамроҳлари кийикларни ўрмон жойлардаги шарманда овчиларга ўхшаб ўлдиришлари керак. Худди моллар сув ичадиган жойда ёки дарахт панасида пусиб ётиб, бирор хавотирга тушди дегунча бир зумда дарахтга чиқиб кетадиган одамларга ўхшаб ов қилишлари керак. Энди балубалар қармоқларини сувга ташлаб қўйиб, кутиб ўтирадиган балиқчиларга ўхшаб қолишганди. Улар ҳам ёйга ўқ жойлаб, нафасини ичига ютганича овни сабр-тоқат билан кутишарди.

Овчилар ҳар эрта, бирон гулханнынг тутуни кўриниб қолмасмикин деб, узоқ-узоқларга тикилишар, кечалари бўлса олислардан дўмбира овози эшитилиб қолмасмикин деб қулоқларини динг қилишарди. Кунлар кетидан кунлар ўтди-ю, лекин улар ҳамон бу ерлик бирон кишини учратмадилар.

Овчилар орасида уйга қайтиш ҳақида гап юра бошлади. Уларда туз ҳам тамом бўлган эди. Одамлар тузсиз гўшт ейиш жонларига тегиб чарчоқлик ва очликдан нолий бошлашди.

Ниҳоят тунги шабада янграётган қанчадан-қанча дўмбиралар садосини олиб келди.

— Ҳой!— сакраб тураркан бақирди Илунга.— Қулоқ солинглар! Яқин орада қишлоқ бор экан! Уша ёққа чопинглар!

Лекин улар кечга бориб гулхан тутунини кўришди. Шафақ нурида қизғиш ранга кирган тутун осмонга кўтариларди. Бу ерда ким яшаши, бу ер қишлоқ ёки шикорюқ эканлиги маълум эмасди. Фақат бир нарса: бу ерда одам яшаши аён, негаки, қаерда олов ёқилса, демак у ерда одам бор.

Балубалар ўсиқ ўтлар орасини қўллари билан қийнаиб очиб, шахдам борардилар. Уларнинг қулоғига бирдан одамлар говури ва сувнинг шовиллаши эшитилди. Овчилар ўтлоқдан чиқишди-ю, тўхтаб қолишди.

Уларнинг қаршисида дарё бор эди. Дарёнинг нариги томонида ёш ва шўх жувонлар чўмилишарди. Улар нота ниш одамларни кўргач, чувиллашиб буталар орасига беркиниб олишди-да, баланд бўйли, сочлари елкаларигача тушган, қулоқларига катта тилла ҳалқалар таққан, темир ўқ ёйли бақувват кишиларга яширинча мўралашди. Аёллар бунақа кишиларни умрида кўришмаганди. Улардаги ҳавасмандлик қўрқувдан устун келди. Улар қочиб кетишмади, келган одамларга яширинча мўралаш учун бекиниб олишди.



— Чиройли хотинлар кетиб қолишди-да,— деди афсусланиб Илунга ва овчиларга дарёдан сузиб ўтишга буйруқ берди. Шунда бир жасур аёл буталар орасидан бошини чиқариб, шошмай туринглар, деб бақирди. Малика Луежи-иа-Конти дарёдан сузиб ўтган ҳар бир келгиндини соқчилар ўлдирсин, деб фармон берган эди.

— Ўзинг кимсан, муддаонг нима?— сўради аёл.

— Мен мутомболик овчи Илунгаман. Баҳодир дўстларим билан бу ерга ов қилгани келганман. Тузга алмашадиган гўштимиз бор.

Энди бошқа аёллар ҳам ликиллаб қолишди. Кулги овози эшитилди.

— Бизда туз йўқ,— деб такрорлади Илунга ва овчилари билан сувга туша бошлади.

— Тўхтанглар!— бақирди аёллар.— Кела кўрманглар. Сизларни ўлдиришади. Шошмай туринглар, биз Луежи билан гаплашиб кўрамыз.

Хотинлар чопқиллаб кетишди.

Овчилар узоқ кутишди. Нариги қирғоқдан буларга эркак киши овоз берганда қоронғи бўлиб қолган эди.

Ким эканликларини ва нима мақсадда келганликларини Илунга яна такрорлаган эди, қоронғиликдан овоз келди:

— Кутиб туринглар!

Қайиқнинг сузиши ва қамишлар шитирлагани эшитилиб турарди. Қайиқ келиб тўхтагач, ундан бир одам оғир юк билан ерга сакраб тушди. У «бунго диёрининг Маликаси сизларга бир корсон емиш совға юборди. Меҳмонлар хотиржам дам олишсин, эрталаб уларга одам келади», деб айтди, деди-да, қайиғига тушиб сузиб кетди.

Илунга ўқ ёй ва болтасини шундоққина тепасидаги дарахтга осиб, гулхан ёнига чўзилди-да, кўзларини юмди. У ҳамроҳларининг бир-бирига қадимги Луба матаалларини сўзлаб беришадиганларини эшитиб ётиб, мудрарди.

## II

Ер маликаси отаси ўтирадиган катта тош устида ўтирарди. Унинг атрофини чўрилари қуршаб олишган, улар қирғоқда кўрган овчи ҳақида гапиришарди.

— У чиройли экан, свана-мурунда!— деди бири.

— Узун сочли,— дугонасининг гапини бўлди бошқаси.

— Қулоғида-чи, катта ҳалқа ҳам бор,— қўрқа-писа сўз қотди бир қиз эндигина бўртиб келаётган кўкракларига қўлларини қўйиб.

Бошқалар ҳам бири олиб, бири қўйиб давом эттиришарди:

— Унинг қуроли ҳам чиройли экан.

— Кўзлари қуёшдай ёнади.

— Тишлари-чи, Луежи, худди сеникига ўхшаш садафдек.

— Унинг бўйи бунголарнинг ҳаммасидан баланд.

Луежи ҳаммага бунчалик манзур бўлган бегона юртлиқ ҳақида ўйлаб қолди.

У одатда бегона юртлиқ собани кутиб олганида ёки уруш эълон қилганида отаси ўтирадиган тош устида ўтирарди. Хизматкор аёллар эса унинг атрофида чўнқайишарди.

Ана муюлишда Илунга кўринди. У Луежи юборган ҳамроҳ кузатувида келарди. Кетидан эса елкаларига ўқ ёй осган овчилар тизилишган. Бунголар темир қуролни умрларида биринчи марта кўриши эди.

Луежи билан Илунганинг нигоҳи тўқнашди. Қиз ўзини тетик тутиб, бошини аста-секин ирғаганча овчидан ва унинг қўлидаги шимбуйядан кўз узмасди. Шимбуйянинг дастасида жез ҳалқачалар ярқирарди.

Овчилар жойларида тўхтаб қолишди, Илунга эса Ер маликаси ҳузурига бориб, унга таъзим қилди-да, қуролни унинг оёғи остига ташлади. Бу яхши ният билан кел-

ганлик аломати эди. Фақат балуба ҳукмронлиги рамзи бўлмиш — шимбуйяни у қўлида тутиб турарди.

Луежи ҳам Илунгага таъзим қилганида овчилар бир сиқимдан тупроқ олиб кўкракларига суртдилар. Улар ўз юртларида қабила бошлиқларини шу тариқа эъвозлашарди.

Луежи Илунгани ўз ёнига, кўпгина бунголларда тахтлик вазифасини ўтовчи тошга ўтқазди. Илунга ҳам бунчалик иззат-эҳтиром эвазига ўз шимбуйясини қизга узатди. Ҳалигача бунго мамлакатида одам боласи кўрмаган жез ҳалқалар билан безалган болта Луежини ҳайратга солди.

У ҳам меҳмонга луканони кўрсатди. Балубалар шимбуйяси сингари бу биллагузук ҳам бунголларнинг энг юқори қабила бошлиғига бериладиган белги эди.

Овчилар ўзларига ажратилган кулбаларга кетишди, Илунга эса Луежига ўз юртининг тарихини ҳикоя қилиб берди. Лубанинг охирги буюк қироли бўлмиш отасининг ўлими ва акаларининг тақдиридан сўзлади.

Улар ўзаро узоқ суҳбатлашишди.

Илунга саваннанинг энг яхши овчилари бўлмиш балубаларни, илгари шимол томондаги ерларга ҳукмфармолик қилган улуг собаларни мақтади. Луежи бўлса, унга бунголлар бошига тушган фалокатларни, отасининг ўлимини, акаларининг бемаънилигини гапириб берди.

Унинг кўзларига жиққа ёш келди-ю, лекин дард-хасрати билан меҳмоннинг юрагини сиқмаслик учун яна унинг қуролидан гап очди.

— Бизнинг томонларда ёввойи қушлар кўп,— деди Луежи,— одамларим ҳам тошни мўлжалга уришга, қопқон қўйишга уста.

Илунга кулиб юборди. Тош билан кўркаламушу қуёнлардан бўлак нимани ўлдириб бўларди!

— Менинг одамларимга мана бу қурол билан ов қи-

лишни ўргатиб қўясанми?— деб сўради Луежи олдида ётган ўқ ёйни кўрсатиб.

Илунга унга шунчалик кўп парранда гўшти ваъда қилдики, уларни қуритиш учун Каланьида жой етмас балки.

### III

Илунга билан овчилари қамишзорга ўт қўйган эдилар, шамол олов тўлқинларини қирғоққа томон суриб кетди. Қирғоқда балубалар қийқиришиб кийикларни кутишарди, тутундан кўз очолмай қолган ҳайвонлар ўзларини тўпшатиўри ўққа уришарди.

Лекин бунголар дупур-дупур оёқ товушларини эшитиб, ўзлари томон шаталоқ отиб келаётган ҳайвонларни кўриб қўрқувдан дир-дир титрашди. Ҳайвонлар галаси алангадан қочиб, ўз устларига бостириб келаётганини кўришганда эса балубалар берган ўқ ёйни улоқтириб, ўзларини дарёга отишди.

Илунга темир қуролини ишлатишни тош отувчиларга узоқ ўргатди. Уларни янгича усулда ов қилишга ўргатиш қийин бўлди.

Балубалар бунголар билан биргаликда бутун ялангликни айланиб ўтиб, бу бошидан у бошигача ёндиришди. Улар Каланьига қайтадиган бўлишганда бунголар ўқ ёй отишни ўрганиб олган эдилар.

Овчилар Ер маликасига ва унинг собаларига уюм-уюм гўшт келтирдилар. Каланьида балубалар батукега рақс тушишди.

Бунголар ҳақиқий овчилардек рақсга тушишни ўргангунларича ҳам орадан кўп вақт ўтди.

Бу рақс билан бирга ижро этиладиган қўшиқ, музика — ҳаммаси ўт билан ов қилишни ифодаларди. Дўмбиралар

гумбури — бу қутурган денгиздаги саф-саф тўлқинлар сингари қабиланинг югуриши. Бу — момақалди роқнинг олисдаги садоси, бу — кийикларнинг дупур-дупури ва ваҳший ҳайвонларнинг ўкириши.

Рақс — ҳайвонларга ташланадиган овчиларнинг ҳаракатларини тасвирларди. Бу — овчилардан қочаётган ҳайвонлар. Қўшиқлар эса жасур кишиларнинг мардликларини мадҳ этади, улар орасидаги энг довюракларини тараннум қилади ёки қабил бошлиғи мардона ҳалок бўлган буюк овни эслатади. Шунда ҳамма дўмбиралар ҳам, қўшиқчилар ҳам унинг шаънига марсия ижро этишади.

Бунголар ана шуларнинг ҳаммасини ўрганиб олиши учун кўп йиллар керак бўлди, кўп даштларга ўт қўйиш талаб этилди. Шундан кейингина улар ўз палахмонларини балубалар олиб келган темир найза ва ўқларга алмаштирдилар.

Шу тариқа бунголар тошни темирга алмашдилар. Улар ов худосига сажда қилиб, овчиларнинг урф-одатларини бажо келтира бошладилар. Улар қаршисида янги ҳаёт юз очди. Лекин биронта ҳам бунго қадимий худоларни ва ўз халқининг тарихини унутмади.

Барча ялангликларга ўт қўйиб бўлингач, балубалар жануб ерлари билан хайрлашишга аҳд қилдилар, аммо Илунга улар билан кетмади. Луежининг нигоҳи унинг қайтиш йўлига ғов солган эди.

Ўз қишлоқларига қайтгач, хотинлари ҳузурига қайтган балубалар кўп нарсаларни ҳикоя қилиб беришди. Ёшлар уларнинг гапларини сеҳрланган каби тинглашарди. Кексалар бўлса, уларга сира-сира ишонишмади.

Илунга абадий ташлаб кетган хотинлари қайғу гирдобига ботишди. Олис жанубда, бегона юрт маликасига асир бўлиб қолган хушқомат, навқирон жасур қабил бошлигини овчилардан гоҳ униси, гоҳ буниси сокин тунда бот-бот ўйлаб қўярди.

Шамоллар жануб ялангликларидаги балуба овчиларининг изини кўздан яширгач, Илунга Луежидан шимбуйяни акаси Кассонгога юбортиришини илтимос қилди. Узи энди Лубага сира қайтиб бормайдиган бўлди.

У буюк аждодлари мангу уйқуга кетган қадимий ва қашшоқ юртга қабила бошлиғи бўлишни хоҳламасди. Шунинг учун бу болтача энди унга мансуб бўлолмасди.

Лужининг қувончи ичига сиғмас, лекин Илунганинг муҳаббати сўниб қолишидан чўчиб, чопар жўнатишни кетга сурарди.

Бир куни эрталаб Илунга Луежини биринчи марта кўрган тоши ёнига мужанган қаламчасини ўтқазди.

Ер маликаси бу қаламчани кўрганида юраги дук-дук ўриб, яноқлари қип-қизариб кетди.

— Буни Илунга ўтқазди,— деди чўриларидан бири.

Аёллар чапак чалиб, териларига сиғмай кулишарди. Эркак киши бу дарахтни ўз севгилисини топган ерига экишини бунголларнинг ҳаммаси биларди.

Луежи ҳам тош атрофидаги ерни текислатиб, ҳар куни бу қаламчани суғориб туришни буюрди.

Энди Луежи билан Илунга оқшомлари хурмо мусалласи ичиб, ёнма-ён сўзлашиб ўтирадиган бўлишди. Ойдин кечаларда эса Илунга киссанжи чалиб, бунго малиқасига ўз олис мамлакатиинг қўшиқларидан куйлаб берарди.

Мужанган қаламчаси катталашиб, ўзини тутиб олгач, Илунга тош ёнига Луежига бўлган муҳаббати рамзи сифатида бир-бирига ёнбошлаган яна иккита ниҳол ўтқазди.

Ер маликаси ҳузурига афсунгарлар келишиб, бу балубани унинг олдига Иала Макунинг ўзи юборган деб каромат қилишди-да, бу мусофир ўз қабиласидагиларни хоҳламаган, маликанинг болаларига ота бўла қолсин дейишди

Шунда Луежи худоларнинг хоҳишини маълум қилиш учун оқсоқоллар ва собаларни чақиртирди.

Лекин чоллар ёқаларини ушлаб қолишди. «Бу балуба Луежини севгани учун эмас, бу ерда яшаш осон бўлгани учун ўз қашшоқ юртини ташлаб келиб, бунголар орасида қолмоқчи», дейишди.

— У бизнинг юртдаги гўшларни еб ётмоқчи,— деб бақирдишди улар.

Лекин Ер маликаси ўз сўзида туриб олди.

— Мендан туғилажак ўғиллар, бизнинг қонимиздан бўлади, бунголар бўлади,— деди у оқсоқолларни кўндириш мақсадида.— Илунгани менга отам юборган. Илунга қул эмас. Буюк қабила бошлиғи Кассонго билан қабила бошлиғи Каньиука унинг туғишган акалари бўлади.

Чоллар елкаларини қисиди.

— Унинг ерлари бутунлай хокитуроб бўлган, Свана-мурунда,— деди пўнғиллаб собалардан бири.— Сен бу одамни кўпдан буён боқиб ётибсан. Бу ердан ҳайдаб юбор уни.

Луежи унга:

— Бизга темир қуролни олиб келган ҳам, одамларимизни ов қилишга ўргатган ҳам Илунга-ку,— деди.

Шундан кейин оқсоқоллар бундай қарорга келишишди:

— Майли, сен хоҳлаганча бўлсин. Илунга сеники. Бунго раҳнамоларининг раҳнамоси отанг уни сенга юборибди. Илунгадан манаман деган, жасур ўғил кўрасан, у бунгога ҳукмрон бўлади.

Шу кунгёқ Луежи Кассонгога кўп совға-саломлар билан шимбуйяни ва Илунга унга уйланаётгани тўғрисидаги хабарни жўнатди.

У чопарларнинг қайтиб келишларини сабрсизлик билан кутарди. Луежи ҳар кун ибодатхонасига кириб худолардан мадад сўрарди. Ибодат қилиб бўлгач, кетиш олдидан жаҳонгашталар худоси Сапо-иа-Лупетонинг пойига битта

қуруқ шохча ташлаб, чопарларнинг тезроқ қайтиб келишини ундан илтижо қиларди. Ниҳоят чопарлар Кассонгонинг олис тоғлик ўлкасидан қайтиб келишганида ёғоч худоларнинг пойида ўттиз учта қуруқ шохча ётарди. Луежи уларни кичик калebasга солиб, қўриқлаб туриш учун севги худоси — Камау олдига қўйди. У ерда, бир вақтлар онаси худоларни севишни ва уларга эҳтиром сақлашни ўргатган ибодатхонада, бу калebas Луежи учун севимли саждагоҳ бўлиб қолди.

Кассонгонинг тоғларида бўлган чопарлар жуда мамнун қайтишди. Қабилa бошлиғи уларни тантанали батукe рақси билан қарши олиб, олдиларига гўшт ва хурмо мусалласини тўлдириб ташлабди. Улар тоғ юртининг одамларини худоларни мақтагандек мақташарди. Фил овчиларининг улур жасоратлари ҳақида завқ-шавқ билан гапириб беришди. Лекин Каланьйдаги одамлар филларни овлаш мумкинлигига орадан анча вақт ўтиб, Кассонгонинг қуроли жангчилари келганидан кейингина ишонишди.

Кассонго Луежига қимматбаҳо совғалар: филнинг оппоқ тишларини ва темир қуролар юборибди. Унинг элчиларини Ер маликаси ихтиёрида доимий қолиши керак бўлган юзлаб жангчилар кузатиб келишганди.

Қабилa бошлиғи Кассонго шимбуйяни Илунгага қайтариб юборибди. Унинг хоҳиши шундай бўптики, болтача укасининг қўлида қола берсин депти. Луежи унга ўғил туғиб берганида, ўша ўғил, свана-мулопо Лубанинг урфодати бўйича муқаддас шимбуйяни мерос қилиб олади, депти.

Кечаси эса Ер маликасининг дўмбиралари ҳаммани батукeга чорлаб янгради. Халойиқ Луежи ва Илунганинг муҳаббат тўйига бағишланган тантанали қўшиқларни куйлаб, юзлаб гулханлар орасида рақс тушди

Бепоен ялангликлар устидаги янги кунни Луежи-иа-Конти ширингина жувон бўлиб кутиб олди.



## IV

Кингури Луежининг тўйига келмади. Иала ҳам келмўди, лекин у Луежини кўрганида синглиси билан қўшилиб, бунголар қонини бузаётган мусофирни Кингури тан олмаётганини айтди.

Дарёнинг Каланьидан оқиб ўтмайдиган қирғоқларида яшайдиган олис қабилаларнинг собалари ҳам ерлари ва ҳаётлари мусофирга тобе бўлишини хоҳлашмасди. Улар ҳам тўйга келишмади.

Луежи бўйсунмаган қабила бошлиқларини жазолашни буюриб, Кингури хусусида: «Узига ажратиб берилган ерда қароқчилари билан яшайберсину, лекин урушни хаёлига келтирмасин. Минглаб бунголар ва Илунганинг акаси юборган довурак кассонголар унинг қишлоғи атрофида туришибди. Кейин унга ҳеч ким раҳм-шафқат қилмайди. Уз қишлоғидан ҳеч қаерга чиқа кўрмасин. Акс ҳолда унинг калласини кесишга ва Илунга кулбаси олдидаги қозикқа илишга фармон бераман», деди.

Мана уч кеча-кундуздирки, Ер маликасининг дўмбиралари янграмоқда. Бу овозни барча қишлоқлардаги бунголар, саваннадаги овчилар ва дарё соҳилларидаги балиқчилар эшитишди. Уларнинг дўмбиралари ҳам бунга жавобан, одамлар Каланьидаги улуғ маросимга бормоқчи эканлигини хабар қилиб янгради.

Ер остидан тош тузлар кавлаб чиқариладиган энг олис жанубий ерлардаги бунголар етиб келишгач, байрам бошланди.

Гулханлар алангаси осмонга ўрлади. Бу гулханлар атрофида эркаклар рақс тушар, аёллар дўмбира оҳангига монанд тўлғанишарди. Кайфи ошган бунголар, балубалар ва кассонголар узун ашулаларни овозлари борича айтишарди.

Бу вақтда собалар Илунгани энг машаққатли синов-

лардан ўтказишарди. Илунга буларнинг барига индамай чидади. У ҳар қандай фалокат ва қийинчиликларга киприк қоқмай дош беришини исботлади. Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган одамгина чинакам қабила бошлиғидир.

Оғир синовлардан кейин Ер маликаси Илунгани биринчи марта учрашиб, биринчи марта сўзлашганида ўзи ўтирган тоши устига чиқарди. Қабила бошлиқлари қуршовидаги бир оқсоқол у ерда яқинда ўтқазилган дарахтлар олдида Ер маликаси қўлидан Иала Макунинг — Тошлар ҳукмдорининг луканосини олди-да, Илунганинг қўлига кийдириб, уни бунго қабилалари бошлиқларининг бошлиғи деб эълон қилди.

Мингларча шодиёна овозлар янгради. Халойиқ янги қабила бошлиғини муборакбод қиларди.

Шу пайт гулханлар ёруғида қутурган Кингури пайдо бўлди. У Илунганинг барча бунголар кўрсин учун виқор билан олға чўзилган қўлини кўрди. Янги собанинг қўли уларга бутун ҳаёт-мамот йўлини кўрсатажак. Ҳеч ким кўзини Илунгадан узолмасди. Лекин Кингури отасининг луканосини бегона юрт кишиси қўлида кўрмаслик учун кўзларини чирт юмди.

Сукунат чўкди. Оқсоқоллар халқ номидан Илунгани яна бир марта собаларнинг собаси деб аташди. Энди у барча бунго қабилаларини бирлаштириши керак. Кейин свана-мурунданинг қоршидаги ўғли ҳокимиятга ворис бўлиб қолади.

Ҳамма собалар ихтиёрий равишда Илунгага бўйсунганликлари сабабли бу байрам, барча бунголарнинг дўстлик байрами эканлигини намойиш этиб, қабила бошлиқлари халқ билан бирга рақс тушиб кетишди.

Илунга ўтқазган дарахтлар олдида қабила бошлиқлари мангу дўст бўлишга аҳд қилишди, уларнинг мамлакати энди Лунда деб атала бошладики, бу «дўстлик» деган маънони билдиради.

Лунданинг барча ҳукмдорлари шу дарахтлар ёнида қатта собанинг қўлидан лукано олишди. Шу дарахтлар соясида улар одамлар билан гаплашиб, шу ердан юришларга жўнашдики, шу юришлар туфайли Лунда Қора Африканинг буюк давлатларидан бирига айланди.

## Кингурининг йўли

### I

Кингурининг қишлоғидаги улкан дўмбиралар садоси гиниб қолди. Ҳар бир батукега жўр бўладиган ёғоч чингуф<sup>1</sup>ларнинг ҳам овози эшитилмасди. Фақат дарахтларнинг уч-учида кичик колебаслар — мукупьелар товуши келарди. Иала акаси мусофирчиликда юрган чоғларида юртида нималар бўлаётганини билиб туриши учун уларни осиб қўйишга фармон берган эди.

Кингури тантананинг эртасигаёқ жўнаб кетганди. Шундан кейин одамлар уни гоҳ дарё соҳилида, гоҳ чексиз ялангликда, гоҳ солга тушиб дарёни кесиб ўтаётганида кўриб қолишарди. Одамлар Луежигга қайсар акаси ўзига ўхшаган қайсарларни Ер маликаси билан урушишга даъват этиб юрганини айтишарди.

Каланьига ташвишли хабарлар келиб турарди. Собалар кўп довурак жангчилар Илунга уларга берган темир қурооларни олиб, кечалари ўз кулбаларидан гойиб бўлаётганидан шикоят қилишарди.

Олий собага ўлпон тўлаш пайти келганида Кингури Илунгага юзлаб темир найзалар ва ўқлар юборди. Бунголлар ниҳоят ўз биродарлари ҳам темир қуроолар ясашни ўрганиб олганларидан қувонишди. Илунга эса Луежининг

<sup>1</sup> Чингуф — музыка асбоби.

бахил акаси балубаларнинг ўтмишдаги қудратини масхара қилаётганини тушунди.

Бир вақтлар фақат балубаларгина ясай олган қуроли энди бунголарнинг ўзи ясайдиган бўпти. Шундай қилиб Кингури Илунгани жангга чақирди. Кингури балубаларга ўхшаб найза ва ўқ ясашигина ўрганиб олиш билан чекланмаганлиги, қуроли шу қадар кўпайиб кетганидан ҳатто ўлпонни ҳам қурол билан тўлай олишини Илунгага билдириб қўйди.

Шу орада саратон кунларидан бирида Каланьида Луежи ўғил кўрди. Собалар собаси бўлажак бу болани муборакбод қилиш учун совға-саломлар олиб, Лубанинг ҳамма томонидан қабила бошлиқлари кела берди.

Кингури ҳам келди. Унинг жангчилари ҳам, юзлаб қуллари ҳам совғалар олиб келишди.

Олис тоғлар ҳукмдори Кассонго шунчалик кўп фил тиши юборибдики, улар Илунга қишлоғи атрофини ўраш учун етгулик эди.

Каньиука қанчадан-қанча темир қуроллар билан чиройли гулдор палослар юборибди. Энг камбағал укаси Маи бўлса, иккита чўри совға қилибди. Унинг элчилари Илунгадан ямс беришни сўрашди. Қадимий Лубада одамлар очдан қирилмоқда эди. Табаррук қабила бошлиқларининг қабрларини ташлаб кетишнинг иложи бўлганида улар аллақачон бу ерларни тарк этишарди.

Оқсоқоллар бола олдида тиз чўкишиб, унга абадий содиқ бўлишга қасамёд этишди. Луежининг ўғлига улар қатори Кингури ва Иала ҳам таъзим қилишди.

Лунданинг қабила бошлиқлари бўлажак собага ўзларининг ва ўз халқларининг, ўғиллари ва қулларининг ҳаётини ишониб топширишди. Чоллар боланинг бошига қўлларини қўйиб, бўлажак ҳукмдорни ҳимоя қилиш учун на қурол-яроғни, на довюрак жангчилар ҳаётини аямасликларини айтишганда, бола секингина йиғлаб юборди.

Илунга ўглига иа-Нва деб ном қўйди. Одамлар уни Мвата-иа-Нва «йўлбошчи иа-Нва» деб атай бошладилар.

Шу кундан бошлаб Лунда ҳукмфармолари Мвата-Нва деган мағрур номга эга бўлдилар.

Илунга билан Кингури бир колебасдан хурмо мусалласи нчишиб, бир трубкадан чекишиб ўтиришди. Ҳамманинг назарида улар дўстлашиб кетганга ўхшашарди. Луежи ҳам ўгли бундай мўъжизага сабаб бўлганидан худоларга шукр қиларди.

## II

Луежининг кўкрак сути тугаб, ўглини эмизмай қўйганидан кейин одамлар унда ўзгариш рўй бераётганини сезишди. Ер маликаси гурурини қўлдан берди: У Илунга олдида ўзини паст тутар, гўё фақат Илунга улуг ҳукмдору, Луежи унинг чўрисига ўхшаб қолган эди.

Кингури сингласига у Иала Макунинг қизи эканлигини эслатиб қўйди. Лекин Луежи унга Илунга ўглининг отаси бўлиб, ҳаммадан ва ҳар томонлама юқори эканлигини айтди. Луежи бутун юрт ҳукмдори бўлажак ўглининг ҳурмати учун ва шу ўғилни оламга келтиргани учун ўзи Илунгани қанчалик бошига қўйса, Кингури ва бошқа собалар ҳам шунчалик бошига қўйишини истаганини билдирди.

Энди Кингури кўпгина янги дўстлар орттирган эди. У авваллари ҳақоратлаган, қамчида саваган, камситган одамлар билан биргаликда Илунгани ёмон кўришарди. Бир вақтлар Луежига бўйсунган собалар мусофирга бўйсунгани хоҳлашмасди. Шундай қилиб, Кингури Каланьига келмай қўйди, ҳатто дўмбиралар ҳаммани байрамга ёки қабилла бошлиқларининг улкан кенгашига чорлаб янграганида ҳам келмай қўйди.

Илунгани йўлбошчи деб тан олишни истамайдиган собалар бирин-кетин Кингури ҳузурига кела беришди.

— Луежи йўлдан чиқди,— дейишарди улар.

Кингурунинг кишилари Илунга Луежигга эркалатадиган сўз айтса, унинг терисига сизмай қувоншини бир-бирларига гапириб, мазах қилишарди.

Луежи Илунгани қанча кўп севиб, унга қанча кўп итоат қилгани сари кўплаб одамлар Кингури тарафига ўта берди.

Ниҳоят Луежи акасининг қишлоғига ўзидан норизо собалар йиғилаётганидан хабар топди. У Илунгадан Кингуруни куч билан бўлса ҳам ўзини ҳурмат қилдиришга мажбур этишини сўради.

Шунда Кингури ўзининг барча одамларини темир найзалар ва ўқейлар билан қуроллантирди.

Каланьида эса қабила бошлиқлари Кингурунинг Илунгага қарши уруш очиш учун шайланаётганини унга шипшитиб қўйишди.

Оқсоқоллар Каланьига кўчиб келишди. Керак бўлса улар Ер маликаси, Илунга ва уларнинг ўғли учун жонларини беришга ҳам тайёр эдилар.

Шундай бўлса ҳам уруш бошлаш учун Кингурида садоқатли жангчилар ҳали кам эди. У ўз дўстлари орасидан сотқинлар чиқиб қолишидан қўрқарди. У калласидан жудо қилиши мумкин бўлган хиёнатдан жуда хавотирда эди.

Кингури энг яхши дўстларини яширинча тўплаб, кечаси, Каланьидагиларнинг ҳаммаси уйқуга кетганда ўз қишлоғига ўт қўйиб, саватларга ямс тўлатиб олган аёллар ва жангчиларга бош бўлиб ғарб томон йўлга тушди.

У Ер маликасига элчи юбориб, унга бундай дейишни буюрди: «Кингури ўз отасининг ерида жон ҳовучлаб яшай олмайди. У ўзи истамагани ҳолда бу ерларни ташлаб кетяпти ва тунлари қуёш уйқуга кетадиган юрт изляяпти.

Лекин у билиб қўйсинки, Кингури катта қўшин тўплаб, албатта қайтиб келади. Ана шунда уни оёқ ости қилгани учун Луежининг қонини тўкади. Ҳозирча синглиси

Ер маликаси бўлиб қоладиган арзимас муддатдан фойдаланиб турсин. Майли, ҳозирча у Иала Макунинг тўнғич ўғли Кингурига тегишли бўлган нарсаларни келгинди билан бирга кемириб ёта турсин. Луежи ҳам, Илунга ҳам халқни талаб, собаларни чиқиштирмай Иала Макунинг руҳини ҳақоратлашяпти».

### III

Луежи ташвишланиб қолди. Акаси уни ҳам, Илунгани ҳам ҳақоратлаганди. Кингурининг кетиб қолиши балундаларнинг қутини учуриб юборди. Одамлар Луежининг олдига келиб, ундан чақалоқ Иа-Нвани кўрсатишини талаб қилиша бошлашди. Кингури уни ўғирлаб кетганмиш, деган овоза тарқалганди. Оқсоқоллар Илунгага Кингурининг калласини олиб келиш учун унинг кетидан аскар юборишни маслаҳат беришди. Халқни фақат шундай қилиб тинчитиш мумкин, дейишди улар. Лекин бунга Луежи рухсат бермади. Нима бўлганда ҳам унинг акаси-да.

Балундаларга ташвиш устига ташвиш келтирган хабарлар кундан-кун кўпая берди. Улар ёндирилган қишлоқлар ҳақида, пайҳон қилинган экинзорлар ҳақида, ўлдирилган эркеклару, чўриликка олиб кетилган аёллар ҳақида, ўт қўйиб юборилган ялангликлар ҳақида эшитиб туришарди. Кингури ўз одамлари билан ўтган жойлар тақир дашт бўлиб қоларди.

— У ўтдан ҳам даҳшатлироқ!— дейишарди йўловчилар. Бутун юрт нотинч бўлиб турган, бегона юртлар көзишни ва хавф-хатарга дуч келишни яхши кўрадиган кўп-лаб одамлар Кингури томон кетаётган чоғда, Дўстлик юртининг қудрати барбод бўлай деб турган чоғда Кингурини Лундани ташлаб кетибди деган хабар келади.

У олис Чиумбе дарёсининг қирғоқларигача етиб борибди-да, у тўккан қондан дарё суви қирмизи рангга бўялибди. У йўлини тўсмоқчи бўлган қабилалар билан жанг қила-қила барча қишлоқларга ўт қўйиб, Кассан дарёсининг юқори томонига қараб кетибди. Шу тариқа у Лунда билан хайрлашибди.

Шундан кейин Луежи билан Илунганинг муҳаббати биринчи кечадагидек алангаланиб кетди. Чунки Кингури-нинг даҳшатли кўланкаси уларнинг юртидан даф бўлган эди.

Узоқ вақтгача ундан дом-дарак бўлмади. Лекин бирор балунда ўз қишлоғини тарк этиб, номаълум томонга кетиб қолса, унинг орқасидан, бу Кингури-нинг йўлидан кетди, дейишарди.

Кингури Лундадан йўқолиб кетган бўлса ҳам бошқа юртларга боришни, хавф-хатарларга дуч келишни яхши кўрадиган кишилар хотирасида сақланиб қолганди.

Орадан кўп йиллар ўтгач Лундага Кингури Кванза дарёсига етиб бориб, у ерда қуроллари олов отадиган оқ танлилар билан учрашганмиш деган хабар келганида яна осойишта ҳаётни ёқтирмай, хавф-хатар излаб кетувчилар топилиб қолди.

Бирор балунда дарбадарлик шаробини тотмоқчи бўлиб, юртини ташлаб, Кингури-нинг йўлидан кетса, Луежи елкасини қисиб бундай дерди:

— Айоко!

Бу, «майли, кетаверсин!» дегани эди. Шундай қилиб, Лундадан кетадиганларнинг ҳаммасини одамлар «айоко» деб атайдиган бўлишди.

Кейинчалик бу сўз «киоко»га айланди.

Шундан сўнг, балундалар юртида Кингури сўқмоғи — сўнгги кўчманчиларнинг хавф-хатар тўла саёҳатлар йўли, бўйсунмаслар йўли бекилмади.



## САВАННА САДОСИ

### I

**Т**онг гира-шира ёришганида Дўмба-и-Квилу ўрнидан турди-да, сўнаётган гулхандан йироқлашди. У кериришиб олиб, ерга тупурди, душман қабиласи киокони ланатлаб, биқсиётган гулхан ёнида данг қотиб ётган ҳамроҳларига масхараомуз назар ташлаб олгач, катта-катта одимлаб дарё томон кетди. Қалин туман дарёнинг нариги қирғоғини кўрсатмай қўйганди. Дўмба-и-Квилу яна сўкиниб олди. Негаки, қанча бақирганинг билан нариги қирғоқдагилар эшитишмасди-да: Дарё шу ерга келганда роса ёйилиб оқарди.

Бу дарё бутун бир халқни боқар, ерини суғорар, аммо мана бу Дўмба-и-Квилуга маккорлик қиларди. У ҳар гал дарёнинг тез оқар жойидан қайиғи билан сузиб ўтаётганида пусиб олар, хаёлида уни тутиб оладиган кайманларнинг<sup>1</sup> даҳшатли боши сувдан чиқиб турганга ўхшарди... Шу дақиқаларда Дўмба-и-Квилунинг қўрқувдан мияси ганграб, юраги ёрилгудай бўларди. Лекин маҳкам қисилган лабларидан гинг этган садо чиқмасди. У қайиқнинг четига жон-жаҳди билан ёпишиб олиб, кўзларини маҳкам юмганча, аъзойи баданини совуқ тер қопларди.

Лекин қилган гуноҳлари учун ахир бир кун шармандаларча ўлишини Дўмба-и-Квилу биларди. Одамлар ундан «ўзи нима гап» деб суриштира олмасдилар. Уларнинг ҳеч гапдан хабари йўқ эди. Лекин арвоҳлар унинг гумроҳ ҳаётини доим таъқиб қилиб юрардилар.

Шунинг учун Дўмба-и-Квилу қутлуғ кайманлар олди-да ўзини гуноҳкор ҳисоблаб ўтакаси ёриларди... Улар осий одамларни еб қўярди. Дўмба-и-Квилу сузаётган пайтида

<sup>1</sup> Кайман — гимсоҳнинг бир тури. Овчилар уни гуноҳкорларни жазолайдиган махлуқ деб биладилар.

қанчалик жон ҳовучлаб юрмасин, бир оғиз ҳам гапирмасди. У муборак ҳайвоннинг номини бирон марта тилига олмасди. Ўз номи тилга олинганини эшитган кайман шу заҳотиёқ пайдо бўлиб, узоқ кутган қурбонини олиб кетиши мумкин эди-да.

Дарёдан совуқ намлик эсарди. Дўмба-и-Квилунинг вужудини қалтироқ босиб, тишлари такиллади. Лекин бу аҳвол узоқ чўзилмади — у дашт ерда қаққайиб турган дарахт остида олов ёқиши билан ўтди-кетди. Одамлар бу дарахтни қайиқларини боғлаш учун эҳтиёт қилишарди.

Дўмба-и-Квилу оловда қўлларини иситиб олгач, яна киоколарни сўкди: унинг онаси киоко, отаси балунда қабиладан бўлиб, хотини бир киокога андармон бўлиб ўз уйини ташлаб кетиб қолганидан бери она авлодини ёмон кўрарди. Ушанда у қочқинлар кетидан қувиб тиканли чангалзорларни ғалвир қилиб ташлаган, оёқлари қонга беланган эди. Шуниси ҳам борки, бу ҳодисанинг тарихи жуда узоқ бўлиб, Дўмба-и-Квилу уни нохушлик билан ҳикоя қиларди... Бунинг устига тингловчилар ҳамиша ҳам ўзларини кулгидан тия олмасдилар. Аммо бирор одам қабила бошлиғининг яқин орада эканини билмай қолиб, бу гапларни одамларнинг эсига солса, Дўмба-и-Квилу ўша адабсизнинг қаршисида худди ердан чиққандек пайдо бўларди-да, пишқириб, тишларини ғижирлатарди, ғазаб ва аламга тўлиб, у дилозорнинг кекирдагидан оларди. Қўшни қишлоқлардаги кўпгина довюрак жангчиларнинг баданида Дўмба-и-Квилунинг тиш ва тирноқларидан қолган чандиқ бор эди. Мана шунинг учун (овда эпчиллиги учун ҳам) у Дўмба-и-Квилу дарёсининг шери номини олган эди. Бу даҳшатли лаҳаб унга маъқул тушган бўлиб, шуҳратпараст кўнглига таскин берарди. Тез орада у ўзининг ҳақиқий исмидан бутунлай воз кечиб юборди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, туғилганида унга қандай исм қўйилганини фақат чолларгина эслаб юришди.

Ниҳоят дарё устини қоплаб ётган туман орасидан шиддатли бақриқ эшитилади. Дўмба-и-Квилу шу заҳотиёқ кўзини ўтдан олиб, туманга синчиклаб тикилди. У туман орасида кўринаётган шарпани гира-шира илғади. Сўнгра ўрнидан туриб, кафтлари билан оғзининг икки томонини тўсиб бақирди. Сузиб келаётган қайиқда бир киши турарди. У қайиқни қозик ва маёқ хизматини ўтайдиган дарахт томон бурди.

— Сакра!— бақирди у Дўмбага, қайиқнинг тумшуғи қирғоққа тегар-тегмас.

Шундан кейин улар дарё бўйлаб қуйига, Камбашининг қизи Луежи билан Дўмба-и-Квилу учрашадиган Иакала қишлоғи томон сузиб кетишди. Луежи анчадан буён аёл киши нафасини туймаган Дўмба-и-Квилуга ёстиқдош бўлиши керак эди.

## II

Дўмбанинг қабиласидаги овчилар қабила бошлиғи қурдирган лагерда қуёш чиқиши билан уйғонишди. Улар ўнг томонларида тикка кўтарилиб, осмон бағрига сингиб кетаётган ҳовурга қараб, норози оҳангда бош чайқадилар.

— Бугун яна шамол бўлмас экан,— деди овчилардан бири эснаб.

Кўп кунлардан буён аҳвол шу эди. Кўзни қамаштирадиган тиниқ осмонда бир парча ҳам булут кўринмасди. Фақат лангиллаган қуёш кўзларни ердан узишга имкон бермай, олов пуркарди. Квилу дарёсининг иккала ёнида узала тушиб ётган ва дарёнинг ирмоқлари бир-биридан ажратиб турган ялангликлардаги ўтлар сарғайгандан сарғайиб борар, бирорта ҳам гиёҳ момақалдироқ хабарчиси — шамол тегиб чайқалмасди. Еру осмон қимир этмай турарди.

Сарғайиб ётган ялангликка боққан сари овчиларнинг сабр-тоқати тугаб, умиди сўниб борарди. Ут ёқиб ов бовлаш мумкин бўлган шабадали тонгни кута бериб, улар беркорчиликдан тоқатлари тоқ бўларди. Саратон иссиғи ва гулхан ҳароратидан лоҳас бўлиб, кунни бўйи эснашгани-эснашган эди. Одамлар осмонга кўтарилаётган тутунни кўриб туриш учун оловни бир нафас ҳам ўчиришмасди. Овчилар шамол музикасига тутуннинг рақс тушишини кўришга зор эдилар. Қуёш нури қиздирган дарахтларнинг барглари ҳам қилт этмас, худди металлдан қуйилганга ўхшаб, овчиларнинг кўзини аёвсиз қамаштирарди. Олов пуркаётган кўк гумбазида қуш зоти кўринмасди. Саваннанинг ичкарасида бўлса, барча ҳайвонлар тош қотган каби «шитир» ётган овоз эшитилмасди. Яланглик устида сукунату нафасни қайтарувчи жазирамадан бўлак нарса йўқ эди.

Одамлар лагерда эснашиб, сўқинишиб, тер қуйилавериб, лоҳас бўлган гавдаларини қамиш тўшакдан кўтара олмай қийналиб ётишарди.

Овчилар излаб келган ҳайвонлар эса иссиқдан қочиб, баланд, кўркам танасига чирмовиқлар ўралган, ҳаракатсиз шохлари кўкка чўзилган дарахтзорларда беркиниб ётишарди. Лекин одамлар у ердан салқин жой излашга журъат этмасди. Бу ерда одамларга жой йўқ эди. Ҳатто йиртқич ҳайвонлар ҳам иссиқ жонларига теккандан кейингина ўша ёққа боришарди. Айтганча, Африка саванналарининг воҳаларида атрофида қуёнлар сакрашиб, оҳулар сокин кезадиган ва хушқомат буғулар беташвиш ўтлаб юрадиган шаффоф булоқлар ҳам бор эди. У ерда ширин мевалар тўлиб-тошиб ётар, хурмо дарахтлари танасидан эса шарбат оқарди. Аммо ноз-неъматларга ва сувга сероб бўлган бундай воҳаларни одамлар четлаб ўтишар, улар очлик ҳамда ташналикдан қийналишиб, ҳорғин ҳолда дашт йўлдан қадрдон қишлоқларига ошиқардилар.

Воҳалар олами бўлакча. Бу ер ваҳший ҳайвонлар пу-  
сиб ётадиган жой бўлиб, ҳамма ёқ мўл-кўлчилик бўлса ҳам  
улар бир-бири билан овқат ва сув таллашиб, ўлар ҳолатга  
келгунча ғажишарди... Улар бир-биридан қўрқишар, шу  
қўрқинч туфайли бир-бирлари билан жанг бошлашарди.  
Кийик майин мэйсаларни беозоргина чимдиб юраркан,  
қоплон унинг кетидан пушиб келиб, дарахтдан сакраб ел-  
касига миниб олади-да, то мурдага айлангунча тишлари  
ва тирноқлари билан уни азоблайверади... Кийикнинг  
ўлим талвасасидаги ноласини эшитган шер қоплоннинг ў-  
жасини тортиб олиш учун чакалакзордан югуриб чиқа-  
ди. Қоплоннинг ириллаши ва шернинг ўкириши бошқа  
ҳайвонларни қўрқитиб юборади, уларнинг ўтакаси ёрилиб,  
яширинган жойларини ташлаб, бақирқиқ-чақирқиқ билан, ор-  
қа-ўнгига қарамай, чакалакзор ичида югуришгани югуриш-  
ган. Сиртлонларнинг бақиргани ва чиябўриларнинг увил-  
лагани олис-олисларга кетади. Қўрқувдан ўзини йўқотиб  
қўйган, ваҳима ичида югуриб кўзи тинган ҳайвонлар бир-  
бирига ташланишарди. Алам ичида улар тирноқлари,  
тишлари ва туёқларини ишга солиб, кучсизроқларини буй-  
далар, ғажиб ташлар эди. Жибой бўғма илони ўтга тўйиб  
олган қўтоснинг белига чирмашиб, ниҳоят нафсини қон-  
дирди. Шер билан қоплон кийикнинг ёриб ташланган қор-  
нига бошларини тикиб олиб, унинг иссиқ қонини очкўзлик  
билан симиришади. Уларча жанг қилиб, улар бир-бирла-  
ридан тўккан қонни ёввойи итлар ялашади... Ёки дарахт-  
дан кобра тушади-ю, ёввойи ҳайвонлар ҳам ўз қурбонлари  
ёнида мангу уйқуга кетишади. Шунда итлар, сиртлонлар  
бир бўлишиб шер ва қоплоннинг мурдасини ялашади.

Квилу дарёси бўйидаги лагерь туни сокин ва садосиз  
эди. Лекин бу олис тунлар одамларни ташвишга солар,  
улар бунга одатланишмаган эди. Улар зерикишарди, нега-  
ки, батукесиз ўтган кеча африкалик учун кеча ҳисоблан-  
масди. Кеча рақс тушиш, ичиш ва севиш учун яратилган-

да. Бу азобли кечалар эса одамларнинг ҳам, ернинг ҳам машқини пасайтириб юборганди. Эркаклар оловга тикилганларича, трубка чеккан ҳолда, ўз хотинларини соғиниб ўтиришарди... Аёллар орқаларига гўдакларини танғиб олиб, суғориладиган жойдаги ерларда ишлаётган ёки шу топда эрлари ҳады эта олмайдиган севгини хаёл суришяётган бўлади.

Сўнгги пайтда лагерда сокинлик ҳукмрон эди. Овчилар кўрган-билганларининг ҳаммасини бир-бирларига айтиб беравериб, сийқасини чиқариб юборишганди. Бирор одам гапга оғиз жуфтласа борми, ундан-бундан алжиш ёки фойдали бир гап айтишни хаёлига ҳам келтирмасди. Йўқ... хотини ҳақидаги хаёл бечорани эзиб ташлаганидан, у кечикаётган шамолга илтижо қилиш учун оғиз жуфтларди. Бир оз жим тургач, тагин у ов ҳақида, бутун саванна ўт гирдобида қолиши, ўзи эса ҳайвонлардек бақириб-чақириб, отиб ташлайвериши ҳақида ўйлай бошларди. Ниҳоят овчи борлиқни эсига туширгач, эснар, трубкасини сўриб, яна батуке ва севги ҳақидаги хом хаёлларга беришарди.

Лекин ўша кун и эрталаб ўзаро ҳеч қандай гина-кудурат бўлмаса ҳам овчилар узоқ жанжаллашишди. Қабила бошлиғи Дўмба-и-Квилу йўқ бўлгани учун қабиладошлари уни андиша қилмас, аламларини ҳам ундан олишар эди. Овчилар ўзлари бундай имконга эга бўлмаганлари ҳолда қабила бошлиғи аёл кишини тўшига тортиш учун кетганини асло кечира олмасдилар. Лекин шу топда овчилар қаршисида тусатдан «Квилу шери» пайдо бўлиб қолса борми, ҳаммасининг жон-пони чиқиб кетарди! Овчилар унинг ўг чақнаган нигоҳидан кўзларини яшириб, заҳарханда қаҳқақасидан зириллашарди. Овчиларнинг ҳаммаси ундан йиртқич ҳайвонлардан ҳам кўра ёки ёш болалар алвастилардан қўрққанидан ҳам кўра баттар қўрқиншарди...

Овчиларнинг Дўмбадан зир титраши шундан бошландики, бир куни ов пайтида Квилу шери қабиладошларидан бирини бўғизлаб ташлади. Уша куни қоплондан ўзини четга олиш учун Дўмба-и-Квилу дарахт орқасига беркинмоқчи бўлганида, у беадаб қабила бошлигининг йўлини тўсади. Кейин мазах қилгандек дарёга беркинишни маслаҳат беради... Лекин қабила бошлиқлари бирор киши унинг ожиз томонини билиб қолишига чидолмайдилар. Шунинг учун хавф-хатар ўтиб кетгандан кейин, ғазабдан ўзини тутолмаган қабила бошлиғи масхара қилган одамга ташлашиб, эгри пичоғи билан унинг кекирдагини шартта кесиб ташлайди. Шу тариқа Дўмба-и-Квилу ўз қабиладошлари орасида обрўсини сақлаб қолди. Қари соба олдига борганида эса узундан-узоқ тухматларни унга ёпиштириб, жазодан қутулиб қолди. Қабиладошлари эса қўрққанларидан бор гапни айтишга журъат этишмади.

Ҳозир эса Квилу шери олисда эди. Аёл уни ўз қишлоғига чақирганини, ҳозир у Дўмбанинг бағрида ётганини ҳамма билар, ҳасад уларни ўз ўтига қовурарди.

Бир овчи Квилу дарёси қирғоғига борган эди, аллақандай шовқинни эшитди-ю, турли аломатлар билан бошқаларни чақирди. Улар сув бўйига тушиб, диққат билан атрофга тикилганча, қулоқ солиб туришди. Қамишзорда буғу шохларининг учи кўринди. Овчиларнинг кўзи ўйнаб кетди. Улардан бири қуролини елкасига ташлаб, ерга эгилганича буғу томон яшириниб бора бошлади. Чунки балундалар ҳайвонларни яқиндан, шундоққина ёнма-ён бориб урардилар... Буғу бошини кўтариб, ҳавони искадида, овчининг яқин келишига имкон бермай, катта-катта сакраш қилиб, қочиб кетди. Овчилар унинг орқасидан бўралаб сўкиб қолишди. Кейин бошларини қуйи эгганча лагерга қайтиб келишди.

Кун шу алфозда ўтди. Ойсиз, юлдузсиз зимистон кечада овчилар янгроқ акс садо бериб таралаётган додлаш

овозини эшитишди. Улар ётган жойларидан бош кўтариб қулоқ солишган эди, овоз такрорланмади.

— Дўмба-и-Квилу қайтиб келяпти,— деди улардан бири мужмалроқ қилиб.

— У эмас, у эмас,— деб эътироз билдиришди бошқалар.

Олисдан оч сиртлоннинг увулагани эшитилди. Одамлар жаҳл билан ерга тупуришиб, ҳайвонни шунақанги сўкишдики, бисотларида сўкиш қолмади. Ёш овчи лагердан нарироққа бориб, қулоқ сола бошлади... Бир неча дақиқа ўтгач, у «шамол бошланяпти» деб бақирди. Гулхан атрофида мудраётган овчилар жон ҳолатда туриб кетишди. Машъалларини баланд тутганча улар қамишзорга югуришди — ўтлар шабададан оҳиста силкিনিшарди! Худди шу пайт улар саваннадан келаётган товушни барала эшитишди. Ҳаммалари «Эва! Эва!»— деб бақиритиб лагерга қайтиб келишди, орадан бир неча минут ўтгач, уларнинг олдига бир чол келди.

— Ия! Матембеле-кў!

Чолни қуршаб олган овчиларнинг ҳаммаси бараварига чувиллашарди: уларнинг ҳар бири оиласида нима гаплигини билгиси, чол бу ёққа нега келганини, яна бунинг устига кечаси, қоронғида, ҳаддан ташқари зарур иш бўлмаса одамлар йўлга чиқмайдиган пайтда келганининг сабабини билгиси келарди... Овчилар бири олиб-бири қўйиб, саволни қалаштириб ташлаганидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди. Ҳориган Матембеле бўйрага ўтириб олиб, анча вақтгача ҳеч кимга жавоб бермади. Гулхан атрофига чўнқайиб олган овчилар меҳмонни қорин тўйгазиб, чанқоғини босиб олишга ундашарди. Матембеле маниокига қарамай, энтикиб-энтикиб сув ичарди

Муҳтарам Матембелени ҳамма севарди У овда қартайган. Матембеле қўл остидаги овчилар кўп йиллар давомида бу дарё қирғоқларидаги ҳамма ялангликларга ўт



Ўйиб чиқишган. У кўпгина кишиларнинг устози эдики, индиликда улар қурол ва найзаларни моҳирона ишлатар, ҳайвонларни изига қараб билар, шамол куйини тинглашар эди. Матембеле уларга овчилар билиши керак бўлган ҳамма нарсани ўргатганди. Дўмба-и-Квилу ҳам ундан таълим олган бўлиб «Шер»нинг абжирлигига қойил қолган чол, уни муносиб ворис сифатида собаликка тавсия этганди... Ёши ўтиб, кўзи хираланиб, оёғини судраб босадиган бўлиб қолганига қарамай, у ҳали одамларга кўп нарсани ўргата оларди. Ҳайвонлару ов ҳақида қанчадан-қанча жойиб воқеаларни билишини айтмайсизми!

Чолнинг ҳикояларини эшитиш учун Лунданинг ҳамма кишиларидан одамлар келишарди. Энг моҳир овчи энди энг моҳир ҳикоячига айланиб қолганди.

— Дўмба-и-Квилу қани?— сўради чол.

— Иакалага кетувди.

Чол индамади-ю, лекин олган жавобидан норизолиги шундоққина кўриниб турарди. У шошилмай колебасдаги хурмо мусалласидан ҳўплади-да, ёш овчи унга тамаки тўлдириб берган трубкани олди.

— Нега келдингиз, отахон? Гўштимиз йўқ. Шамол турганича йўқ. Сизни бу ёққа ким юборди ўзи?

— Соба юборди,— жавоб берди Матембеле трубкани оғасига узатиб.— Халқ гўшт пойлаб ётибди. Сизлардан эса дом-дарак йўқ. Шанвури томонларда ов бароридан келди, одамлар хурсанд. Кеча Калвангодан бир одам келувди, шу даракни айтди. Соба мени шунча вақтдан бери нима қилаётганликларингизни кўриб кетишга юборди.

— Отахон, йўлда шабада йўқми?

— Шамол қаерда беркиниб ётибдйкин, Матембеле?

— Шамолни юргизиш бизнинг ихтиёримизда эканми?

— Хотин-халаждан бўлак ҳеч ким шундай деб ўйла-мас!

Матембеле нима деб жавоб беришини билмай қолди,

лекин овчиларнинг унга беадаблик билан муомала қилишаётгани ёқмади: бирор ёш бола ёки ақли паст аёлга қилаётгандек муомала қилишарди унга... У Дўмба-и-Квилунинг қаердалигини тагин сўради. Аммо ҳеч ким жавоб бермади.

Узоқ сукутдан кейин чол:

— Яқин орада шамол эсиб қолиши керак,— деди.

— Ҳа, аён бўлиб турипти...

— Мен ҳам сездим,— тасдиқлади чол.— Сиртлонларнинг увиллаганини эшитмадингларми? Улакса ҳидини унинг димоғига урадиган шамолнинг ўзи-да.

— Шу бутазордан эсармикин?

Матембеле бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, шамол бошқа томондан эсди. Дулаканг одалари ов қилишиб, ҳайвоннинг бир нимтасини ташлаб кетишган, сиртлон унинг исини билган... Эртага жуда овбол ҳаво бўлади. Дўмба-и-Квилу қачон қайтиб келаман, деганди?

Овчилар буни билишмасди-ю, лекин қабила бошлигининг келаси куни қайтишини айтишди.

— Узингиз қачон қайтмоқчисиз, ота?

Лекин уларнинг гапи Матембеленинг қулоғига кирмасди. Олис йўлдан ҳориб келган чолни уйқу элтиб, эртасига кўзига офтоб тушгандан кейингина уйғонди.

### III

Гулхан ўчган. Лагерь бўм-бўш эди. Лекин яқин ердан овчиларнинг овозлари аниқ-таниқ эшитиларди. Шамол ўтларни сезилар-сезилмас тебратаётган бўлса ҳам, улар овга шайланаётганини Матембеле тушунди. Чол осмонга қараб, бостириб келаётган булутларни кўргач, ўзича ўйлади: «Бопта шамол бўлади-да. Лекин Дўмба-и-Квилу қандай иш билан кетганикин? Ҳамма аёллар... Аёллар...» Тўсатдан нимадир эсига келиб, ўзича: «Вой, мен тентак чол! Тентак чол!» деб гўлдиради-ю дарё томон югурди.

Овчиларга етиб олгач, бирдан овозининг борича хахоблаб юборди. Овчилар ҳайрон бўлишиб, унга тикилиб қолишди. Улардан бири чолга сездирмай, имо-ишора билан ўртоқларига Матембеленинг эсига бир бало бўлганлигини тушунтирди. Аммо Матембеле нега кулаётганини айта бошлади: бу ерга келганининг асл сабабини айтишни эсидан чиқариб қўйган экан. Чол собанинг батукедан кейин маст бўлгунича ичдб, белига ўраб юрадиган қоплон терисини куйдириб қўйганини айтиб берди. Энди уни ўраб бўлмаганидан соба йиғилиш ёки судни бошқара олмас, араҳол билан келганларни қабул қилолмай, ҳатто батукега ҳам туша олмас эмиш... Шу ваддан соба Матембелени янги, улкан ва кўркам қоплон териси олиб келиш учун овчиларнинг олдига юборган экан. Соба қоплонни Дўмба-и-Квилу ўлдиришини жуда-жуда истарди...

Аммо қоплонни фақат унинг териси учунгина ўлдириш керак эмасди. Сўнгги пайтларда бу йиртқич ҳайвон жуда ҳаддидан ошиб кетган эди. У икки эчкини, қишлоқда тунаш учун жой қидирган бир йўловчини гажиб ташлаганди. Юрак олдириб қўйган қишлоқ аҳолиси кун ботгандан кейин уйдан эшикка чиқишга юраги бетламай қолганди.

Овчилар чолнинг сўзларини жим туриб эшитишарди. Қоплоннинг йиртқичликларини эшитишганда овчиларнинг қовоқлари солиниб, кўзлари ғазабдан чақнаб кетди.

— Нега бу гапни кеча айтмадингиз?

— Соба қоплонни Дўмба-и-Квилу ўлдирсин деб бу юрганди.

— Борди-ю у қайтиб келмаса-чи? Соба терисиз қоламайди-ку. Биз ҳам қоплон ўлдиришга келганда Дўмбадан қолишмаймиз. Лекин у келиб қолса ҳам ажаб эмас.

— Қоплонни Дўмба-и-Квилунинг ўзи ўлдириши шарт,— деб сўзини такрорлади чол.— Мен энди ҳеч нарсага ярамайман,— қўшиб қўйди у бошини қуйи солиб.

Овчилар жавоб қайтармай, яна тайёргарлик кўра бошлашди. Олов ёниб бориб тўхташи керак бўлган жойнинг ўти аллақачон тозалаб, тақир қилиб қўйилган эди. Овни қувиб келувчилар қуёш чиқиши биланоқ жўнашган, ҳозир бўлса, шамол сал кучайиши биланоқ олов ёқиб юбориш учун ялангликнинг нариги томонида шай туриларди.

Бир оз вақтдан сўнг дўмбиралар садоси эшитилди. У яланглик устида янграб, ўт билан ов бошланганидан дарак берарди. Қирғоққа тўпланганлар бир-бирларига қарашиб, Дўмба-и-Квилу кўринмаганидан кейин, овга Матембеле бошчилик қилсин, деган қарорга келишди. Чол оёқларининг чаққон эмаслигини, хираланган кўзлари олисни кўролмаслигини, буйруқ беришга овози етмаслигини айтиб, уларнинг таклифини рад этди-ю, аммо ёш овчиларнинг илтимосидан жуда талтайиб кетди... Уни ҳол-жонига қўймай, ҳадеб илтимос қилаверганларидан кейин, қарилигини ҳам унутиб, ниҳоят рози бўлди-да, ташлаб келган қуролини олиб келгани лагерга кетди.

#### IV

Дўмбиранинг янгроқ зарблари сукунатни бузар, унинг акс-садоси бутун ялангликка ёйиларди. Матембеле шунчалик зўр куч билан атабака<sup>1</sup> чалаётганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Унинг қўллари ҳали бақувват экан!

— Ёшариб кетдингиз-ку, қария!— деб бақирди ёш овчилардан бири бўлмиш Капуа. У Матембеленинг навқирон пайтларини билмасди.

— Қулинг ўргилсин шамол!— жавоб берди Матембеле. Унинг кўзлари чақнаб, Дўмба-и-Квилу қабиласи ов қилишни бошлаётганини дараклаб, дўмбирани завқ-шавқ билан чалиб юборди.

---

<sup>1</sup> Атабака — катта дўмбира.

Уфқнинг зангори чизиги бўйлаб тўқ сариқ илон изи пайдо бўлди-да, сал ўтмай оч қизил минтақа ҳосил бўлиб, осмон билан ер орасидаги алангали йўлга ўхшаб кўринди... Ногоҳ шу минтақадан сал юқорида қирмизи тўлқин кўриниб, худди кунботар пайт шуъласидек осмонни яллиғантириб юборди... Саванна устида қутурган уммондек шовқин-сурон кўзғолиб, иссиқ ҳаво димоққа урилди. Саваннанинг қудратли садоси бу бошдан-у бошгача янгарди.

Утлоқлар орасидан анвой рангли капалаклар гала-гала учиб чиқди. Ялангликдаги тўс-тўполон ва иссиқдан кўрқиб кетган жониворлар салқинроқ жой излаб дарё томон учиб кетишди. Матембеле уларнинг кетидан болалардек маҳлиё бўлиб қараб қолди... Палапон бир қора қуш жонжаҳди билан чийиллаб, қанот қоққанича чолнинг бошидан учиб ўтди. Унинг чийиллаши ялангликдаги қушлар бошига фалокат келганини хабар қилаётганга ўхшарди... Шу заҳоти ҳавода камалакнинг ҳамма ранглари эслатувчи қанотлар қоқилиб, Квилунинг у томонига ўтиб, гойиб бўлди.

Энди уфқнинг зангори чизигини ажратиб бўлмай қолди. Осмон эса ҳали замон ерга ағдарилиб тушадиганга ўхшарди — шамол яланглик устида суриб юрган оташ тўлқини унда акс этарди... Саваннанинг олов нафаси гувилларди... Ялангликда кўтарилган шовқин-сурондан жўшга келган одамлар ов қувончини ҳис этишарди. Уларнинг бақирик-чақириклари дарё қирғоғига таралди.

Дарёнинг икки томонидаги сайхонликни кесиб ўтган тақир жой минтақаларида ҳайвонларни пойлаб турган овчиларга ҳали ов бошлаш тўғрисида хабар берилмаганди. Бу минтақалар оловнинг чегараси ва овчилар тўпланадиган ер хизматини ўтарди; агар шамол йўналишини ўзгартириб, алангани шу томон сурса, ҳайвонлар жонини қутқариш мақсадида тўппа-тўғри уларнинг олдидан чиқарди.

Бир семиз қўтос билан уч ҳурковуч оҳу қамишзордан бошларини чиқаришди-ю, овчиларни кўргач, дарров яширинишди. Уларни ҳеч ким бир қадам ҳам қувмади. Иссиққа чидаб бўлмайдиган даражага келгач ёки аланга сиқиб қўйгач, ҳайвонлар ўзларини муқаррар ўлимга дучор қилгунларича овчилар кутиб туришарди. Бирдан ернинг тақир минтақасида ўтлар орасидан юзлаб сичқонлар югуриб чиқишди... Улар жон ҳолатда чийиллашганча қаҳ-қаҳ уриб кулаётган овчиларнинг ёнларидан ўтиб кетишди... Одамлар шунчаки, шўхлик қилиб, «олкиш»лашиб, уларни қамчилар билан савашарди...

— Олов ўннга қараб кетди,— деб бақирди дарахтда аланганинг йўналишини кузатиб ўтирган овчи.

Бир неча дақиқадан сўнг олисдан ўқ овозлари эшитилди. Қирғоқда қолган кишилар ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушишди: кўзлари чақнаганча қалтираётган қўлларида милтиқ ва найзаларини маҳкам ушлаб, шитоб билан гоҳ орқага, гоҳ олдинга юришарди. Лекин шамол оловнинг йўналишини яна ўзгартирган эди, отиш тўхтади. Дарахтдаги кузатувчи қўтосларнинг дарё томон югурганини дарҳол хабар қилди. Матембеле милтигини олдида турган дарахт айри-сига тикди-да, тепкинни босишга тайёрлаб, чангалзорга тикилиб қолди.

Энди қўтосларнинг тапир-тупури барала эшитила бошлади. Дастлаб тақир ерга чиқиб қолган урғочилари овчиларнинг шод қийқириқларини эшитгач, михлангандек туриб қолишди... Кейин дарров орқага бурилиб чангалзорга беркিনিшди. Қўтослар ҳеч қаёққа қочиб кета олмаслигига ишонган овчилар қаттиқ хахолашди.

— Олов ҳали олисда-ку, буларнинг ўти ёрилиб кетди,— деди Матембеле кузатувчига қараб.

— Аланга илгарилаб келяпти!— деди кузатувчи, ўртоқлари билан биргаликда ҳайвонларни отиш учун дарахтдан тушаркан.

Иссиқ кучайгандан кучаярди... Одамларнинг бадани пардозланган мисдек ялтирарди. Ҳаво тутундан қорайиб кетди. Шамол уни паға-паға қилиб яланглик устида учирарди. Чангалзорда туриш мумкин бўлмай қолди. Қуёнлар иларидан чиқиб, жон ҳолатда қочганча омон қолишди. Дарё қирғоғидаги ўтлоқ уларга бошпана бўлди... Қўрқувдан кўзлари олайган оҳучалар тақир ерга югуриб чиқишиб, даҳшат ва мадорсизликдан донг қотиб қолишди. Қимирлашга мадори қолмаган бу ҳайвонларга овчилар ўқ сарфлаб ўтирмай, найзаларнинг ўзи билан саранжом қила беришди.

Яланглик у бошидан-бу бошигача алангаланиб, оғир ҳансирарди. Қуюқ тутун булутлари орасида овчилар бир-бирларини кўришмасди. Уларнинг ҳайқириқлари ҳавода тарқаларди. Аҳён-аҳёнда Матембеле бобонинг ҳам овози эшитилиб қоларди. Лекин ноҳосдан қудратли бир овоз овчиларни ҳайратда қолдириб, ҳамма бақириқ-чақириқларни босиб кетди. Одамлар жуда қуюқлашиб кетиб, ҳатто ов қилишга ҳам халал бераётган паға-паға тутунлар орасидан бирор нарсани кўришга урингани беҳуда кетди. Шуниси ҳам борки, бу овоз ўз қабила бошлиқлари Дўмба-и-Квилунинг овози эканлигини уларнинг ҳаммаси пайқаган эди. Энди одамларнинг бақириқлари орасида ўтда ёнаётган илонларнинг вишиллаши ҳам эшитиларди. Авжга минган шамол овчилар тепасига ёпирилган қоп-қора тутун булутини тарқатиб, алангани дарё томон сурарди.

Дўмба-и-Квилунинг қирғоққа сакраб тушганини кўрган Матембеле унинг истиқболига югурди. Эшкакчи билан бир аёл ўтирган қайиқ узоқлашаркан, чол унинг орқасидан ҳавас билан қараб қолди. Кейин Матембеле ҳеч нарса демай, шогирдига тикилди.

— Бу менинг хотиним, Иакала қабиласидаги Камбашининг қизи Луежи бўлади.

Чол жилмайиб деди:

— Бахтинг чопибди — накалалик аёллар жўмард овчиларни яхши кўришади.— Иккаласи завқ билан кулишди.

Бирдан олов тўсиғини ёриб чиққан қўтос тўппа-тўғри улар томонга отилди. Қўрқув ва оғриқдан ганграб, ўзини йўқотиб қўйган қўтос бошини ерга эгганча югуриб келарди. Овчилар зўрға ўзларини четга олиб қолишди. Чол дарахт орқасига беркинди, Дўмба-и-Квилу эса, атиги бир лаҳза ўзини йўқотди-ю, кейин қўлидан тушиб кетган милтиғини олиш учун чаққон эгилди.

Қамишзор бениҳоя зўр куч билан қарсиллар, милтиқ овозларига ўхшаш бу қарсиллаш одамларнинг ҳайқириқлари ва ҳайвонларнинг ўкиришларига қўшилиб кетарди. Шамол овчиларга қоп-қора тутун ва кул пуркарди.

— Ҳой! Дўмба-и-Квилу! Ҳой! Ҳой! Дўмба... Ҳой!— тўсатдан бақириб юборди Матембеле милтиғини қўлларида қисиб.

Аланга қоплаган чакалакзордан қоплон отилиб чиқди. Йиртқичнинг катта-катта кўк кўзларига қон қуйилган, ундан ўт чақнарди. Жизганак бўлган юнглари тиккайиб кетганди. Қоплон шиддат билан Дўмбага ташланди... Дўмба чаққонлик қилиб дарё томон чекинди... Қоплон тўхтаб, яна оловга ташланишни ўйлаб қолгандек, орқасига қаради... Кейин тўсатдан жони борича ўкириб, овчи томонга қаради-да, орқа оёқларига ўтириб, унга ташланишга тайёрланди.

Дўмба-и-Квилу қўлига пичоғини маҳкам қисиб, нақ сув лабида турган ҳолда йиртқич ҳайвон билан яккама-якка олишишга тайёрланди... Лекин шу лаҳза қоплоннинг кўз олдида тиг ярақлаши биланоқ ўқ овози ва айни вақтда юракни ларзага солувчи инграш эшитилди.

Матембеле қоплонни отган милтиғини ҳамон кўтариб турарди. Четга итқитилган йиртқич ҳайвон узала тушганча қимирламай ётарди. Лекин чолнинг даҳшатдан катта-катта очилган кўзлари йиртқич ҳайвонга эмас, дарёнинг сокин сувига тикилган эди. Дўмба-и-Квилу шу сувга



гойиб бўлган эди. Уқ овози янграган дақиқада уни кайман тутиб олганди. Матембеле ҳаммасини ўзи, ўз кўзлари билан кўрган бўлса ҳам, бу ҳодиса қандай рўй берганини ҳануз идрок этолмасди. Милтиғи қўлидан тушиб кетган чол худди ваҳимали шарпани кўришни истамагандек юзини қўллари билан беркитди-да, ўкириб юборди. Кейин у кўрққанча ўша томонга, Дўмба-и-Квилу гойиб бўлган лойқа сув томонга қаради-да, милтиғини ердан олиб, одамлар олдига югуриб кетди.

## V

Тутун бурқсиб ётган яланглик осмонидаги қуёш ботай деб қолган эди. Дарё соҳилининг ва ўт келиб тўхтаган тақир ер минтақасининг у ер-бу ерида ҳайвонларнинг қон силқиётган нимталари ётарди. Овчилар чарчоқдан мадорсизланиб, саваннанинг олов пуркаётган ҳавосида оғир-оғир нафас олардилар. Куйган ерда чакалакзордан қочишга улгура олмаган ҳайвонларнинг жизғанақ бўлган жасадлари уюлиб ётарди.

Хувиллаб қолган ерга оғир сукунат чўккан. Овчилар бирин-кетин дарё бўйига бориб ташналикларини қондиришар, баданларига теккан лой, кул ва қонларни ювиб ташлашарди. Кейин ҳаммалари дарахт остига йиғилишганда Матембеле Дўмба-и-Квилу қандай қилиб қоплонни отгани-ю, дарёга қулаб тушганини гапириб берди.

— Қоплонни ўлдирдимиз?— бараварига сўрашди овчилар.

— Ҳа, ўлдирди,— деди уларни алдаб чол, Дўмбанинг милтиғини овчиларга узатаркан.— Қоплон шу ерда ётибди, ҳув ана...

— Дўмбани кайман тортиб кетмадимиз?— деб сўради овчилардан бири чолга қаттиқ тикиларкан.

— Йўқ! Ўзим кўрдим. Дўмба қоплонни отганидан кейин сирпаниб кетиб, дарёга йиқилиб тушди. Буни ўзим кўрдим, халойиқ.

— Ҳа. Дўмба-и-Квилу ҳамиша довюррак эди,— деб унинг сўзини тасдиқлашди бошқа овчилар.

— Ўз ўлими билан буни яна бир марта исботлади. Халқ қайғурадиган бўлди. У шердек жасур эди. Хотинларимиз унга аза тутишади. Дўмбанинг энг яқин дўсти Сафала бўлса, унинг мардлигини қўшиққа солади.

Матембеле жим бўлиб қолди. Ўгли қатори яхши кўрадиган Дўмба-и-Квилунинг шармандаларча ўлим топганини фақат у биларди.

Шу ўй Матембелени кемирарди. У ўртоғини қоплон билан олишиб, овчиларга муносиб мардона ўлишдан маҳрум қилгани учун ўзини гуноҳкор сезарди. Чол индамай азоб тортарди. Лекин у Сафаладан одамлар ҳеч қачон унутмайдиган энг кўркам қўшиқ тўқиб беришини илтимос қиладиган бўлиб, дилига тугиб қўйди. Бу қўшиқ сўзлари эркакларнинг янгроқ, мағрур қўшиқларида, аёлларнинг аламли марсияларида, болаларнинг қайғули нидоларида жаранглайди.

Овчилар қайвонларнинг тозалаб қўйилган нимталарини ва ҳали қўл урилмаган қоплон жасадини судраб лагердан чиқиб кетишдан илгари тўрт томонга қараб таъзим қилдилар-да, олисдаги қишлоқ аҳолисига Квилу яланглигида шакала қабиласи овчиларининг буюк йўлбошчиси Дўмба-и-Квилу мардларча ҳалок бўлганини хабар қилиб дўмбираларни чалдилар.

Атабака садоларини дарёнинг нариги қирғоғида туриб эшитган Луежи фарёд чекиб, юз тубан ерга йиқилди... Шакала қабиласидаги гўзал аёлларнинг тақдири шундай эди: улар довюррак овчиларга тегишни ўзлари учун шараф ҳисоблашарди-ю, аммо уларга бахт онда-сонда кулиб боқарди.

## VI

Шакала қишлоғидаги аёллар овчилар қайтиб келишаётганини олисдан кўрсалар ҳам, уларни қўшиқ билан муборакбод қилишга ошиқишмади... Дўмба-и-Квилу ҳалок бўлган, бундан қабиладош аёлларнинг юраги қонга тўлган эди.

Шу кеча Шакала собалари ерида ҳеч ким батукега рақс тушмади. Дўмба-и-Квилунинг ўлимини куйлашга ҳеч кимнинг оғзи бормасди, довюрак овчиларнинг жасоратлари ҳам куйланмай қолди... Фақат тамтамларгина тинимсиз чалиниб, бу мотам хабарини бутун саванна бўйлаб тарқатгани тарқатган эди.

Соба қоплон терисини олгиси келмади, ҳатто ўлиб ёган йиртқич ҳайвонга қайрилиб ҳам қарамади. У ҳайвон жасадига тегишни тақиқлаб, уни мулумбе барглари билан ўраб қўйишни буюрди.

Шу кеча овчилар олиб келган гўштдан ҳеч ким емади. Эртаси куни қуёш нури қишлоқни чароғон этганида Шакала собаси қоплонни тантана билан кўмишни буюрди. Ҳайвонни одамларга ўхшатиш учун орқа оёқларига ўтқазишди-да, тўхтатувалоқ қушининг патлари билан ўрашди. Овчилар қоплонни барглар билан ўралган тобутга солишиб, елкаларида кўтарганча йўл чеккасида қазилган гўрга элтишди.

Овчилар Дўмба-и-Квилу шарафига батукега рақс тушиш учун қишлоққа қайтиб келишганларида Матембеле бутлар турадиган муқаддас пастқам ерга жўнайди. У ўз гуноҳини енгиллатиш умидида эди. Дўмба-и-Квилунинг руҳи ов худолари ҳибзи-ҳимоясида ҳамиша тинч бўлсин...

## ДОМИНГУШНИНГ АСЛ ҲАЕТИ

Биз ҳаётмиз,  
 дўстим Мусунда,  
 Биз ҳаётмиз!  
 Агостиньо Нето.

### I

Кичкинтой Зито уйдан югургилаб ўтиб, ҳовлига сакраб тушгандан кейин ахийри бобосини кўрди. Нафаси оғзига тикилган Зито тўхтаб, бақирди:

— Бобо, тез келинг! Маҳбусни олиб келишди.

Петеле бобо набирасига савол назари билан тикиларкан, барглар орасидан ўтаётган эрталабки ёрқин қуёш нуридан кўзлари қамашди.

— Маҳбусни дейсанми? Узинг кўрдингми? Уз кўзинг билан-а?

— Рост айтяпман, бобо! Тезроқ юрсангиз-чи!

Чол дардманд оёғини судраб, инқилаб-синқилаганча набирасининг орқасидан кўча томон шошилди. Соу<sup>1</sup> Мигел кулбаси олдида чақалоқларини кўтариб олган аёллар уймаланишарди... Йкки сипоҳи бир одамни машинадан итариб тушираётганини улар олисдан туриб, нафасларини ичга ютганча кузатишарди.

У одам баланд бўйли, озғин, жуда ҳам озғин эди... Юзлари, калтақдан бўлса керак, шишиб кетганди... Лекин ҳар қалай унинг ёш эканлиги билиниб турарди У одам машина олдида ерга йиқилиб тушганида хотинлар гўдакларини бағрига босишиб, шивирлашди:

<sup>1</sup> Соу — сеньорнинг қисқарган формаси.

— Айюэ...

Кичкинтой Зито бобосининг қўлидан ушлаб, оломон орасига суқилиб олдинга тортарди. Чол маҳбуснинг ранг-рўзини яхшироқ эслаб қолиш учун унга синчиклаб тикиларди.

Уни ўрнидан тургазишганда дабдала бўлиб кетган юзлари яна ҳам шишиб, тер босган яноғи ва пешонасига қипқизил қум ёпишганди. Каллаи саҳардан бу ерга тўпланган томошатабларни сипоҳилар тезроқ ҳайдаб юборишга уринса ҳам, одамлар маҳбуснинг қўл-оёғи йўғон арқон билан чамбарчас бёглаб ташланганини кўриб қолишганди. Шу арқоннинг бошқа бир учи унинг бўйнига сиртмоқ қилиб солинган эди! Айюэ, қандай қилиб қимирласин?

Маҳбус бошини нақ тиззасигача эгган ҳолда майда-майда одимлаб қамоқхона дарвозаси томон борарди... Дарвозалар очилиб, баланд деворлар маҳбусни унга ачиниб турган одамлар назаридан яширгунича сипоҳилар саваб боришди.

Муссеклар<sup>1</sup> орасида янги гап жуда тез тарқалади. Бирпасда бу ҳодисани ҳар бир кулбада муҳокама қилиб чиқишди. Маҳбусни ҳеч ким танимасди. У бечоранинг ёш, озғин ва баланд бўйли эканини ҳамма кўрди-ю, аммо юзи ҳеч кимга таниш эмасди.

Петело чол сукут ичида трубка чека-чека ниманингдир жаёлини суларди. Кейин Зитонинг қўлидан ушлаб, оёқларини апил-тапил ташлаганча кўча бўйлаб кетди. Ҳар галгидек болалар унинг орқасидан бақириб қолишди:

— Такуймоши! Такуймоши!<sup>2</sup>

Чиндан ҳам у бир думбали эди. Битта думбасидан у 1928 йилда ажраган. Петело чолга, ўша пайтда навқирон Педро Антунесга, яъни иккинчи даражали тўпчилар матросига бир куни безгакка қарши укол қилишганди. У қар-

<sup>1</sup> Муссеклар — Лунданинг чеккасидаги камбагаллар жойлашган маҳаллалар.

<sup>2</sup> Такуймоши — кимбунду тилида бир думбали одам.

пилик кўрсатиб, норозилик билдирганидан фойда чиқмади. Уларнинг старший ёрдамчиси ўлгудай ўжар одам эди! У: «Безгакка чалинган денгизчи ҳеч нарсага ярамайди», дерди. Ҳозироқ унга хинин юбориш керак. Емон қилинган укол заҳарланишга сабаб бўлди, аммо Педро Антунес яна укол қилишларидан қўрқиб, ҳеч кимга сир бермади. Кейинчалик эса вақт ўтганди. Фельдшер жароҳатланган ерни қирқиб ташлайвериши натижасида у битта думбасидан бутунлай ажради. Уйнинг куйгур фельдшер ўз ишини хўпам биларкан. Мана энди тирранча муссекар истевфодаги матросни масхара қилиб ўтиришибди:

— Такуимоши! Такуимоши!

Лекин бу серқуёш тонгда Петело бобо болаларни қувмади ҳам, ҳатто ота-оналарига чаққани ҳам йўқ. Набирасининг қўлидан ушлаганча, ҳар галгидан тезроқ одимлаб, Қуйи шаҳар томон ишга бораётган кишилардан қолишмай борарди. Кичкинтой Зито алам ва жаҳл билан ўзига ўхшаш болаларга қарарди. Митти шогирдлар дурадгорлик асбобларига тўла оғир яшикларни кўтариб боришарди. Ботинка тозаловчилар чўтка ва ботинка мой солинган яшикларни кўтарганча борардилар. Болалар бўлса, оппоқ халатларини<sup>1</sup> кийиб, китоб соладиган сумкаларини кўтарганча мактаб томон чопқиллашарди. Зито ўз тенгдошларини кўраркан, нима учун бобоси Петело зўр-базўр юрса ҳам бугун тонг қоронғисиданоқ Қуйи шаҳарга йўл олганини ўйламай қўйди.

Бир куни бобоси Зитога:

— Болам, полиция участкасининг олдидаги дарахт остида ўйнаганингда, у ёқ-бу ёққа яхшилаб қараб юргин. Агар бирор маҳбусни олиб келишганини кўриб қолсанг, зинғиллаб келиб менга айтгин,— деб қўйганди.

Шу воқеа рўй бериши биланоқ, Зито латта копток тепа-

---

<sup>1</sup> Оқ халат — Анголада мактаб формаси.

ётган ўртоқларини ташлаганча уйга югурди. Бобоси одатда дарахт остида ёки кулба эшиги олдида юзларини қуёшга тоблаб ўтирарди.

Эртами-кечми бобоси Зитонинг қўлидан ушлаб пастга, шаҳардаги компаниянинг баланд уйига борарди. У ерда кекса денгизчининг тутинган ўғилларидан Шико оға ишларди. Бундай саёҳат Зитога жуда хуш келарди. Улар томонда, юқорида юрмайдиган чиройли автомобилларга Зито ҳавас билан тикилар, ҳашаматли кўркам уйларга қарарди. Кейин улар Шико амаки билан денгиз соҳилидаги бирор емакхонада нонушта қилишаркан, бола катталарнинг гапини эшитиб, қойил қолиб ўтирарди.

Мана бугун ҳам кичкинтой Зито билан Петело чол асфальт кўчада шу пайт оқ шаҳарга қуйилаётган қоп-қора оқим ўртасида боришарди. Сипоҳилар ва солдатлар отряди навбатчилик қилиб турган, кекса дарахтлардан тротуарга шира томаётган миссия биноси олдига етиб келганда ўткинчилар ишдан кеч қолишдан, ёки ўткинчи юк машинасида жой қолмаслигидан хавфсираб, ёки эрталабки мижозлардан қуруқ қолмаслик учун қадамни тезлатишарди.

Одатда бу пайт муссекдаги аёллар ҳам, ногиронлар ҳам, бекорчилар ҳам турли юмушлар билан машғул бўлардилар. Номаълум маҳбусга бўлган қизиқиш тугаган эди. Ун ёки хурмо мойи сотиб олиш учун дўконгами, йўқолган қариндош-уруғлардан дарак топиш учун полиция участкасигами бориш керак бўларди. Кундалик ташвишлар эрталаб рўй берган бу воқеани ҳамманинг хаёлидан чиқариб юборган: ориқ ва новча маҳбусни ҳеч ким танимасди-да. Чанг қоплаган зангори машина ҳам, маҳбус бечорани беланги қилиб урган сипоҳилар ҳам тез орада ҳамманинг эсидан чиқди.

Унинг қиёфаси фақат Петело чолнинг хотирасида қолган эди. Чолнинг кексаликдан ва денгиз ҳамда осмоннинг товланишидан хираланган кўзлари нотаниш одамни яхшилаб кўриб олган эди. Нотаниш чеҳра, боғланган кўллар,

ориқ ва новча қомат денгизчининг кўз олдига шундоққина турарди.

— Зито, ростдан ҳам сен уни танимайсанми?

— Кимни айтяпсиз, бува?

— Бояги одам-чи, маҳбус...

— Йўқ, мен уни ҳечам кўрмаганман, бува. Ҳеч бир муссекда, ҳеч қачон.

Одамлар оқими машиналар оқими билан — асфальт кўчанинг аллақасқларга гириллаб кетаётган бирдан-бир хўжайинлари билан учрашадиган чорраҳага келгач, бобо билан набира тўхтаб қолишди. Шунда Петело чол мингиллаб сўради.

— Ўғлим, йўлни кўрганмисан? Кинтуга адашмай кетяпмизми?

— Жуда яқин қолди, бува. Сираям эсимдан чиққани йўқ.

Лекин кичкинтой Зито бобосини алдаган эди. У витринасига футбол коптоклари қўйилган ойнаванд уй ёнидан жудаям ўтгиси келарди. Шу коптоклар ҳар куни хаёлидан кетмасди. Ростакам футбол коптоклари, «Ботафого»<sup>1</sup> командасиники сингари манаман деган коптоклар. Шу коптокларни бир кўриш учун у яқин йўлни олиб қилиб, бобосини бурчакдаги магазинга олиб келади. Бу ерда Зито ўт чақнаб турган кўзларини витринадан узолмай, тўхтаб қолди.

— Нега қаққаясан, ўғлим? Юр тезроқ. Бўлмаса Шико амакингни тополмаймиз Кеч бўлиб қолди.

Улар яна қўл ушлашиб, нарига, энди тўппа-тўғри компания биноси томон жўнашди. Чол шишиб кетган, қизил қум ёпишган чеҳрани ҳечам унута олмас, Зито бўлса Шико амакини ўйлаб борарди. Балки Шико амаки яна конфетлар

---

<sup>1</sup> «Ботафого» — Бразилиядаги машҳур футбол командасининг номи. Луандада шу ном билан аталадиган спорт клуби бор.



билан сийлар! Шунн ййлагандаёқ лабларига кулгу ёйилган бола қадамини жадаллатди.

Компаниянинг баланд, ҳашаматли, кўп деразали биноси ёнларидаги бурчакда эди. Унинг деворлари ҳам ойнадан бўлиб, кичкинтой Зито ҳар сафар бу бинога кирганида юраги «шув» этиб кетарди. У эшикни очиб, аллақандай ғалати буюмлар билан тўла катта хонага тўсатдан кириб қолганида, ўзини асир тушгандек ҳис қиларди.

— Ассалому алайкум. Менга соу Шико керак эди. Бу-вамнинг у кишида гаплари бор экан.

Столда ўтирган формали хизматчи Зитога қаради... Муссеклар маҳалласидан бўлган бу бола чувринди ва кирчир эди. У ўзини қаерга қўйишни билмай, дам у оёғига-дам бу оёғига оғирлигини соларди...

— Ким дейсан?

— Соу Шико деяпман. «Ботафого» командасида ўйнайдиган-чи, соу Шико Кафунданга бор-ку, ўшани.

— Ҳа-а! У кетиб қолган.

— Қанақасига кетаркан? Ҳозир соат тўққиз бўлса, ўзи ишга соат саккиз яримда келади-ку. Қандай қилиб кетиши мумкин? Менга соу Шико Кафунданга жудаям керак!

Хизматчи ёқасини тўғрилади-да, бошини кўтариб, болага қараб лоқайдлик билан деди:

— Ахир мен сенга айтдим-ку, соу Шикони мен яхши танийман. Иш билан чиқиб кетган. У ахборотларни тарқатиб келиши керак. Ҳадемай келиб қолади. Соат ўн иккиларда...

Кичкинтой Зито олифта амалдорга қўрқув аралаш қараркан. бу ойнаванд деворлар ва баҳайбат деразалардан тезроқ қочиб қолгиси келди. О, қани шу топда уйнда, муссеклар маҳалласида бўлиб қолса...

— Ўзи қаёққа кетган? Сиз билмайсизми?

Хизматчи «миқ» этмай ўрнидан турди-да, болага орқасини ўгириб олди. Столдан аллақандай қоғозларни олиб,

вил-замбил тахта эшикка кириб кетди. Зито жаҳл билан афтини буруштириб, ташқарига томон юрди.

— Бува, Шико амаким кетиб қопти, ҳали-бери келмасмиш. Хув чошгоҳда келармиш... Юринг, кетамиз.

— Йўқ, ўғлим. Кетгинг келса, ўзинг кетавер. Мен кутиб турмасам бўлмайди. Сен олдин бориб, жилла бўлмаса, бирор кишидан илтимос қил: қалъа девори ёнида кутиб туришимизни Шикога айтиб қўйсин.

— Буважон, балиқ тутсам майлими? Майлими, бува? Хозир келаман!

Бошқа, анча хушмуомала бир хизматчи соу Шико (у Шикони Франсиско Жоан деб атади) келганида бир бола йўқлаганини айтиб қўйишга ваъда берди. У ён дафтарига бир неча сўз ёзиб, ўша варақни йиртиб олди-да, стол устига қўйди.

Соат ўнга яқинлашган, турли тусдаги шаҳар устида сапсариқ декабрь қуёши порларди. Майин шамол кўрфазнинг сокин юзини оҳишта тебратиб, хурмо баргларини силкитарди. Кичкинтой Зито бобоси Петелони океanning поёнсиз этакларини бемалол томоша қилиш учун тош деворга ўтказди-да, ўзи узун кўчадан Котонью-Тоньюга зинғиллади. Бобоси берган икки ярим анголар<sup>1</sup>га у ердаги дўкончадан қармоқ билан ип сотиб олди. Кейин пристандаги балиқчилардан икки дона сардинка сўраб олди-да, қалъа девори олдига қайтиб келди. Бобоси ҳамон қуёшда исиниб, денгиздан кўз узмай бамайлихотир ўтирар, ҳатто оёғида ўрмалаб юрган пашшаларни ҳам кўримасди.

Кичкинтой Зито қармоғини денгизга ташлади. Лекин балиқ ҳадеганда илинавермади. Мабодо биронтаси қармоққа илинса ҳам уни тортиб олиб бўлмади.

— Ўғлим, менинг гапларимни яхшилаб эшитиб ол. Қар-

---

<sup>1</sup> Анголар — никелланган майда танга.

моққа илган хўрагининг мазаси йўқ. Балиқларга яхши нонушта кўрсатиш керак. Сенга ўргатиб қўяйми? Мана бу балиқнинг ичагини суғуриб олгин... Кел, нима қилиш кераклигини кўрсатаман!

— Вой, бува-ей, ичагининг нима кераги бор?

— Мана, қараб тур! Аввал илмоқни мана бундай суққин. Тагидан... мана бундай... Энди айлантириб юқорисини бирлаштир. Энди илгакнинг учини беркит. Энди ҳам балиқ илинмаса, бу ишга менинг сира ҳам ақлим етмагани бўлади!

Зито суюнганидан кулиб юборди-да, қармоқни яна сувга ташлади. Петело бобо денгизнинг узоқ-узоқларига назар ташлаб жилмайди-да, шивирлади:

— Бу ерда порт қурилмаган вақтларда балиқ овлаш дуруст эди... Тошларда олабуғалар, яна қанча хил балиқлар сероб бўларди... Эҳ-ҳе... Одамлар роса балиқ тутишар, ҳаммага етарди, яна қанчасини ташлаб юборишарди.

Зито гоҳ бобосига, гоҳ қармоқ пўкагига тикиларди. Бирданига балиқ қармоқни ютиб, ипни қимирлатиб, қаттиқ ҳам эмас, секин ҳам эмас, мароми билан, бобоси айтганидек, ипни торта бошлади.

— Мана, кўрдингми, ўғлим, мен сенга нима девдим! Хўпам балиқ экан-да, ҳа, ҳа, сенъор! Дарров оғзидан илгакни чиқариб олиб, янги хўрак тиқиб қўй! Балиқ гўл бўлади!

Қуёш булутсиз осмонга кўтарилиб борарди. Петело чол дам кўриниб, дам кўринмаётган доғ сингари оролга ғамгин қараб ўтирарди. Авваллари у ерда кўмир тоғи бор эди. Тўғри, энди у аввалгидек тиниқ кўра олмайди, аммо худди ўша ерга, ўша бурунга кўп марталаб ҳарбий кемаларда борганларини ва кема кажавасига кўмир ортганларини қасамёд қилиб айтишга тайёр. Ана у ерда эса ҳамон Биби Марям ибодатхонаси қад кўтариб турибди... Петело бобо

ноябрь<sup>1</sup> байрамидаги ажойиб виёфатни эслаб жилмайди. Эндиликда африкаликлар бундай байрамларни ўтказишмайди — оқ танлилар рухсат бермайди.

Моторли қайиқ шовқин билан яқингинадан ўтиб, орқасига, тиниқ денгиз сатҳига қоп-қора тутун тўшаб кетди. Педро Антунес, сен оқ формада ва ҳаёо ранг фуражжада штурвалда туриб, неча марталаб шу кўрфазни кесиб ўтгансан... Лекин бу аввалги гаплар, ҳозир-чи...

Кекса Петело ҳамон офтобда тобланиб, олдида ётган балиқчаларга қараганча хотиралар оғушида маст экан, Соборнинг соати тушликка занг урди, Шико Жоан келди.

— Салом, отагинам! Вой, митти Зито, сен яна ҳам катта бўй кетибсан-ку!

— Салом, Шико! Биз олдинга эрталаб кирган эдик, йўқ экансан. Шундан кейин сен келгунингча вақт ўтказиш учун ўғлим билан балиқ овлагани келдик.

Ҳар галгидек мош ранг форма кийган Франсиско Жоан кекса Петелони қўлтигидан кўтариб қўйди. Кичкинтой Зито қовоқ-тумшуғини осилтирганча қармоқ ипини ўрадида, ўз ўлжаларини ердан кўтарилиб турган чивикқа тиқиб қўйди.

— Бува, бу ерга ҳар қуни келаверай?

— Гапни гапга қовуштиргин, ўғлим. Биз керакли нарсалар тўғрисида гаплашяпмиз.

— Юринглар, яхшиси нонушта қилайлик, ўша ерда гаплашиб ҳам оламиз.

Бу таклифни кекса Петело аввал қатъий рад этди. Лекин бу фақат шунчаки мулозамат эди, кўп ҳам қаршилиқ қилмади. Учовлон емакхонага жўнашди.

Нонушта ғарибгина бўлди — бир ликопчадан шўрва-ю гўштли ловия билан овқатланишди. Шико икки стакан вино буюрди, кекса Петело бўлса Зито учун газли сув сўра-

---

<sup>1</sup> 4 ноябрь — ҳур қизлар байрами.

ди. Катталар пошилмаё овқатланишар, винодан ҳўплаб-ҳўплаб, ҳар хил гаплардан гаплашишарди. Зито атрофга яхшилаб қараб олгач, Петело бобо тутунган ўғлига шивирлаб деди:

— Эрталаб бир маҳбусни олиб келишди. Уни биз танитаймиз. Мен яхши кўрмаган бўлсам эҳтимол, лекин ўғлим ҳаммасини кўрди.

Шико ҳушёр тортиб қолди. У қовоқларини уйганча, қоғоз билан қалам олди-да, Зито шивирлаб ҳикоя қилиб бераётган нарсаларнинг ҳаммасини ёзиб ола бошлади.

— Уни зангори «шеврол»да олиб келишди. Жудаям чангга ботиб кетибди. Узоқ жойдан опкелишганга ўхшайди...

— Шу гапинг ростми, бола?

— Ёлгон бўлса, тил тортмай ўлай.

Шико боланинг сўзларини тез ёзиб олди-да, кейин унга энгашиб, юзларига тикилди:

— У ориқ ва новча эди, дейсанми? Саваланган, бўйнига арқон солинган эдимми?

— Шундоқ, соу Шико. У юролгани ҳам йўқ... Лекин у ҳечам кўрқмади, Шико амаки, ҳечам!

Кекса Петело Шико билан анчагача шивирлашиб ўтирди.

— Новча... Ориқ... аммо ҳечам кўрқмади... Сен ўша машина зангори «шеврол» деганинг жудаям ростми?

— Ҳа, соу Шико.

— Қани айтгин-чи, машина рулида оқ мундирли одам ўтирганмиди?

— Ҳа, соу Шико, оппоқ мундир кийган, пакана, оқ танли одам...

Франсиско Жоан яна аллақандай нарсаларни белгилаб оларкан, кекса Петело иштаҳа билан устихон тозаларди. Зито бўлса конфетли вазадан пашшаларни кўрди.

— Уша оқ одамни нима деб чақришганини эшитмадингми?

— Эшитдим, соу Шико. У машинага яқинлашган одамларни ҳайдаб юборишни сипоҳига буюрди. Сипоҳи: «Эшитаман, соу аспирант»,<sup>1</sup> деди.

Шико йирик, дона-дона хат билан ёзишда давом этди. Ниҳоят у бундай деди:

— Раҳмат, отахон! Сенга ҳам раҳмат, митти. Зито. Энди муссекдаги уйларингга боринглар, агар яна биронта маҳбусни кўриб қолсаларинг, ҳамма гапни эшитиб, ҳамма нарсдан бохабар бўлинглар. Уша заҳотиёқ болани олдимга юборинг. Ҳа, Зито жуда зўр бола. У албатта мактабга бориши керак эдику-я... Маҳбус ҳақида бирор нарса эшитиб қолгудек бўлсанглар, дарҳол менга хабар қилиш ёдинглардан чиқмасин.

Улар учаласи ўриндан туришди. Шико Кафунданга пештахта олдига бориб, овқатга пул тўлади-да, қолган майда пулга конфет сўради. Зитонинг оғиз таноби қочди. Шико унинг бошини силади. У эгилиб яна фақат Зитонинг ўзи эшитадиган қилиб секингина тақрорлади:

— Балли, Зито, балли!

Қуёш нур сочган кўчага чиқишгач, Шико тутинган отаси ва унинг набираси билан хайрлашди. Соат иккидан чорак ўтганди, у ишига шошилди. У бугун ишдан илгарироқ кетишга рухсат сўраши керак эди-да.

Зито қўлидаги бешта балиқ тизилган чивикни маҳкам ушлаганча, конфетини сўриб бобосининг ёнида бораркан, терисига сиғмасди. Бўлмаса-чи! У бу конфетларни Шикодан, «Ботафого» командасининг энг яхши ўйинчиси машҳур Шико Кафунданганинг ўзидан олди-я! Бобосининг

---

<sup>1</sup> Аспирант — мустахлак маъмуриятида кичик амалдор; секретарь — ўрта амалдор; маъмур — катта амалдор.

хаёли маҳбус билан банд экан, Зито дўсти соу Шико ўйнайдиган командага қандай қарсак чалажагини ўйларди.

Соат бешдан хиёл ошганда бухгалтерия хизматчиси Франсиско Жоан рухсат олиб, шошилганча компания ўйдан чиқди. Самбуга борадиган автобусдан кеч қолмаслик учун у шитоб билан Почта майдони томон бурилди.

## II

Кеч соат олти яримда, иш вақти тугагандан ярим соат кейин, Домингуш хотини ва ўғилчаси Себастьяннинг олди-га шошилиб, баланд ўтлар ўсиб ётган бутазордан ўтиб, уйига келди. Кундузги смена тугагач, иженер Силвестри унга уйига кетишга жавоб берар экан, қуёш яширинаётган тоғ чўққиларига қараб завқ оларди. Кечки овқат олдидан ўғилчаси билан бир оз ўйнашиб, кейин Мария билан тўшакда бир оз ҳордиқ чиқаришни ўйлаш ҳам мароқли эди. Домингушнинг бульдозерда кечаси ишлайдиган смечаси моторнинг яхши ишламаётгани ва бошқа майда-чуйда нарсалар ҳақида гап очиб, уни ушлаб қолганди.

Африкалик ишчилар яшайдиган посёлка тўғон қурилишидан олисда эди. Йўлнинг чап томонида бири бирига ўхшаш хароба кулбалар турарди. Санзалдан турли ташландиқ ва ахлатларни олиб, бўтана, ифлос жилға оқиб ўтарди-да, пастдаги олис кўм-кўк ўтлоққа сингиб кетарди. Одатда, бу ерга шанба кунлари автомобилда врач келарди-да, хўжа кўрсинга санитария кўриги ўтказиб, жўнаб қоларди.

Юқорида, ям-яшил тепаликда, тунука томли баракда оқ танли ишчилар яшашар, боғлар ва гулзорлар билан ўралган алоҳида уйларда эса қурилишнинг катта хизматчилари ва инженерлар истиқомат қилишарди. Орадан йигирма минутча ўтгач, ўт қоплаб кетган сўқмоқ тугаб, Домингуш кичкина кулбанинг олдидан чиқди.

У Марияни уйнинг олдида кўрди. Мария ўғли Себастьянга шовла пишираркан, қўшни аёлнинг бедарак йўқолган ўғли ҳақидаги гапларини ачиниб тингларди. Домингуш Зефага астойдил ачинди, чунки у ўғлининг дўсти эди-да. Соуза номаълум ёққа ғойиб бўлган, унинг қаердалигини, аҳволи нима кечганини онаси ҳам билмасди. Маъмуриятнинг зангори машинаси уни полиция участкасига олиб кетмаган, дарё тўлқинлари жонсиз жасадини соҳилга чиқариб ташламаган бўлса ҳам, у ғойиб бўлган эди. Ахир у дарёга чўкиши мумкин ҳам эмасди! Соуза жилла ҳам хатарли бўлмаган очиқ конда ишларди. Тўғри, уззукун кончининг мадорсиз кўкраги пневматик чўқмор тепасида титрагани титраган... Лекин гавдаси нозик ва мадорсиз эканига қарамай, Соуза тутган жойини кесадиған ва ўзини ҳимоя қила оладиган одам эди.

Соуза йўқолган дастлабки кунларда онаси Зефа бошқармага қатнаб юрди, аммо у ердагилар ҳеч нарса билишмасди. Сипоҳилар қамалганлар орасида Соуза йўқ, деб аёлни ишонтиришарди. Кейин эса ҳамма уни эсидан чиқариб юборди.

Домингуш аввалига дўстининг ғойиб бўлганидан нима қиларини билмай юрди, кейинчалик уни қидиришдан фойда йўқлигига бора-бора фаҳми етиб қолди. Шундан кейин унинг бир оз дили оғриди, негаки, Соузинья уни огоҳлантириб қўйса бўларди.

Бироқ бош механик, инженер Силвестри ҳечам ажабланмаётганга ўхшарди. Домингуш дастлаб унга дўстининг ғойиб бўлиб қолганини айтганида, инженер шу пайт кўз югуртириб чиқаётган пландан бошини кўтариб жилмайди-да, сохта бепарволик билан:

— Ташвиш қиладиган жойи йўқ. Унга ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деди.

Домингуш инженер Силвестрига кўпдан бери қаттиқ ишонарди. Домингуш ҳали ёш бола экан, шакар компания-



сининг тракторларини тозалаш ва мойлашни эндигина ўрганаётган пайтида тасодифан бир гапни эшитиб қолди-ю, ўша-ўша инженерга меҳри тушди. Шундан бери доимо у Силвестри бор жойдан ўзига иш қидирарди. Мана энди Домингуш тўғон қурилишига келиб қолгандан кейин дўсти Союзанинг инженер Силвестри (уни ҳамма жаноб инженер деб чақирарди) билан суҳбатига ҳаяжонланиб қулоқ соларди.

Кончи ҳеч қачон ўзининг инженер билан дўстлиги ҳақида гапирмасди. Домингуш бўлса, халқ орасида хуфия гапирилиб юрган ҳамма нарсалар ҳақида Соуза билан бот-бот фикрлашса ҳам, унинг инженер билан дўстлигидан гап очишга журъат этмасди.

Лекин бир куни бундай бўлди. У бу кунни яхши эслаб қолган, негаки, ўша кунга ўтар кечаси подстанциядаги электрчи ориқ йигит Тимотеуни ушлаб кетишганди. Уни Луандада тарқалган варақаларни кичик бир хонада ўқиб турган чоғида тутиб олишганди. Бундан ташқари, унинг чемоданидан ҳар хил китоблар ҳам чиқибди, бу китоблар қанақалигини Домингуш билан Соуза билишмайди-ю, лекин полицияга еқмайдиган китоблар бўлса керак. Идорада ишлайдиган нуроний отахон, Жакоб жаноблари Домингушга жуда ҳам махфий қилиб айтдики, йигитни қўлга олиш учун келганларида у ёлғиз эмас экан. Ёнидаги одам деразадан ташлаб, ғойиб бўпти. Бу воқеа тонгга яқин бўлиб, Бразилияда эканидаёқ уйқусизлик касалига мубтало бўлган чол бу азобдан қийналиб, дераза олдида турган экан, қочган одамни аниқ-таниқ кўрибди. Уша дақиқада у бирор тунги ҳодисанинг гувоҳи бўлдим шекилли, деб ўйлабди.

Соуза кун бўйи қовоғини солиб юрди. Кечқурун Домингушга у:

— Биласанми, оғайни, шу Тимотеу воқеаси ҳеч кўз олдимдан кетмаяпти!— деди.

— Узинг уни яхши танирмидинг?

— Йўқ. У ўзини четга олиб юрар, ҳеч ким у билан гаплашмасди. Ҳамма студентларга ўхшаб, у билан иш тутиш ҳам хавfli деб ҳисоблашарди... Мана, охири қўлга туширишибди.

— Соуза, нега ундан чўчишарди? У индамас бўлса, одамларга, уларнинг ишларига аралашмаса, зўр бериб ўқиса, нима қипти?

Соуза кулди-да, бамайлихотир ерга ўтириб олиб, сирли оҳангда деди:

— Биласанми, оғайни, у исёнчиларнинг бошлиқларидан бири эканлигини худди шу бугун менга айтиб қолишса бўладими. Эслик-ҳушлик йигит экан. Ундан Лундадан келтирилган китоб ва қоғозларни топиб олишганмиш.

Домингуш ҳайрон бўлиб, оғзини очиб қолди. Аммо шу қулай фурсатдан фойдаланиб, бирорта нарса билиш мақсадида, ишонмагандай ўртоғига қаради:

— Йўғ-э!

— Аниқ гап! Менга айтган одам ёлгон гапирмайди!

— Ҳа ким айтди сенга?

Соузанинг қарашидан Домингуш гаплашиш мумкин бўлмаган мавзуга ўтиб кетганини сизди. У жилмайди:

— Кел, дўстим, ўзим баъзи нарсаларни айтиб бера қолай. Ҳақиқий дўстлар орасида сир бўлмаслиги керак! Фақат оғзингдан чиқармасликка онт ич.

— Онт ичаман! Бемалол гапиравер.

Домингуш Соузанинг ёнидаги тошга ўтирди-да, аранг эшитиладиган қилиб шивирлади:

— Силвестри билан дўстлигингни биламан. Инженер сенга ишонади, мен ҳам дилимдагини чиқара қолай. Ахир у қаерга борса, мен ҳам ўша ерга бораман-да. У қаерга ишга кирса, ўша ерга мени ҳам жойлаштиришга ҳаракат қилади. У менга: «Яхши бульдозерчисан», дейди, шунинг учун мени яқин орада тунги сменага ўтказишмоқчи, ўзинг

биласан-ку, тунги сменада ишлашнинг нафи кўп! У десятник билан ҳам гаплашган экан, ваъда бергандек бўлибди.

Союза дўстининг тумшугига тумшуқ тирагудек бўлиб, сўзларига диққат билан қулоқ соларди. Кейин маъқуллаб бош силқиди. Суюниб кетган Домингуш сўзида давом этди:

— Биласанми, оғайни, дунёда бирорта оқ танли йўқки, сенга шунчаки, қалби буюрганидан яхшилик қилса... Йўқ! Мен буни яхши биламан, Союза ошна, мен буни яхши биламан. Агар сен шапкангни олиб, уларга таъзим қилмасанг, ҳаммамизни бир гўр деб ҳисоблаб, сени полиция участкасига юбортиришади, вассалом. Аммо бу инженер-чи, йўқ, дўстим Союза, у ёққа юбортирмайди. Бунинг ақли бўлакча.

— Домингуш ошна, мени кечиргину, аммо унинг қалби ҳам бошқача. Бугун эрталаб унга Тимотеу ҳақида гапириб берганларидаги ҳолатини кўрганингда эди!.. Айюэ. Ранги девор бўлиб кетди. Ақли бўлакча эканини айтиб юрма тагин...

Домингуш қўлларини олдинга чўзиб, гўё ўз фикрини шиббаламоқчидай, ғалати имо-ишоралар қилди.

— Биламан. Бундан бошқа гапларга ҳам ақлим етади, билдингми? У бошқаларга сира ўхшамайди! Агар у ҳамма оқ танлиларга ўхшаган бўлганида, мен ҳали ҳам ёрдамчи ишчиликдан бошим чиқмаган бўларди.

Домингуш ҳаяжонланганидан рўбарўсида катта кўзойнакли, калта шим кийган, миқти ва ҳаракатчан инженер Силвестри тургандек, унинг тетик ва мулойим овозини эшитгандек бўлди.

— Биласанми, ошнам, у ҳатто десятникнинг сўзларига ҳам қулоқ солмайди. У билан неча марта жанжаллашиб олди!

Домингуш бўлиб ўтган майда-чуйда нарсаларни эсларқан, кимбунду<sup>1</sup> тилини португал тилига аралаштириб, ҳая-

<sup>1</sup> К и м б у н д у — воқеа рўй бераётган Луанда вилоятида жуда кенг тарқалган тил.

жон билан гапирарди. Аммо Союзанинг тоқати тоқ бўлиб, трубкасини олди-да, ўт солиб. икки марта тортгач, дўстининг гапини бўлди:

— Хўш, оғайни, кейин нима бўлди, кейин? Бу гапларнинг ҳаммасини ўзим яхши биламан.

— Мана мен сенга айтсам, бир куни у чошгоҳ пайтида биз ишлаётган жойга келди-да, бизга овқат берилган ту-нука тогорачаларни тегиб юборди. ҳаммамизга қўшни емакхонага бориб овқатланиб келишни буюрди. У ернинг овқати яхши ва арзон эди... Буни ҳам ўзинг биласан-ку, дўстим Соуза.

Домингуш ўрнидан турди-да, кечки соф ҳаводан тўйиб нафас олиб, қаддини ростлади. Кейин қўлини нимжон дўстининг елкасига қўйиб, сўзида давом этди:

— Бир кун-чи, Соуза, у ҳам менинг елкамга мана шундай қўлини қўйиб: «Домингуш, сен яхши механиксан, яхши ишчисан, бунинг устига яхши анголаликсан», деди. Рост айтяпман, дўстим Соуза, у шундай деди. Унинг сўзларидан юрагим ўйнаб кетди. Оқ танли қора танли билан шундай гаплашганини ҳеч қачон, ҳеч ким эшитган эмас. Кейин у кетиш олдидан: «Биласанми, Домингуш, мен ҳам анголаликман, иккаламиз бирмиз, яхши инженер бўлиш учун сен тинмай ўқишинг керак», деди менга шивирлаб. Кейин у ҳар галгидек шитоб билан жўнаб кетди. Мен буни ҳеч қачон унутмайман, дўстим Соуза, ҳеч қачон.

Соуза ўрнидан туриб, иягини қашиб, олис-олисларга тикиларкан, алавақтгача трубка чекиб, индамай қолди.

Тун кириб келаётганлиги ҳамма нарсада: ғира-шира қулоққа чалинаётган овозларда, Кванза дарёсининг олисдан эшитилаётган бир маромдаги шовуллашигина бузаётган сукунатнинг ўзида сезиларди. Кейин Соуза яна бамайлихотир ўтириб, жилмайганча бундай деди:

— Оғайнижон, буни ҳам билардим. Бир куни сен бульдозердан тушдингу, бошқарувчига у ҳеч ким биз син-

гари яшай олмаслигини исботлаётганини эшитгандинг! Бошқарувчига у бизни жуда ёмон овқатлантираётганлари, дард-аламларимиз, биз яхши яшашимиз учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида сўзлади. Айтгин-чи, шундай бўлмаганмиди?

— Шундай! Лекин буни сен қаёқдан биласан?

Союза трубкасини учириб. Домингушга шивирлаб бундай деди:

— Кулоқ сол, Домингуш. Бу гапни ҳеч кимга айтмагину, аммо инженер Силвестри асл дўстимиз эканлигини ҳеч қачон унутма!

Шундан кейин Союза оғир иш кунидан сўнг дам олиш мақсадида кулбасига кириб кетди. Шундан бери ҳеч ким уни на конда, на санзалда кўрмади.

Шу топда Домингуш ўғилчиси Себастьян билан похол тўшакда ўйнашиб ётаркан, дўстини эслади. Жозефенинг ғамбода овозидан унинг юраги эзилиб, тинч оқшоми изтироб ва аламга тўлди.

Соат тўққизлар чамаси, санзала тепасидаги ой Кванзанинг шўх тўлқинларини кумуш ранга бўяганди. Бирдан автомобилнинг шовқини эшитилиб қолди. Посёлка аҳолисининг юраги така-пука бўлди. Маъмуриятнинг зангори машинаси ҳамиша қўрқинчли душман эди. У қўл-оёғи боғланган, уриб дабдала қилинган одамни шаҳарга олиб кетар, шу билан ўша одам борса келмасга жўнар эди. Мабодо қайтиб келса ҳам майиб, чўлоқ-мўлоқ бўлиб қайтарди. Зангори машина жўжалар тепасида чарх урган калхатдек, посёлкада пайдо бўлса, биронта ота эртаси куни ўз фарзандлари соғ-саломат бўлишига ишонмасди.

Қоронғиликда чироқлар порлади. Қўрқиб кетган оналар чақалоқларини кўкракларига босганча, эшиклар томон отилишди. Лекин машина тўхтаган эди. Унинг чироқлари Домингуш кулбасига қаратилган бўлиб, сипоҳилар унинг эшигини болғалар билан тарақлатишарди. Сипоҳи-

лар қўмондони жаноб аспирант, тўппончасини маҳкам ушлаганча бир чеккада турарди.

Шу тунда сипоҳилар Домингушни кўзни қамаштирувчи машина чирогининг ёруғида кулбасидан туртиб-суртиб олиб чиққанларини одамлар кўришди. Унинг орқасидан Мариянинг дод-войи ва уйғониб кетган Себастьяннинг йиғиси эшитилди. Икки сипоҳи Домингушнинг қўлидан ушлаб олган, учинчиси бўлса, унинг елкаси демай, боши демай савалаб борарди. Новча ва ориқ Домингуш калтақдан қутулиш мақсадида ўзини ғайри ихтиёрий равишда гоҳ у ёққа-гоҳ бу ёққа ташларди. У ўғли ва хотини билан хайрлашиб қолиш учун улар томон отилди. Лекин жаноб аспирант тўппончасининг қўндоғи билан унинг гарданига туширди. Сипоҳилар Домингушнинг қўл-оёғидан олиб машинага улоқтиришди. Автомобиль кўчада гизилиб бораркан, орқадан Мариянинг дод-войи ва Себастьяннинг йиғиси эшитиларди. Аёллар инграётган Мариани ўраб олишди, кимдир тинчлантириш мақсадида Себастьянни кўкрагига босди... Тонг отгунча аёлларнинг аламли уф тортиши, болаларнинг йиғиси, изтиробга, алам ва умидга тўла сокин суҳбатлар посёлкадаги сукунатни бузиб турди.

Ой камеранинг қоқ ерида дабдала бўлиб ётган гавда устига майин ёпқич тўшади, юмуқ кўзлар қаршисидан эса тинимсиз оқаётган дарё сингари тўхтамай, турли суратлар ўтиб борарди. Хира ёруғ пўлат панжара билан ўралган туйнукдан ўтганида Домингуш бошини кўтармай, кўзларини очиб зўрба-зўр тўқ зангори булутсиз осмонни кўрди. Она юртнинг ойи ва мовий осмони камерага мўралашарди.

У бу ерга қандай қилиб келиб қолганини хотирлай олмас, атрофдаги жамийки нарса унга худди шу хаёлий нур сингари ғалати ва олис кўринарди. Кўкраги зирқираб оғрирди. Бошқа оғриқни у сезмасди. Оғриқдан додлаб юбормаслик учун Домингуш лабларини тишлаганча, камерани деярли эгаллаб ётган чўзинчоқ тош плитада бир амаллаб

етиб олмоқчи бўлди. У ерга қараб ётди-ю, қўл-оёқлари чидаб бўлмас даражада зирқираётганини сезди, лекин жойидан қимирлолмади.

Унинг хаёллари сеvimли Кванза дарёси сувидек оқарди... Ана, Мария эшик олдида жажжи Себастьян билан ўтириб, кечлик овқат пиширяпти; Мария Себастьянни орқасига танғиб кетяпти... Мария бошқа аёллар билан дарёнинг одатда кир ювиладиган қирғоғига тушиб боряпти. Дарё — тоғ этагидан бошланган жойи ингичка ипдек кўринаётган, кейин ҳамма кўриб турганидек қудрат ва улуғворлик кашф этаётган, океанга қуйилса арзийдиган дарё тинмай оқмоқда. Мария аёллар билан тошда кир ювадиган жойга келиб Кванза дарёси қаршидаги гранит қояларга урилади-да, қутуриб ҳар ёққа хуруж қилади. Дарё қоя тошларига даҳшатли ўкириш билан урилади-да, ҳар томонга оппоқ кўпиклар сачратади, кейин мулоим тортиб, Мушима<sup>1</sup> томонга бурилиб кетади. Қоронғи камерани ёритаётган ой нурида кўплаб шарпалар, кнефалар сузиб ўтди: узоқ йўл, гуллаб ётган баобаблар, маъмуриятда ўтказилган тундан сўнг, саҳардаги хира туманликда машинада кезиш... Қўл, оёқ ва бўйин битта арқон билан чандирланиб ташланган, ер бўлса шабнамдан намиқиб, совуқ уфуради... У бошини эгганча бормоқда, сипоҳилар уни боши, юзи, елкаси демай савашмоқда...

Эрталабки қуёш унинг юзларини майин силаркан, гўё қаршисида нурли тонгнинг кенг эшиги очилгандек бўлди. Сипоҳилар сукут сақлаган ҳолда чуқур қайғураётганлари билиниб турган одамларни итариб ташлашарди. Ҳозир у ўша одамларни яна кўрди. Улар ҳамиша Домингушнинг кўз олдида туришарди. У ҳатто оғриқни ҳам сезмади. У йўргакланган чақалоқларини кўтариб олган аёлларни ва мишиқи болаларнинг кўрқувдан бақрайган кўзларини кў-

<sup>1</sup> Мушима — Луанда атрофидаги қирғоққа яқин тоғ.

рарди. Бу кўриниш қайта-қайта такрорланарди: шаҳарда, қамоқхона олдида яланғоч ва мишиқи болалар унга қўрқув ва қизиқиш билан қарашар, уни сипоҳилар машинадан итариб чиқараётганини томоша қилишарди...

Аммо бу қачонги гап ўзи? Қачонги? Ой хотираларни унуттирар, тасаввурларни чалкаштириб юборарди. Вужуди сирқирарди: бегемотнинг қалин терисидан тўқилган қамчи зарбидан ёрилган елкасига кўйлаги ёпишиб қолганди. Оғзи қақраб қолибди. Палматарка билан майиб қилинган қўли қимирламасди. Мария йиғлаб турган Себастьянни кўтарганча кўз олдида қайта-қайта пайдо бўлар, унинг жон ҳолатда додлаши қолган товушларнинг ҳаммасини босиб кетарди.

У кўзларини қаттиқ юмди: ой ёруғида Кванза гоҳ шиддат билан ўшқираётган, гоҳ сокин ва вазмин оқаётган улкан денгиз кўзгусига ўхшаб кўринарди. Ҳамма нарса: ҳорғинлик ҳам, кўзни очишга, ўйлаб кўришга бўлган чексиз истак ҳам худди тушдагидек кўриниб, яна ғойиб бўлаверарди. Лекин туш худди Кванзага ўхшарди. Унга қаршилиқ қилиб бўлмасди. У мана шу аҳволда қорни билан ётганча анови ердаги тоғ этакларидан бошланаётган дарё сингари, ўз ёшлиги дарёсида сузаётгандек бўларди.

### III

Агар ҳозир Мариянинг бу ердаги, Самбизанга маҳалласидаги дугоналари бўлмаганда ҳоли нима кечарди? Нотаниш шаҳарда чақалоғи Себастьян билан адашиб-улоқиб юрармиди? Дўстларнинг мадади бўлмаса, одамлар бундай қийинчиликларга чидай олармиди? Мария орқасига танғилган чақалоғи билан тунда келиб соу Кардозонинг эшигини қоққанида у шундай деди.

Ҳамма ҳайрон эди. Ухлаб қолган болалар ҳам у билан саломлашиш учун ўринларидан туриб кетишди. Тёте ду-



гонасининг елкасига бош қўйганча, бу кутилмаган учрашувдан йиглаб юборди. Ахир улар қарийб ўн икки йил кўришмаган эдилар-да! Улар Брага маҳалласида латта қўғирчоқлар ўйнаб, лойдан кулча ёпиб юрган пайтларидан бери кўришмаганди. Жажжи Мария пақирчада сув таширди...

Кейин Мария ўз ҳаётини, эрини гапириб, роса йиглади. Дўстлари энди уни уйига юбормасликларини айтишди. Бўлмайди, Мария улар билан қолиши керак! Уй бемалол, овқат ҳам ҳаммага етарлик. Мария полицияга, маъмуриятга, эри ҳақида бирор нарса билса бўладиган қайси жойга борса, болалар митти Себастьянга қараб туришади. Агар керак бўлса, ҳатто жаноб губернаторгача боришга тўғри келади!

Соу Кардозо Мария билан бирга боришга сўз берди: икки-уч кун ишга бормаса ҳам бўлади. Касал эдим, деб айта қолади. Лекин Мария ғамгин жилмайиб, дўстини бу шахтидан қайтарди. У полиция участкасига борадиган йўлни яхши билар, негаки, бу олис жой эмасди.

Ярим кеча бўлиб, кичик кулбада ҳамма ётган маҳалда, сутдек ойдин бўлган чоғда ҳам Мария мижжа қоқмади. Йўрғакланган Себастьян бўлса, похол тўшакда пиш-пиш ухларди. Кейин Мария соу Кардозо билан Тэтенинг паст овозда гаплашаётганини эшитди. Хона бурчагида болалар ерда уймаланишарди. Ниҳоят ҳамма тинчлангач, тахта ўтиргичли шалоқ автобусда келиб, абгор бўлган Мария ўз хаёллари билан танҳо қолди.

Посёлкадан у тонгда чиққан эди. Шаҳарга кечга яқин етиб келди. У орқасидаги чақалоғи билан миссия биноси олдида автобусдан тушиб, бу ерда ишдан қайтаётган оломонга аралашиб кетди. Тэтенинг уйини топиш қийин эмасди: у кичик бир дўконча ёнида бўлиб, асли шу ерлик, дўконнинг миждози бўлган соу Кардозони ҳамма яхши танирди.

Мария бу уйдаги самимий дўстлар даврасида ўзини эркин ҳис қиларди. У Төтега меҳр билан тикиларкан, дугонасининг турмушга чиққандан кейин катталиқ нусхи уриб, эт қўйганини севди. Унинг фарзандлари кўплигини айтмайсизми: икки ўғли кап-катта бўлиб қолган, кичкиналари ҳам бор.

Аммо дўстларнинг уйида ҳам эр ташвишидан қутулолмади. Улар турмуш қуришганига ҳам тўрт йилдан ошди. Инсофли одам бўлган Домингуш билан Мария аҳил яшашарди. Тўғри, эрнинг топгани оилани тебратишга ҳеч қачон етмас, баъзи вақтларда танқислик сезилиб қоларди. Домингушнинг кўп ўртоқлари бир ҳафталик машаққатли меҳнат эвазига топганларини қовоқхонага сарфлашарди. Аммо Мариянинг эри ичкиликни сира ўйламасди. Кечки пайтларда ўғилчиси Себастьян билан ўйнашар, унга парвона бўларди.

Бир куни Мария Зефанинг кулбасидан билмай чиқиб қолганида Союзанинг Домингушга бундай деётганини эшитиб қолди:

— Ҳай, мбунду<sup>1</sup> оғайни, сен инженерликка — машиналар яратадиган инженерликка ишқибоз эканингни билман.

Мария ана шу сўзларни ва эри ўғилчиси Себастьянни қадоқли, бақувват қўллари билан иргитиб-иргитиб ўйнашаётганида юзларида пайдо бўладиган самимий табассумни бот-бот эсларди.

Ҳозир Домингуш қамоқда. Энди нима қилади-я? Мария эрининг ишхонасидаги ўртоқлари олдига бориб, улардан маъмур билан гаплашиб кўришларини, эри нима учун қамалганини билиб беришларини илтимос қилмагани чакки бўлди... Ахир Домингуш мулойим одам эди; ҳеч

---

<sup>1</sup> Мбунду — Анголанинг Луанда вилоятида яшовчи халқ.

ким билан уришмас, ҳатто шанба кунлари маошини олиб келаётганида ичмасди. У ҳамиша яхши дўст, яхши эр эди, шундай бўлгач, нима учун қамашди экан-а?

Энди унинг ёнига тушадиган ҳеч ким йўқ. Дўсти Соуза ҳам қаердалиги номаълум. Унга нима бўлганини ҳеч ким билмайди. Жоаннинг руҳоний отаси эса, африкаликларнинг ишига аралашшига сира тоби йўқ. Бундан ташқари, Домингушнинг ўзи ҳам, бошқалар ҳам уни полициянинг айғоқчиси дейишарди. Инженер Силвестри бор холос. Аммо Мария унга умид боғлай олмасди. У Мариянинг гапларини эшитгиси келмаса-чи? Аллақандай қора ишчининг котини унга хира бўладими... Қамашган бўлса нима бўпти! Ахир бу кунда рўй берадиган ҳодиса-ку.

Зангори машина санзаладан жўнаб кетгандан кейин, Соузанинг онаси Жозефа Мариянинг кулбасига кириб, сирли оҳангда шивирлагани бирдан унинг эсига тушиб қолди:

— Менга қара, Мария, синглим, гапимга қулоқ сол, ўғлим маъмуриятга бориб Домингуш тўғрисидаги гапни билиб келишинг кераклигини сенга айтиб қўй, деганди. Эринг қаердалигини айтмагунларича йиғлаб-сиқтаб, шовқин солавер, ҳайдашса ҳам кетма. Себастьянни ола борсанг, ундан ҳам яхши бўлади. У ҳам бир йиғлаб берсинки...

Жозефа ўзига хос бир йўсинда жилмайди. Ҳайратдан Мариянинг қўрқувли кўзлари катта-катта очилиб кетди:

— Соузинья қайтиб кепти-да, бўлмаса?

Лекин Жозефа бошини сарак-сарак қилиб, сирли оҳангда жавоб берди:

— Соузинья ҳамиша одамлар билан бирга.

Шу кун эрталаб Мария майда-чуйдаларини тугиб, қурилиш идорасига жўнади. Қуёш ҳали чиқмаган, тунги шабнамдан ҳўл бўлган майсада юриш жоннинг роҳати эди. Олисдаги зангори тепаликларнинг тархи қалин туман орқасида кўринмай қолди. Бу ерда, кечувга яқин жойда

оқайми-оқмайми деб, мудраб, ёйилиб оқадиган Кванза жимилларди. Посёлка гуллаб ётган акациялар, бананлар ва жўхоризорлар ортида қолиб кетди. Атрофда ҳамма нарса шу қадар кўм-кўк, мусаффо, навқирон! Ҳатто дарёдаги сув ҳам кўм-кўк кўринарди. Аммо Себастьянни орқасига танғиб олган Мария ҳеч нарсани сезмай, чўзилиб кетган йўл ёқасидаги майсалардан юриб борарди. Унинг кўзлари ўткинчи машина тўхтамасмикин, деган умидда йўлга тикилганди. Унинг қалби ҳов анави ерда, қамоқда, Домингуш билан бирга эди.

Бир гала узун думли ҳурковуч қушлар Мариянинг яланг оёқлари босиб бораётган сариқ гулларга тўш уриб ўтишди. Чигирткалар ўтдан-ўтга сакрашар, анвои рангдаги капалаклар ҳавода ўйнашарди. Лекин Мария она ер гўзаллигини ҳис этмасди. Унинг эри, шу ер фарзанди Домингуш қамоқда ётарди... Худди ҳайвон сингари унинг қўл-оёғини боғлаб, машина кузовига улоқтиришди. Шундай бери бутун бир кеча ўтди...

Мариянинг ёнидан машиналар, қурилиш бошқармасига қарашли джиплар дам-бадам физиллаб ўтиб турса ҳам, биронтаси тўхтамади. Эрталаб соат еттиларда орқасида ухлаб қолган боласи билан Мария идорага етиб келди.

У сипоҳи Тонетони яхши таниса ҳам, шу тонгда у билан гаплашгиси келмади.

— Айтгин-чи, котиб қачон келадилар?

— Яқин орада келиб қолади. Шу ерда ўтириб тур.

Сипоҳи ерни босайми-босмайми дегандек савлат тўкиб, орқа томонга ўтиб кетди. Мария эса Себастьянни қўлига олиб зинага ўтирди.

Вақт физиллаб ўтар, у бўлса ҳамон Домингушни, ўзининг маҳалласини, кейин яна жондан ортик эрини ўйларди. Ниҳоят соат тўққиз бўлганида Мария тепаликдан тушиб келаётган джипларни кўрди. Улардан бири котибни олиб келди.

У Мариянинг ёнидан ўтаркан, жилмайиб қўйди, ҳатто уйгонган Себастьянга тегишиб ҳам кўрди. Аммо Мария бир кун аввал ҳеч қандай сабабсиз олиб кетилган эрини йўқлаб келганини айтганида, у газабланиб бундай деди:

— Эринг каллакесар. У ҳамма оқ танлиларни қириб ташламоқчи экан. Уни хаёлингга ҳам келтирма.

— Жаноб котиб, қандай қилиб у каллакесар бўларкан? Домингуш яхши ишчи эди, оиласи билан аҳил яшарди, умрида биров билан уришмаган, бирор одамнинг дилини оғритган эмас. Қандай қилиб каллакесар бўларкан?

— Мен сенга айтдим-ку. Гап қайтарма. Эринг каллакесар. Шунинг учун санзалангга жўнайверганинг маъқул.

Бугун тонгда кулба олдида Соузиньянинг онаси Зефа айтган гаплар Мариянинг ёдига тушди... У эрининг қаердалигини айтишларини илтижо қилганича, йиғлаб-сиқтар, сурон кўтарар эди. Фақат айтинглаар, эрим қаердалигини айтинглаар, бошқа гапим йўқ, дерди у.

Шу ердан ўтаётганлар тўхташиб нима гаплигини бир-биридан сўрашарди. Жаҳли чиқиб кетган котиб хонасига югуриб кириб, эшикни ёпиб олди. Мария янада қаттиқроқ бақирган эди, Себастьян ҳам йиғини бошлаб юборди.

Сипоҳи Тонето Мариюни овутиш мақсадида унга яхши гапирди. Атрофга тўпланган одамлар сипоҳини сўкишарди. Шунда яна дарғазаб котибнинг овози эшитилди:

— Унинг овозини ўчирсанг-чи! Агар жим бўлмаса, эрининг кунига соламиз. Эшитдингми?

Тонето: «Эшитдим, жаноб котиб!»— дея бўшашиб жавоб қилди-да, Мариюни зинадан итариб тушира бошлади.

Мария ўғлини бағрига босганича, юракни эзадиган қилиб бақирарди. Уйларнинг деразалари очилди, нима гаплигини билиш учун ҳамма ёқдан болалар югуриб келишди. Сипоҳи Тонето ҳамон Мариюни итарарди, мана ниҳоят охирги зинадан уни жаҳл билан итариб, ерга туширди.

— Айюэ, айюэ, эргинам! Уни ўлдиришибди, билиб турибман, уни ўлдиришибди! Умрида ичкилик ичмаган бўлса, ҳеч қачон бировга ёмонлик қилмаган бўлса-ю, уни ўлдириб юбораверишса-я! Войдод, энди нима қиламан! Эрим бечора умрида биров билан уришмаган-а! Одам бўлиб бировнинг дилини оғритмаган-а! Айюэ!

Сипоҳи уни алдаб-сулдаб, нарироққа олиб кетишга яна уриниб кўрди. У қўрқа-писа пешайвон томонга қараб, Марияни юпатарди:

— Гапимни эшитгин, ўзингни бос! Эшитсанг-чи, эринг соғ-омон! Узингни босгин, ўзингни боссанг-чи...

— Босмайман, ер юткур сипоҳи! Сен ҳам мана шу оқ танлилар билан бир гўрсан. Айюэ, эргинам-эй, уни ўлдиришти!

Ниҳоят тоқати тоқ бўлган сипоҳи Тонето Мариянинг қўлтигидан кўтариб, уйнинг орқа томонига сургаб кетди. Одамлар жаҳл аралаш шивирлашишарди-ю, тарқалишмасди, болалар бўлса, Мариянинг очилиб кетган сонларига қараб қиқирлашишарди. Сипоҳи Марияни бор кучи билан силтаб-силтаб, ниҳоят ташлаб юборди. У ўтирган жойида ҳам йиғидан тўхтамасди.

— Менинг гапимга қулоқ солсанг-чи, Мария, ўзинг биласан-ку, қадрдон одаммиз,— деб жаврагани жавраган эди сипоҳи. Аёл бир оз тинчланган бўлса ҳам, ҳамон энтикиб-энтикиб йиғларди. Себастьян ҳам йиғидан тўхтагач, сипоҳи унга энгашиб шивирлади:

— Эрингни бугун эрталаб Луандага олиб кетишди. Зангори машинада. Жаноб аспирант уни полицияга жўнатди.

Мария рўмолчасининг учи билан кўзини артди-да, ҳиқилаб йиғлади:

— Айюэ, дўстим Тонето, айюэ! Домингуш ҳеч кимга ёмонлик қилмаган бўлса. Нега уни олиб кетишади?

— Домингуш барча оқ танлиларни қириб ташламоқчи

вкан, дейишяпти. Бу гапга ишонмайман, синглим! Аммо жаноб маъмур, жаноб котиб, жаноб аспирантимиз ҳамда уни олиб келишган сипоҳилар Жоан билан Мандонбе қайтиб келишгандан кейин кечаси билан гаплашиб ўтириб айтишдики...

— Нега ундай қилишади, Тонето, айтгин? Менинг Домингушим умр бўйи бирор одам билан ёқалашмаганини ҳамма одам билади-ку, ўзинг ҳам биласан-ку...

Сипоҳи елкасини қисиб, идора эшигига қараб олгач, бўшашганча сўзида давом этди:

— Биласанми, Мария, жаноб маъмур ундан ҳадеб аллақандай бир оқ танлининг номини сўрай берди. Уз қулгим билан эшитдим. «У оқ танли ким?» деди. Ундан кейин маъмур яна Бернандо Соуза қаердалигини билмоқчи бўлди, анави озгин йигит бор эди-ку...

— Оҳ, огагинам, бунча фалокат қаёқда эди? Оҳ, огагинам! Домингуш ҳеч қандай оқ танлини танимайди, Домингуш оқ танлилар билан гаплашмайди, Тонето! Союзинья бўлса... Ҳозир унинг қаердалигини одам боласи биладими? Ҳеч ким билмайди-ку!

Тонето нарироққа бориб, атрофга аланглади... Кейин салмоқлаб юриб, қайтиб келди-да, шивирлади:

— Айтиб берасан, деб уни қаттиқ уришди. Жаноб аспирант Мандонбега унинг адабини бериб қўйишни буюрди, кейин сипоҳи Жоан ҳам қамчи билан роса савалади...

— Айюэ, айюэ, эргинам! Биламан, уни ўлдиришган. Кўнглим сезиб турибди!

Сипоҳи тагин ҳадиксираб, сабрсизлик билан атрофга аланглади-да, Марияга энгашиб, маслаҳат берди:

— Секинроқ гапирсанг-чи, Мария, секинроқ гапир. Агар бу гапларни сенга айтганимни жаноб маъмур эшитса, мени ҳам беланги қилишни буюради...

— Кошкийди! Сен одамларни жабрлайсан, пора олиш учун йўқ ердаги тўхматларни ўйлаб топасан! Сени бил-

майди деб ўйлайсанми? Сени, сени, соу Кайуменинг наби-  
расини палматориа билан таъзирингни бериш керак.

— Рост гап, қасам ичиб айтаман... Одамларни Мандон-  
бе билан Жоан палматориада азоблашади, бу ишни фақат  
улар қилишади. Оёқ-қўли демай, елкаси демай уравериша-  
ди. Вой, бечора Домунгуш, мен у бечоранинг бақирганини  
эшитмай деб қулоқларимни беркитиб олмоқчи ҳам бўл-  
дим... Аммо, биласанми, Мария, у барибир ҳеч нарса айт-  
мади. Жаноб аспирант: «Ҳали сен билмайсанми, айтишни  
хоҳламайсанми, қароқчи!»— деб бақирди, кейин жаноб  
аспирант қамчи билан уришга буюрди. Шундан кейин уни  
Луандага олиб кетишди.

Мария сипоҳининг гапларини эшитмаётганга ўхшарди.  
Себасьянни аллаларкан, у катта-катта очилиб, бир нуқта-  
га тикилган кўзлари билан полиция участкаси орқасидаги  
манго дарахтлари учига қарарди. Ҳозир сипоҳи айтаётган  
сўзлар энди уни қийнамасди. У энди ҳеч нарсани сезмас-  
ди. Қулоқлари остида эрининг сўзлари қайта-қайта ян-  
гар, қалбида акс-садо берарди: «Айтмайман, айтмайман!»

Кейин сипоҳи Тонето уни Луандага борадиган автобус-  
гача олиб бориб, Домингушни муссеклар томонидаги поли-  
ция участкасидан қидириш кераклигини тушунтирди. Уни  
ўша ерга олиб кетишган бўлса керак, деди.

Мусичаларнинг чўчинқираб гув-гувлашида, ҳар бир гул  
жилвасида кўринаётган сокин тонгда Мария қоп-қоронги,  
чексиз йўлни эслади. Гуллаб ётган баобаблар, шамолдан  
тебранаётган кўм-кўк барра майсалар, дарахт шохларида  
сайраётган қушлар бор бу йўлда. Шишиб кетган қорин-  
ларида катта-катта киндиклари бўртиб чиққан яланғоч  
болалар йўл ёқасидан бақиршарди:

— Майяка мабоки... Кеп қолинг мабокига...

Коломболока<sup>1</sup>нинг нариги ёғида жала қуйди.

---

<sup>1</sup> Коломболока — Луанда райони.



Ҳавони нам ернинг ғалати иси босиб кетди. Кўм-кўк пахта далалари тепасида худди соқчилардек гуллаб ётган баобаблар бўй чўзиб турарди... Ҳали улар ҳосил тугмаганди...

Мана орзиқиб кутилган улкан шаҳар — бу шаҳар ўн икки йил бадалида Мариянинг бутунлай ёдидан чиқиб кетибди. Кўчадаги гуж-гуж одамлар аллақаяққа шошишар, миссия олдидаги бекатда одамларни тезроқ тушишга даъват қилиб автобус кондуктори бақирарди:

— Етиб келдиларинг! Бўла қолинглар! Тезроқ тушларинг, негрлар!

Мария яхшилаб ўралган йўргакда ухлаб ётган Себастьянга, унинг очилиб қолган оғизчасига қараркан, яна эрининг овози қулоғида янгради. Бу овоз унинг қулоғи остида жаранглаб, унинг қалбида занг чалинадиган болға сингари акс-садо берарди: «Айтмайман! Айтмайман!»

Мария қаршисида шармандан шармисор бўлган сипоҳиларни, қўлларида палматориа ва қамчи ушлаган ўша Тонето, Жоан, Мандонбени, улар ёнида бошлиқни, жаноб котибни, саф тортган барча полициячиларни кўраётгандек бўлди. Улар ўз фарзандини эркалашни жуда ҳам яхши кўрган, санзалалик оддий одамга — Мариянинг эрига азоб берешарди.

Лишейра<sup>1</sup> ортидан қуёш чиқди. Унинг нурлари кулба тирқишларидан ўтиб ичкарига ҳам тушди. Яна Марияга кекса Жозефанинг босиқ ва сирли овози эшитилди: «Домингушни қидириб бор, йиғлаб-сиқта, шовқин-сурон кўтар. Углинг Себастьянни ҳам кўтариб ол!»

Мария ўрнидан оҳиста туриб, янги кун бошланишини томоша қилиш учун кулба эшиги олдига келди.

---

<sup>1</sup> Лишейра — тепаликнинг энг юқори ерига жойлашган мусеклар маҳалласи.

## IV

Соат беш яримдаёқ Шико Жоан кўчада эди. У, одатча мош ранг иш формасини ҳам ечмаганди. Бугун уйига кириб ялтироқ кўйлаги ва тор шимини кийиб, «Ботафого» командасининг беҳисоб ишқибозлари айтганидек ростакам пўрум бўлиб олишга вақти бўлмади. Ҳамма ерда иш соати тугаб, газета сотувчи ёш болалар кечки газеталарнинг дастлабки нусхаларини сотаётган бу пайтда Шико Қуйи шаҳар кўчаларида энгил одим ташлаб борарди. Унинг бу юришидан қовоқхона қизлари ва ишқибоз болалар ўз суюкли кишисини дарҳол таниб олишарди. Лекин кўпгина олифталар фақат рақс ҳақида ўйлашар, Шико Жоан эса анчадан бери тикувчи Мусунданинг уйда бўлиб ўтадиган муҳим суҳбатларда иштирок этарди.

Ажойиб мушоҳидакорлиги учун Шико ёшлигидаёқ Кафунданга<sup>1</sup> номини олган эди. Кейинроқ бу мушоҳидакорлик унинг Мусундага баҳо беришига ҳам кўмаклашди. Ориқ, хунук ва букир Мусунда гапни шундай ўхшатиб гапирардики, қизларни мафтун этар, энг тунд чолларни ҳам ўзи хоҳлаган нарсага инонтира олар эди. Ундан бирор жуда муҳим нарса ҳақида сўраб қолинса, ҳамиша нима деб жавоб беришни биларди. Ҳеч ким саволларга Мусунда сингари яхши жавоб беролмасди.

Одатда, шанба ёки якшанба кунлари бўлиб ўтадиган шундай суҳбатлар вақтида кўпчилик ёшлар клубда рақс тушишаркан, Шико одамнинг яшашдан мақсади,— тор шим, қимматбаҳо атир ва америкача кўйлақлардан иборат эмаслигини билиб олганди. Лекин кейинроқ, анча кейинроқ бориб, Мусунда Шико билан очиқчасига гаплашди. Бу суҳбат йиғитнинг кўзини жуда очиб қўйди. Ахир дунё

<sup>1</sup> Кафунданга — кимбунду тилида «ақлли» дегани.

рақат оқ танли, қора танли ҳамда мулатлардан<sup>1</sup> иборат бўлмай, балки бойлар билан қашшоқлардан ҳам иборат бўлиб, бойлар ҳаминша қашшоқларга душман, шунинг учун ҳам доимо уларнинг қашшоқлигича қолишини иштади-да.

Аввалига Шико бу гапларнинг маъзини чақолмай, қандай қилиб бунақа бўлиши мумкин, дея дўсти Мусундага ғитироз билдирмоқчи бўлди. Ахир бойлар камбағалларга иш берса, уларга пул тўласа, тиланчиларга хайр-эҳсон қилса! Борди-ю, бойлар бўлмаса, камбағаллар ишсиз қолган бўларди-ку!

Бу гапни эшитган тикувчи хахолаб кулди. Кейин, қашшоқлар қашшоқлигича қолиб, ўзгаларни бойитиш учун ишлайдиган бўлишига бойлар қандай муваффақ бўлишини бирма-бир тушунтириб берди. Агар бойлар бўлмаса, камбағаллар ҳам бўлмайди, дунёдаги ҳамма одам тенг бўлади.

Мусунда жилмайганча сўзини бундай тамомлади:

— Дўстим Шико, ахир сен ақллигимизсан-ку. Шунинг учун, бойлар бўлмаганида ҳамма одамлар фунжи<sup>2</sup> еган бўларди. Буни қарагинки, бировлар нонуштага улоқ гўшти еса, бировлар фунжи ҳам тополмайди!

Шундан кейин орадан бирмунча вақт ўтиб, клуб қошида полициянинг руҳсатисиз бошланғич мактаб очилгани учун «Ботафого» клубидан бир неча ўртоқлари қамалганида, Мусунда бир кун кечқурун Шикони учратиб қолиб, бундай деди:

— Ўртоқларимиз Манеко билан Зезиньо қамоқда ўтиришибди, қолган йигитлар клубга сен директор бўлишингни хоҳлашяпти. Бўлмаса, клубимиз барҳам топиб кетади. Шико ука, умидимиз сендан. Орамизда энг билимдон йигит ўзингсан!

<sup>1</sup> Мулат — оқ танли билан қора танлидан бунёда келган одам.

<sup>2</sup> Фунжи — манюка унидан пиширилган бўтқа.

Шико Кафунданга хурсандликдан нафаси оғзига тикиларди. Кўпдан бери ҳавас ўти қалбида ловуларди. Ҳртоқлари улкан фойда келтирадиган иш билан шуғулланаётганини, ўзи эса бир чеккада қолиб кетаётганини кўриб турарди. Уни копток тепишу, массембу ва меренгига рақс тушишдан нарига ўтмайдиган қилиб қўйишганди. Лекин бу гапларни у Мусундага айтмади. У кўзларини қисганча:

— Розиман,— дея жавоб берди холос.

Шу кундан бошлаб Шико учун янгича ҳаёт бошланади. У йигирма тўрт ёшни уриб қўйибди, жин урсин, қанча вақтни бекор ўтказиб юборибди-я! Энди у тунлари мойли лампа ёқиб, саноат билим юртида ўқийдиган бир йигитнинг ёрдами билан французча ва инглизча ўқишни ўргана бошлади. Кундузи бухгалтерияда ишлар, компанияда нимани ўрганиш мумкин бўлса, шуларнинг барини ўрганади. Эҳ, бир вақт келса-ю, машинкада қандай ёза олишини бошлиғига кўрсата олса эди! У ҳатто ишдан кейин қолиб ҳам машқ қиларди. Аммо кечалари рақс тушишни ҳам ташлаб қўймасди! Энди, у сўз бошласа, ҳамма берилиб тинглар, кўпгина оналар қизларига насиҳат қилишарди:

— Шикодан эҳтиёт бўл. Бу йигит хоҳлаган одамини қўлга олади!

Мана ҳозир у кўча бўйлаб бораркан, Петело бобо айтган гапни, кекса денгизчининг ўзига топширилган ишга садоқатини ўйларди. Кичкинтой Зитони ҳам ўйларди... Бир вақтлар Шиконинг ўзи ҳам худди шунақа эди... Бўладиган бола, шундоққина кўриниб турибди. Афсуски, ўқиёлмайди-да. Лекин бу масалани албатта ҳал қилиш керак. Кичкинтой Зито албатта мактабга қатнаши керак. Мана уларнинг клуби қошида анчагина ўқувчилар ўқирди, аммо бу мактабни полиция ёпиб қўйди... Давлатнинг мактабига кириб бўлармиди? Ўқиш учун ҳақ тўлаш керак, оёқ кийим керак, оқ халат керак, у керак, бу керак... Мусунда билан гаплашиб кўриш зарур. Зито ўқимай қолиши

мумкин эмас. Шундай серфикр болаки, асти қўяверасиз.

Майдонда эски афтобус йўловчиларни кутиб турарди. Шико унга чиқди-да, ўзининг энг яхши кўрган жойига, биринчи қатордаги дераза олдига ўтириш учун ошиқди. Шамолга юз тутиб ўтиришни хуш кўрарди. Бу йўлдан у кўп марталаб юрган.

Шамол денгиз томондан, Муссулу оролидан эсарди. Шалди роқ «интернационал»га одамлар деярли тўлгач, у орқасидан кўкиш тутун чиқариб жойидан қўзғалди.

Шико билет олгач, кекса Петело айтган нарсаларнинг ҳаммасини хотирлашга уриниб, яна ўйга толди: маҳбус — новча ва ориқ, ёш, машинаси эса чанг билан қопланган, зангори «шеврол» тонгда, Лишейра устида эндигина қуёш болққанда етиб келган. Машинанинг номери ҳам ёзиғлиқ, кейин бу қоғозни йиртиб ташлаш керак бўлади... Ким бўлди бу маҳбус?

Кекса Петело билан кичкинтой Зито кун бўйи муссекларни роса кезиб, суриштиришди-ю, лекин маҳбусни танийдиган одам топилмади. Зеко билан учрашиш керак бўлармикин, балки бу йигитни у танир. Борди-ю, билмаса, унда қўни-қўшниларида суриштириб кўради. Шу хаёллар дарёсига чўмган Шико шафақдаги нафосатни сезмади, қуёш сувга анвои ранг холлар ташлаб денгизга ботаётганини ҳам кўрмади. Қорайиб кўринаётган хурмо дарахтлари орасида худди қоғоздан ясалгандек Муссулу ороли кўринди. Сабриньо оролидан эса қумлоқ Коримба соҳилига томон қарши тўлқинларни ёриб балиқчиларнинг қайиқлари сузарди.

Контролёрнинг тўсатдан баланд овоз билан гапириб юбориши Шикони чўчитиб юборди. Бир африкалик, кўринишидан ишчига ўхшайди, Балеызана яқинидаги бекатдан автобусга чиқиб, орқа ўриндиққа ўтирган экан. Кондуктор унинг оёқ кийими ифлослигини айтиб, нималарнидир жав-

ради, у бечора бўлса қўлларини тиззалари орасига олиб, бурчакка қисниб-қимтиниб ўтирарди. Мана, дагдағали овоз эшитилди:

— Бундан кейин мулла бўласан! Қани бўшатиб қўйчи!

— Мен билетга пул тўлаб қўювдим-ку!

— Овозингни ўчир! Бунинг менга даҳли йўқ. Сенга айтяпман: бунақа исқирт автобусга илакишмаслиги керак!

Ишчи бошини эгганча, бошқаларнинг диққатини тортмасликка уриниб, секин жавоб берарди. Лекин барча йўловчилар унга қараб туришарди, кимдир контролёрдан йигитни дарҳол автобусдан тушириб юборишини талаб қилди.

— Мен ишга кетаётган эдим, борадиган жойим узоқ...

— Бўлди, овозингни ўчир! Бўлмаса, автобусдан учиб кетасан.

Шофёр ҳам ўзича алланарсалар деб гўнғиллади. Гишт терувчими, бўёқчими бўлса керак, кийимига оҳак теккан, эски кеди кийган бу ишчи оёқларини ўтиргич тагига яширишга уринарди. Аммо барибир контролёр уни автобусдан тушириб юборди. Икки сеньор бундан жуда мамнун бўлишди. Улар ҳадемай тузук одамлар шу негрларни деб автобусга чиқолмайдиган ҳам бўлиб қолишини айтишди. Фақат иккита йўловчи: йигитга тегмасангиз бўларди, у орқа ўриндиқда беозоргина ўтирувди-да, деб контролёрга дашном беришди.

Шико Жоан бундай «томоша»ларга тез-тез дуч келар, булар унга оддий нарсасдек туюлар эди. Аммо Мусунда билан гаплашганидан кейин бетараф томошабин сингари қараб тура олмайдиган бўлиб қолди. Шико шу заҳотиёқ ҳақоратланган ватандошини ҳимоя қилиб, дилозорнинг таъзирини бериб қўйгиси келиб қолди. Шу дақиқада Шико ўзини зўрға тутиб турарди — ноҳақ иш учун жуда ҳам қасос олгиси келарди.

Шико атрофга маънодор аланглаётган икки сеньорга қарамасликка ҳаракат қилиб, ўгирилиб олди ва қайтадан ўз хаёлларига берилмоқчи бўлди. У агар сўзга аралашса, иш албатта ёқалашига айланиб, полиция участкасига боришу, қурилишда бир неча ҳафта мажбурий хизмат қилиш билан тугашини биларди. Зотан полициянинг одил суди — бошқараётган ва буйруқ бераётган кишиларнинг одил суди эди-да. Шико билан ҳамюрти албатта қамоқхонага тушган бўларди. Ваҳоланки, кекса Петелонинг топширигини албатта бажариш керак. Бугун ўртага шахсий нарса аралашмаслиги даркор. Аммо жудаям алам қилади кишига! Мана шу контролёрнинг тумғушига туширса, қанчалар кўнгли таскин топарди-я.

Бирор кўнглисизлик юз бериб қолмасин учун Шико бориши лозим бўлган жойдан икки бекат берида тушиб қолишга аҳд қилди. У автобус зинасидан сакраб тушаётганида, сеньорлар контролёрга:

— Анавининг олдинга ўтиришига ким рухсат берди? Негрлар орқада ўтиришлари керак! — деган гапларини эшитиб қолди.

Аммо Франсиско Жоан уларга қайрилиб ҳам қарамади. У бораётган қумлоқ соҳилга тўлқинлар сурон билан бостириб келарди. Шер бухтаси, Кикаба, балки шимол сифаридан қайтаётган тўлқинлар улкан дарёнинг бўтана суви билан бирга Ангола қирғоқларининг хуш ҳидини ҳам ола келарди. Қуёш денгизга деярли ботган, қорайиб кўринаётган кокос хурمولари бир оз тўсиб турган шарқ осмони алвон рангда товланарди.

Қирғоқдаги балиқчилар кулбаси ғира-шира кўринарди. Товуқлар қа-қалаб, ўрдаклар га-галаб уйга қайтишарди. Аҳён-аҳён ҳовлида югуриб юрган чўчқа боласининг хурхури эшитилиб қоларди. Қумлоқ соҳилда хурмо барглари соя ташлаб турган сетлар мудрар, канозлар чалқанча ётиб, сокин мафумейра дарахтлари остига қилинадиган олис са-

фардан дам оларди. Яланғоч болалар илиқ сувда жажжи кучук болаңи чўмилтиришар ва синган қайиқ парчаларини ўйнашарди. Аёллар темир ўчоқлардаги оловни елпиб, балиқ қовуришар ёки қозонларда ловия қайнатишарди. Кекса балиқчилар эшик олдида трубка чекиб, бир-бири билан гаплашиб ўтиришарди. Қизлар оғзига келган гапларни айтишиб, қиқирлашарди. Учоқлардан чиққан тутун ва турлитуман товушлар денгиз соҳилидаги санзала осмонига кўтариларди.

Шико асфальтланган катта кўчани кесиб ўтгач, жарликка тушиб, уйи олдида балиқ қовураётган аёл олдида секингина борди. У қанчалик авайламасин, оёғи остидаги қум гижирлаб кетди. Тўладан келган очиқ чеҳрали аёл орқасига қараб Шикони кўргач, жилмайиб уни бағрига олди.

— Айюэ, Шико, бунча қадрингни ўтқаздинг! Не замонлардан бери келмайсан! Онанг яхши юрибдими?

— Яхши, Сеса хола!

— Ўзинг қалайсан, Шико?

— Кўриб турибсиз, михдайман! Мигел шу ердами?

Сеса хола эшик томонга ўгирилиб, чақирди:

— Бебиана! Ҳо Бебиана!

— Ия, Бебиана ҳам шу ердами? Мен уни яна бирор сеньоранинг уйида чеварлик қилаётгандир деб ўйлабман.

— Йўқ, жоним, бу ҳафта уйимизда қолди. Мигел бўлса, балиқ овига бораман деётганди, лекин... Шу Мигелнинг сўзларига ишонмайман. Қайиқчи чолнинг ишёқмас ўғли соу Фернандо билан ўйнагани унинг дўконига кетган кўринади.

Эшикда Бебиана кўринди. Енгил кўйлак кийган, яланг оёқ қиз сонини хиёл диркиллашиб турарди. Шико шунақанги қувлик билан жилмайдики, Сеса хола кулиб юборди:

— Ҳа, айёр!

Бебиана Шико билан ҳадиксираб саломлашди. У қизга



мулозамат билан жавоб берди. Лекин уларнинг салом-алигини Сеса хола бўлиб қўйди:

— Менга қара, Шико, бугун кечки овқатни бизникида қила қол. Мигел ҳозир соу Висентеникида бўлади, бор Бебиана, уни қақриб кел!

Лекин Шико ҳам қиз билан бирга кетди. Бебиана қумлоқ соҳилда кўзлари билан ер чизиб, сўзсиз борар, Шико эса ҳануз қиз кулбасидан чиққан заҳотиёқ чеҳрасида пайдо бўлган ўша табассум билан боқарди.

— Энди ҳеч келмайдиган бўлиб кетдинг-а, Шико...

— Йўқ, Бебиана, унақа дема. Узинг биласан-ку...

— Ҳа, биламан. Дугоналарим сени фақат Карлота билан рақс тушадиган бўлиб кетган дейишяпти.

— Бўлмаган гап. Менга сендан бўлак ҳеч ким ёқмаслигини биласан-ку.

— Ёлгончи!

Шико қизнинг кўнглини эритиш мақсадида жиддий, ҳатто сирли қиёфага кириб:

— Биласан-ку, Бебиана, ҳозирда ҳаётим сира ҳам аввалгидек эмас. Кечаларга ҳечам бораётганим йўқ. Иш билан бандман. Модомики сени севаман деган эканман, гапнинг рости шу!— деди.

— Вой, Шико-эй! Ахир сени Карлота билан ҳатто Жона билан ҳамма кўрган бўлса, қандай қилиб гапларингга ишонай?!

— Қўйсанг-чи шу гапларни! Гийбатчи одамларнинг гапи! Агар менга ишонмасанг, аканг Мигелдан сўра. У билади, Беби, билади.

Шико шу сўзларни қизнинг қўлидан ушлаб, ёниб айтди. Улар шу кўйи соу Висентенинг кулбасигача боришди. Эшик олдидаги қоқ ерда Мигел кўр чол билан гаплашиб ўтирарди.

— Жаҳонда бор экансану, Шико ошнам! Мана ҳозир ҳам Висенте бобо билан сен тўғрингда гаплашиб ўтирган-

дик. Сени ўзгариб кетган десам, бобом ҳечам ишонгиси келмай турувди. Бу гап-сўз Самбагача етиб келган бўлса ҳам, Шикони кечалардан бездириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, у рақс тушмаса туролмайди, деяпти.

— Ҳақ гап, Висенте бобо, зигирча ёлғони йўқ! Мен ҳозир асл иш билан бандман. Рости шу! Ақл-ҳушимни йиғиб олганимни одамларга исботлаш учун, ҳадемай Бе-бианага уйланаман!

Шико қўлларида сиқиб турган қўлини қиз дарров тортиб олди-да, аразлаб деди:

— Шунақами ҳали! Таъбим хоҳлади — бўлди, уйлана-вераман, деб ўйлайсан шекилли? Мендан сўраб кўрдингми? Мен билан гаплашиб кўрдингми? Ёки мени ҳам рақс пайтида илинтириб, кечани бирга ўтказадиган қизларингдан деб ўйлаяпсанми? Йўқ! Тошингни тер! — Қиз ҳақоратланган қиёфада қумлоқ қирғоқ бўйлаб жўнади.

Шико Кафунданга билан Мигел қотиб-қотиб кулишди, Висенте бобо эса, кўр кўзларини денгиз қоронғусига тиканича, андиша билан гапирди:

— Мана, Шико иним, экканингни ўрасан! Сиз, бола-лар қизларни ўтмас мато деб ўйлайсизми? Ана кўриб қўйинглар!

Иккала ошна кула-кула, Висенте бобо билан хайрлашиб, Сеса холанинг уйига жўнашди.

— Энди, дўстим, нима воқеа рўй берганини гапир.

— Менга қара, Мигел, янгилик бор! Бугун чошгоҳда менга яна маҳбус олиб келишганини айтишди. Мен дарҳол, имкон топишим биланоқ, шуни сенга хабар қилгани келдим.

— Унинг исмини биласанми?

— Йўқ. Ҳеч ким билмайди.

— Кўриниши қанақа экан?

— Уни кўрган одам барча аломатларини айтиб берди.

Ҳатто машинанинг келган соати, номери, ранги ва бошқа

нарсалярни ҳам айтишди. Уйда ҳаммасини айтиб бераман.

Қирғоқдаги ҳаракатсиз қайиқлар орасида, икки дўст оёғи остидан қочиб, қисқичбақалар шитирлашарди. Сеса хола қовураётган зирали балиқ ҳиди Шико билан Мингелни тезроқ одимлашга мажбур этди.

## V

Камера эшиги тақиллаганда, Домингуш нима гаплагини дарҳол пайқай олмади. У қаттиқ ухлаб ётгани учун тақиллаётган товуш узоқ-узоқлардан эшитилаётгандек туюлди.

Домингуш ҳамон ерга қараб ётганча, қимирламади ҳам. Лекин узлуксиз тақилайвериш уни ўгирилиб, кўзини очишга мажбур этди. У аста-секин ўзига кела бошлади. Аммо хиёл қимирласа ҳам, сирқираётган вужудида чидаб бўлмас оғриқ турарди.

У қийнала-қийнала, бир амаллаб чўккалаб олди-да, кейин зўрга ўрнидан турди. Эти жунжикиб, гавдасида мингминг чумоли юргандек бўлди. Ўгирилиб у камера эшиги дарчасига тиралиб турган, қоп-қора ажин босган башаранинг синовчан икки кўзини кўрди.

— Нонушта,— деган овоз эшитилди эшик орқасидан.

Домингуш алюмин кружка тутган қўлни кўрди. Унда нимадир буғ чиқарарди.

Домингуш кружкага қўл чўзган эди, бирдан умуртқа поғонаси зирқираб кетиб, ўзини йиқилишдан зўрга тутиб қолди. Ниҳоят у зўр машаққат билан кружкани ва кичкина бўлак нонни олди. Дарча тарақлаб ёпилиб, тамба шарақлагач, Домингуш яна ёлғиз қолди.

Уйқудан у бир оз енгил тортди. Кўзлари ҳамон оғрир, аммо юзидаги шишлар камайган эди. У қаддини ростлади. Увишиб қолган қўл ва оёқлари қаттиқ жимирларди. У терисини қаттиқ қаший бошлади. Қалампир суртилган қам-

чиндан тилка бўлиб кетган елкасига кўйлагга тегиб кетса ловилларди...

Домингуш кружкани ва нонни тош супачага қўйди. Бош томонида пақир турарди. Деворларда тирнаб ёзилган номлар кўринмади, бурчакларга ўргимчаклар уя қўймаганди, камера янги эди Аммо пақирдан кўнгилни айнитадиган қўланса ҳид келарди. Шундай бўлса ҳам Домингушнинг овқатга иштаҳаси карнай эди. У бутун аъзои-баданида оғриқ сезганча, бир илож қилиб ерга ўтирди. Кўз ёшлари юзидан шашқатор оқиб тушди. У додлаб юборишдан ўзини зўр-базўр тийиб турарди.

Кружкани лабига тегизаркан, унинг ичидаги суюқликда сузиб юрган кичик бир хатни кўриб қолди. Унинг юраги уриб кетди. Наридеҳда, қамоқхона деворлари орқасидаги дарахт шохларида қушлар сайради, булутсиз осмондан қуёш жиламайиб боқди.

У шишиб кетган бармоқларининг мажоли келганча тезлик билан қаламда ёзилган кичкина хатни очиб ўқиди: «Дадил бўл, ўртоқ. Ҳеч нарса айтма. Сен ҳеч нарсани билмайсан. Дадил бўл. Тимотеу».

Енгинангда дўстларинг борлигини билиш қандай яхши-я! Дўстона қўл ҳароратини сезиш қанчалик яхши. Энди Домингуш билдики, кураша олади, у ўз бурчини охиригача адо этиб, ўртоқларига хиёнат қилмаслигини, она юртга хиёнат қилмаслигини сизди!

Лекин ёзув бу ерга қандай қилиб келиб қолди? Узини кеча олиб келишган бўлса-ю, бугуноқ хат олса. Йўқ, бу ерда бир гап борга ўхшайди. Бу полициянинг тузоғи бўлса керак, Домингуш. Улар пойлашяпти, улар қулф тирқишидан мўралаб туришибди. Эҳтиёт бўл, Домингуш. Овқатни ким олиб келди экан? Хатни у қандай бера олди экан? Полиция ҳамма нарсани билади, Домингуш, сени гапиришга мажбур қиладиган чораларининг ҳаммасини билади. Яхши-си хат тўғрисида ўйламаслик, уни ҳозироқ йўқ қилиб юбо-

риш керак. Қандай қилиб? Гугуртинг бўлмаса, пақир бўш бўлса. Бу ёғи қандай бўлди? Борди-ю, хатни чиндан ҳам дўстлар берган бўлса, ёнингдан уни топиб олишса, унда ҳаммага азоб беришади...

Домингуш қалтираётган қўллари билан хатни майда-майда қилди-да, ноннинг орасига суқиб, тез-тез чайнардан, устидан ҳали совимаган қаҳвадан ҳўлади. Баданига иссиқ югуриб, ошқозони ва кўкраги илиди. Бош оғриғи ҳам пасайиб, у бошидан кечирган барча азоб-уқубатлар жилла ҳам даҳшатли эмасдек туюлди. Улиш у ўйлаганидан осонроқ кўринди.

Аммо нариёқда, қамоқ деворлари ташқарисида кўм-кўк дарахтлар тепасида қуёш нур сочяпти, биродарларинг сен билан бирга, Домингуш!

Дўстларинг сен қамоқда эканингни билишади ва сенга ишонишади. Улар сенга далда бериб, хат киритишди. Сен ўз бурчингни бажаришинг керак, Домингуш!

Ишонинг, оғайнилар, бурчимни бажараман! Кеча бажарганимдек бажараман. Мени азоблашди, уришди, те-пишди, таёқ билан савалашди... Бунга чидаш осон деб ўй-лайсизми? Ўзимизни ураётган биродарларимизни кўриш-чи! Оҳ, бу сипоҳилар, Жоан ва Мандонбе... Бунақаларга кўп дуч келганман. Оқ танлилар уларга иш бериб, ҳақ тў-лашади, эгнига мундир кийдиришади. Шундан кейин улар ҳаёни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ўзлари ҳоким экан-ликларига — буйруқ бера олишлари, ўз ҳамюртларидан по-ра олишлари, солиқ тўлашга ҳеч вақоси йўқ қашшоқлар-нинг таъзирини беришлари мумкинлигига ишона бошлай-дилар. Уларнинг кўпи анави Мандонбедан ҳам баттар.

Аммо, оға-инилар, мен бир оғиз гап айтмадим, қалбим мустаҳкам туриб берди. Халқимнинг сирларини айтмадим. Оға-инилар, қалампир суртилган қамчининг зарбларига дош бериш жуда мушкул. Аммо мен ҳаммасига чидашим керак эди, биродарлар. Мен сизларни сипоҳилар ҳужжат-

сиз тутиб олганида азобга солинишингизни, шартнома бўйича ишлаётиб ҳам азоб чекаётганингизни ўйладим, ҳамма нарсани ўйладим, оға-инилар...

Қамоқ уларга қараганда ҳеч гап эмас. Ҳеч гап! Кеча мени тутиб олишгандан сўнг, чамбарчас қилиб боғлаб ташлашди. Бу одамлар ўз исми мни, фамилия мни, касб-коримни айтишга мажбур этишди. Кейин битта паканаси, унинг исми нималигини билмайман, мени урган ўша эди, бир хонага судраб кириб, ерга ўтиргизди. У ер қоп-қоронғи бўлиб, ҳамма ёғим зирқирар, назаримда, бу даҳшатли оғриқдан ўлиб қоладиганга ўхшардим. Ундан кейин нима бўлди денг, оға-инилар? Ҳар бир оғиз сўздан кейин орқамга туширишди. «Бернардо Соуза қаерда?» — «Билмайман», — «Ур аблаҳни! Соуза қаерда?» — «Билмайман». — «Ур аблаҳни!» ҳадеб шу такрорланаверди, оғи-инилар. Ёлкам дабдала бўлди, хонанинг ҳамма ёғига қон сачради. Улар Союзанинг оқ танли дўсти ким эканлигини билишмоқчи эди. Тимотеуни сўрашди, мен ҳеч нарсани яширмай ҳаммасини гапириб беришим кераклигини, муғомбирликдан фойда чиқмаслигини айтишди. Кўзойнакли, ориқ бошлиқ бир нарсалар деб гапираркан, ҳар гал одамлари менинг юзимга уришарди. Шунақанги уришдики, мен ҳушимдан кетдим

Кейин устимдан пақирда совуқ сув қуйиб, ҳушимга келтиришарди-да, яна уришарди.

Аммо мен ҳеч нарса айтмадим! Домингуш ўз биродарларига сотқинлик қилмади. Ниҳоят мен қаердалигимни, менга нима бўлганини англай олмай қолдим. Қўл-оёғимни ечиб, роса тепкилашди. Бошқа ҳеч нарса эсимда йўқ, оға-инилар. Улар фақат бир нарсани — мен билмаган нарсаларни, мен айтишни хоҳламаган нарсаларни айтиб беришимни иташарди.

Улар: «Уша оқ танли ким?» — деб суриштиргандан-суриштира беришди. Ким ўша оқ танли? дейишди. Кейин

аллақандай ёлқин кўзларимни қамаштирди, юзларимни куйдирди. Аммо мен ҳеч нарса айтмадим, оға-инилар. Тимотеу, биродар, ишонавер, мен ўзимни мардона тутдим!

Домингуш бир амаллаб ерга энгашди-да, ётиб олди. Қуёш тик кўтарилган, дарахт барглари шитирлар, олисдан ўғил болаларнинг қувноқ овози келарди. Камерада сукунат ҳукмрон эди. Вақт секин ўтарди. Унинг оёқларида, қўлларида ва дабдала қилинган бутун гавдасида қақшатувчи оғриқ босилмасди.

Эшик тамбаси тўсатдан шиқирлаб, қулф тешигиға калит солинди-ю, катта очилган эшикдан ёруғ нур кириб, Домингушни чўчитиб юборди. Бир неча лаҳза давомида кўз олдида аллақандай қора доғ тургандек бўлди. Лекин аста-секин кўзлари ёруққа кўникиб, қаршисида ориқ, хумкалла полиция бошлиғини кўриб қўрқиб кетди. Соч-соқоли янгигина қирилган бошлиқ нозик банди кўзойнаги орқали Домингушга тиржайганча қараб турарди.

— Салом, яхши ухлаб турдингми? Қани, кетдик, ошна. Сени бу ердан олиб кетай.

Домингуш бошлиқ овозидаги майинликни кўриб, ҳайрон қолди-ю, қийналиб ўрнидан турди. Ахир унинг шу кеча қилган йиртқичликлари, вой-бўй...

Домингуш ўрнидан турди. Бир амаллаб коридорга чиқди-ю, шу заҳоти деворга суялиб қолди. Қуёшнинг қамоқхона деворларида акс этаётган ёрқин нури кўзларини қатиқ қамаштирди. Домингуш майиб қўллари билан кўзини беркитди. Сипоҳи уни авайлаб қўлтиқлаганча нарига олиб кетди. Хона ичи — ким билади, бу ўша хонами ёки бошқами, ювилган ва саришта эди.

— Ия, сенга ёруғлик тўғри келмаяптими? — Бошлиқ дераза эшигини тез ёпди ва эшик олдиға бориб бақирди: — Перейра да Гунья!

Бу овозни эшитиб, баланд бўйли, қотма, фирт чўтир полициячи дарҳол етиб келди.

— Қани эшитайлик-чи, у бугун нима деркин. Машинокани олиб кел.

Полициячи чиқиб кетгач, бошлиқ ўтириб, Домингушга яна хушмуомалалик билан гапирди:

— Қўрқма, сенга ҳеч ким ёмонликни раво кўрмайди. Сен бир неча саволларга жавоб берасану, қоғозга қўл қўясан, вассалом. Хат ёзишни биласан-ку, тўғрими? Шундан кейиноқ бўшатиб юборамиз. Дарвоза олдида хотининг кутиб турибди.

Полициячининг мулойим куйдирги сўзлари орқасида нималар яширинганини билмоқчи бўлиб, Домингуш муштарини қисди. Мариянинг бу ерда, шаҳарда бўлиши ақлга сирмасди. Узини бугун эрталаб олиб келишган бўлса, хотини буни қаердан била қолади?

Қотма, чўтир полициячи ёзув машинкасини олиб келди. Унинг орқасидан сипоҳи кичкина стол кўтариб кирди. Ҳамма нарса таппа-тахт қилинган, полициячи машинка олдига ўтириб, ҳаво ранг қоғозга бир нималарни боса бошлади.

Бошлиқ ўрнидан туриб, Домингуш ёнига келди-да, сўзларини иложи борича самимий чиқишига уриниб, шошмай, дона-дона қилиб сўзлай бошлади:

— Ҳеч ким сенга ёмонликни раво кўрмайди. Бир неча саволга жавоб берасан, вассалом. Сен бизни ҳеч нарса билмайди деб ўйлайсанми? Йўқ, полицияга ҳаммаси аён, шунинг учун муғомбирликни йиғиштир. Биз биламиз: Сен асл йигитсан, яхши ишчисан. Хўжайинларинг сени пойлаб ўтиришибди. Ҳозир биз уларга қўнғироқ қилиб, сени бўшатиб юборганимизни хабар қиламиз. Қолган гапларнинг бари сенга боғлиқ. Тушундингми?

Домингуш маъқуллаб бош силкиди, бошлиқ ўтириб, қоғоз кесадиган пичоқни ўйнай бошлади.

— Энди айтгин-чи, Бернардо Союзани танийсанми?

— Танимайман.



— Мановини қара, бошладаноқ чатоқ қиялпсан, йигит, жуда чатоқ. Ҳамма айтяптики, сен уни таниркансан. Дўстинг Тимотеуни биласанми, қандай одам?

— Билмайман.

— Дўстинг Фернадони-чи?

— Айтяпман-ку: билмайман!

— Бу гапларинг жонимга тегди. Ҳамма гап бизга равшан, шундай бўлгандан кейин айтиб берганинг маъқул-да. Сен Бернардо Соузани жуда яхши танийсан. Унга топшириқлар бериб турадиган оқ танли ким эканини ҳам биласан.

Домингуш бошлиқ гапни қай томонга бураётганини билишга ҳаракат қилиб ҳушёр тортди, аммо жавобга оғиз очмади.

— Жавоб бер!— унинг орқасида ўтирган полициячи бақирди.

— Секин, Перейра да Гунья. У гапиради. У чарчаган, қўрққан, ҳозир ҳаммасини ёдига тушириб олади. Ҳой, сипоҳи!— деб бақирди бошлиқ эшикни очиб. Тозаланган этигини гарчиллатиб хонага сипоҳи чопиб кирди.

— Эшитаман, жаноб бошлиқ!

— Бир шиша қора пиво билан ветчиналик иккита бутерброд олиб кел. Сеньор Оливейрадан пул ол.

Сипоҳи буйруқни бажариш учун эшикка отилди. Бошлиқ Домингуш олдига бориб, бошини ирғай-ирғай:

— Нобоп иш тутяпсан, йигит, жудаям нобоп. Мен уйингга, оиланг бағрига қайтиб кетишингга имкон туғдириб беряпман-ку. Уша оқ танли ким?

— Ҳеч қандай оқ танлини танимайман.

— Менга қара, Домингуш, Фернандо ҳаммасига иқрор бўлди-ку.

— Ҳеч қанақа Фернадони танимайман.

Бошлиқ хахолаганча коридорга чиқди. Машинка олдига ўтирган новча полициячи пўнғиллади:

— Хушингни бошинга йиғ, йигит, бугун бошлиқнинг кайфи чоғ. Бошқа пайт бўлганда, сени бўрсиқнинг бола-сидек саваган бўларди. Эшитдингми, негр?

Домингуш нафрат тўла бу товушдан қалтираб кетди. Манглайига совуқ тер чиқди. Кеча кечаси уни савалаган худди шу чўтир полициячи эканини эслади.

Бошлиқ бир неча дақиқадан кейин паст бўйли, чорпахил йигитни бошлаб қайтиб келди. Домингуш унга назар ташлади-ю, Соуза айтган, полицияда ишлайдиган отбой-шикни дарров таниди. Силлиқ дазмолланган кўйлак кийган хирс-мирсдек бу йигитнинг вазоҳаётлик азобланган Домингушни масхара қилаётгандек туюлди.

— Хўш, буни танийсанми?

— Таниганда қандоқ, жаноб бошлиқ. Уша оқ танли билан шу таниш. Санзалада ҳамма шундай дейди. Соузани ҳам шу билади.

— Мана, кўрдингми! Мен сенинг ҳожатингни чиқармоқчиман, йигит... Уша оқ танли ким?

Домингуш индамади. У Фернандога ўқрайиб тикилди, холос. Отбойшик бу қарашга дош беролмади, кўзларини ерга қадади. Домингуш ерга, нақ унинг оёғи остига тупурди. Бошлиқнинг юзи буришди, полициячи бўлса сакраб ўрнидан туриб кетди...

— Ўзингизни босинг, Перейра да Гунья.

Бошлиқ Домингушдан нарироқ кетаркан, қоғоз кесадиган пичоқни ўйнаганча стулга ўтирди-да, сўради:

— Ҳар қалай ўша оқ танли кимлигини билмайсанми? Кўзингни оч, йигит, ўйлаб кўр. Хотининг кутиб ўтирибди-ю, сен гапирмай тихирлик қиляпсан.

Хонага пиво билан бутерброд кўтариб сипоҳи кирди-да, қўлидаги нарсаларни столга қўйди. Бошлиқ нозик бандли кўзойнагини қўлига олиб, ойнасини авайлаб арди-да, Фернандони кўрсатиб, буюрди:

— Сипоҳи, буни камерага олиб бориб ташла. Мана бунинг ҳовлида кутаётган хотинига: тўрт томонинг қибла, жўнаб қол, эринг қамоқда чириб кетади, деб айт.

Домингуш эшикдан ҳовлига отилиб чиқиб, ҳаёт эканлиги ҳақида, ҳатто ўлдирганлари тақдирда ҳам ҳеч нарса айтмаслиги кераклигини Марияга бақирмоқчи бўлди-ю, лекин сипоҳининг юзидаги иккиланишни кўриб, бу бошлиқнинг ҳийласи эканлигини фаҳмлаб қолди-да, жилмайди. Фернандо кўзини ерга тикканча сипоҳининг орқасидан жўнади. Бошлиқнинг Домингушга айтаётган сўзларини эшитиб, эшик олдида у бир нафас тўхтаб қолди:

— Еб-ичиб ол, йигит. Стаканни қўлингга ол. Буни мен ичаман.

Бошлиқ секин шишани қўлига олиб, аввал бир стаканга, кейин иккинчисига пиво қўйди. Оппоқ кўпик стакан четидан тошиб кетди. Домингуш аввалига секин-секин, кейин эса тез-тез чайнаб овқатланди. Миясида фикрлар чалқашиб кетди. Мария ростдан ҳам уни қамоқхона эшиги олдида кутаётган бўлса-я? Йўқ, бўлиши мумкин эмас.

Домингуш қандай қилиб ерга учиб кетганини сезмай қолди. Бошлиқнинг ишораси билан тушган қаттиқ мушт уни биринчи ҳўпламни ичиши биланоқ ағдарган эди. Стакан синиқлари лабларини кесиб кетди. Пиво кўзларига жириб, бир лаҳза кўр қилиб қўйди. Калтакдан қутулиш мақсадида у жон ҳолатда ерда тўлғанарди. Чўтир полициячи урарди. Ҳар мушт орасида Домингуш полициячининг оғир ҳансирашини ва бошлиқнинг чинқироқ, аламли товушини эшитарди, холос:

— Ярамас! Мендан пиво билан бутербродни тортиб олмоқчи бўлдингми? Боғлаб ташланг! Боғланг! Гапиришни хоҳламадими — энди гапиради! Сипоҳи!

Қўрқиб кетган сипоҳи отилиб кирди-да, бошлиқ олдида ғоз турди. Полициячи ҳансирар, ҳамма ёғи қонга беланган Домингуш ерда тўлғаниб инграрди.

— Камерага олиб бориб ташла. Гапирмагунча овқат ҳам, сув ҳам берилмасин. Эшитдингми?

Сипоҳи Домингушни қўлтигидан олиб, йўлак орқали ҳовлига судраб кетди. У қонга беланган гавдани ерга ташлаб, калитни олиб кетгани бошлиқ олдига югуриб келди.

Домингуш елкаси ва қорнининг зирқираб оғришидан инграб, тўлғанарди. У кўзни қамаштирувчи қуёш нурига тоб беролмай кўзларини юмди. Шундай бўлса ҳам у кулранг булутлар фонида муссекдаги болаларнинг энг яхши кўрган ўйинини — латта думли варракларни кўриб олганди. У жилмайиб қўйди. У ерда, қамоқхона деворларидан ташқарида ҳаёт давом этмоқда. У ўз халқига хиёнат қилмади. Шу ўй билан у яна ҳушидан кетди. Сипоҳи калитларни олиб келди-да, дабдала қилинган маҳбусни камерага судраб кирди.

Эшик ёпилганда Домингушнинг шишиб кетган кўзларидан қувонч ёшлари оқарди. У яна чидаш берди. Унинг ёрилиб, қон оқаётган лаблари совуқ цемент полга тегди... Яна худди тушдагидек, уни оғриқдан ва камерадаги кўнгила айнитувчи ҳиддан чалғитиб муссеклардаги болаларнинг энг яхши кўрган ўйини — варраклар кўринди.

Домингуш ёшлигида, Кванза дарёсининг қирғоқларида, жаноб инженернинг ўғли Антониньо билан ким ўзарга учираётгандагидек варраклар мовий осмонда баландлаб кетганди. Инженернинг ўғли отаси Луандадан олиб келадиган хитой қоғоздан шундай чиройли пуфаклар ясардики... Бечорани қаранг, пуфаги учсин деб Минго деган бола ифлос латтадан дум ясаб беришини ялиниб сўрарди. Антониньо бахтли бола эди. Аммо Домингуш кўп нарса ясашни билмасди, шунчаки осон нарсаларни ясарди: думлик пуфак ясардики, унинг зиғирча ҳам бужмайган жойи бўлмасди. Бунақа пуфакни ҳеч ким, ҳеч қачон кўрмаган эди. Ҳеч қачон!

## VI

Шу куни дўстлари ухлаб ётишганда Мария кулба ўшиклари олдида кутиб олган кун унинг хотирасида узоқ сақланиб қолди. Мовий осмонда бир парча ҳам булут кўринмас, эрталабданоқ шаҳарда димиқтирувчи жазирама ҳукмрон эди. Сал-пал ором берувчи денгиз салқини ҳам сезилмасди.

Йўл ёқасидаги акациялар оч қизил гулга бурканганча турарди. Қўйи шаҳарга олиб тушадиган ҳалиги тош ётқизилмаган кўчада деярли ҳеч ким кўринмасди. Фақат Лишейра ва Кука<sup>1</sup> томонидан илк саҳарда иш бошлайдиган кишилар келишарди.

Самбизанга маҳалласида эса аёллар қаҳва ва колбасали нонни иситиш учун темир ўчоқларга ўт ёқишаркан, жудаям чувиллашиб юборишганди. Бу таомлар шундоққина йўл ёқасида сотила берарди.

Соу Кардозо ишига отланаётганда Мария Тэтенинг нонушта тайёрлашига кўмаклашди ва бориб сув олиб келди. Кейин Тэтенинг эри ишига жўнаб, ўғиллари ўртоқлари билан ўйнагани қочиб қолишганда Мария Себастьянга овқат едирди-да, Домингуш ҳақида суриштириб келгани участкага отланди.

У аллақандай ғалати хотиржамликка берилганди. Балки эски дўстлари билан учрашгани ва ажойиб серқуёш кун унга таскин бердим. Аммо унинг кўнглида Домингуш соғсаломат, тезда у билан дийдор кўришаман ва биргаликда автобусга ўтириб, уйга қайтиб кетамиз деган ишонч ортиб борарди.

Тэте қўшинининг боласига ўғилларимдан бирини қақириб келгин, деб ёлборди. У кўчанинг нариги бетидagi жарликда ўйнаётган бўлса керак, ўғли чопқиллаб келганида Тэте аввал уни қарғади, кейин:

<sup>1</sup> Кука — муссеклардан бирининг номи.

— Жоазиньо, дон Маријани бошлаб боргин-да, муссеклар полициясининг участкаси қаердалигини кўрсатиб қўй,— деди.

Мария болага мулойим жилмайди-да, Себастьянни қараб туриш учун дугонасига ташлаб, йўлга тушди.

Соат ўнларга бориб қолган эди. Қуёш аямай куйдирарди. Жоазиньо шиша синиқлари ва тиканлардан авайлаб сакраб ўтар, иссиқ қумга эса унинг яланг оёқлари аллақачон кўникиб кетганди. Мулембаларнинг шохлари қимирламас, барглари қилт этмас, варрак кўтарган болалар эса шамол эсишини кутиб бекорга овора бўлишарди.

Мария муссекларни кесиб ўтган зовур ёқалаб бораркан, бу ерда одамлар жуда сиқилиб яшашини ўйларди. Бир-бирига мингашиб кетган кичик уйларга бир неча оила жо бўлган эди. Қоринлари шишиб кетган яланғоч, мишиқи болалар қум ковлашар, ёки катта кўзларини бир нуқтага тикканча қимирламай ўтиришарди. Тэтенинг ўғилчаси кўчанинг нариги томонида баобаб олдидаги уйни қўли билан кўрсатганида, Мария унга:

— Энди-чи, тўппа-тўғри уйга бор, ўғлим. Ойнинг пойлаб ўтирибди,— деди.

Жоазиньо бош силкди-да, зинғиллади, зум ўтмай муссекларнинг кулбалари орасига кириб ғойиб бўлди.

Ёлғиз қолган Мария чўчинқираб турарди. У бола билан келаётганида бошқа одамларнинг ҳаётини кўздан кечириш билан овора бўлиб, ўзининг қиладиган иши ҳақида ўйламаган эди. Энди фақат бир неча қадам ташлаб, кўчани кесиб ўтса бас, у муссекларнинг полиция участкаси олдида бўларди... Мария бинога яқинлашаркан, бирдан қўрқинч сездди. Борди-ю, оқ форма кийган бирор амалдор унинг умидларини сўндирса нима бўлади?

Участканинг олди лиқ тўла одам эди. Улар узундан-узоқ сафга тизилиб, сабр-тоқат билан навбат кутишарди:

Баъзилар пропуск сўраб олиши, баъзилар солиқ тўлаши, баъзиларни суриштирмай ушлаб кетганлари учун ким эканини кўрсатувчи ҳужжатлар кўрсатиш керак эди. Мария кўнгли чопмай бораркан, елкасидан тер қуярди.

Ҳарорат тобора ортар, сап-сарик қуёш булутсиз осмонда ҳануз порлаб турарди. У уйни айланиб ўтиб, ҳовлига кирди. Ҳовлида аёллар гуш эди. Ҳатто қуйи шаҳарда оқ танлиларнинг уйида хизмат қиладиган кир ювувчилар ҳам полицияга тез-тез тушиб туришарди. Мария турнақатор тизилиб турган одамларга, беҳисоб эшик ва деразаларга аланглаганча, қаёққа боришини билмай баобаб соясида туриб қолди. Пиллапояларда, буганвиллий соясида жазирама ҳолдан тойдирган сипоҳилар чўзилиб ётишарди.

Шаҳарча кийинган аллақандай бир жувон бола эми-зарди. Мария унинг олдига борди.

— Жаноб маъмур билан қандоқ гаплашсам бўларкин-а?

Жувон унга ҳадиксираб қаради. Мариянинг санзаладаги аёллар сингари кийинганини кўргач, қаршидаги уйни кўрсатди.

— Ҳув ана. Аммо у билан гаплашмоқчи бўлсанг, роса пойлайсан ҳали. Луандадан эмасмисан?

Мария бош ирғиб тасдиқлади.

Баобабнинг янги чиқарган баргларида ёмғирдан дарак бериб пируллалар сайраб юборган эди, Мария беихтиёр осмонга қаради. Осмон кўк-кўк — бундай мусаффо осмонни у анчадан буён кўрмаганди. На булут, на «қилт» этган шамол бор, чарақлаган қуёшу, димиқтирувчи жазира ҳукмрон эди. Мариянинг аъзон-баданидан тер қуйилар, пируллалар бўлса тинимсиз сайрашарди, ҳужжат олиш учун турнақатор бўлиб навбатда турган одамлар устида эса хира пашшалар галаси ғувилларди.

Маъмурият биносига кираверишда сипоҳи ўтирар, очиқ дераза орқали Марияга ичкарида оқ мундирли одамлар

кўринди. Улар қалин дафтарларга алланарсаларни ёзишар ва машинкаларни чиқиллатишарди.

Биров салом берганини эшитиб, сипоҳи бошини кўтарди.

— Жаноб маъмурда гапим бор эди.

— Жаноб маъмур йўқлар. Борди-ю, келсалар ҳам сен билан гаплашиб ўтирмайдилар!

Мария бошидан чипор рўмолини олди-да, ҳансираб елпина бошлади. Вақт чошгоҳга яқинлашган сари жазирама тоқатни тоқ қиладиган даражага етмоқда эди. Туллаган бир ит тилини осилтирганича чопиб ўтди. Сипоҳи яна мудрай бошлаган эди, Мария тагин гап қотганидан чўчиб тушди.

— Агар у киши бўлмасалар, ким билан гаплашсам бўларкин?

— Чақириб бер десанг, жаноб котибни чақириб берман.

— Айюэ, барака топинг! Катта раҳмат! Жудаям зарур гапим бор эди-да.

Сипоҳи эриниб ўрнидан турди-да, калта шимини тўғрилаб ичкарига кириб кетди. Кутаверишга кўникиб қолган Мария цемент зинага ўтирди. Ҳовлининг нариги томонида навбатга турган одамлар сафи чўзилгандан чўзилиб борарди. Янгидан-янги ҳожатмандлар келишар, енгил ва юк машиналари эса маҳбусларни дам-бадам ташиб келарди.

Сезилар-сезилмас шамол туриб, иссиқ ҳаво тўлқинлари уйлар орасига ўзини урди. Қумлоқ ҳовли тепасига чанг ўрлади. Мария эрини ўйлаб, унинг қаердалигини кўз олдига келтиришга уриниб кўрди Балки Домингуш ўша олиб келинган машинада санзалага кетаётгандир Жаноб аспирант ҳам янглишгани учун ундан узр сўрагандир.

Сипоҳининг овози уни ўзига келтирди:



— Жаноб котиб ҳозир чиқаман, дедилар.

— Вой, наҳотки ўзлари чиқсалар?

Эшикдан гирдиғум, куйлагининг тугмаси нақ қорнига-ча ечилган котиб кўринди. Сипоҳининг ёнида турган Марияни кўргач, унинг олдига келди.

— Сенмидинг мен билан гаплашмоқчи бўлган?

— Шундай, жаноб котиб. Мен ўз эримни қидириб келувдим.

— Эринг ким ўзи?

— Домингуш. Домингуш Шавиер. У Дондо<sup>1</sup> яқинидаги тўғон қурилишида ишларди.

Буни эшитган котиб Марияга ҳангаматалаблик билан қаради-да, унинг сўзларини яхшилаб эшитиб олмоқчи бўлди. У худди шу турган жойида турли илтимос ва илтижоларни неча-неча марта эшитганди. Бу ерда маҳбусларни узоқ тутиб туришмасди. Жаноб котиб уларни сўроқ қилиб бўларди-да, бошқа ёққа жўнатиб юборарди. Баъзан унга дилсиёҳлик келтирган воқеалар ҳам бўлган. Тўғри, у шу маҳалгача ўғрилар, чўнтаккесарлар, қотиллар билан иш тутиб келарди. Кўп ҳолларда эса шунчаки қўрқитиб қўйиш керак бўлган гуноҳсиз кишилар билан шуғулланарди. Сиёсий айб билан қамоққа олинганларни у бирор марта ҳам кўрмаган эди.

— Эрингни ким ушлаб кетганди?

— Уни аввал посёлкамиздаги бошқармага олиб кетишувди, ундан кейин сипоҳилар менга Луандага олиб кетишди, дейишди. Жаноб аспирантнинг ўзи уни зангори машинага ўтқазиб, олиб кетувди.

Котиб Марияни сипоҳининг ёнида қолдириб хонасига қайтиб кирди. Қоғозларни титкилаб, амалдорлардан сурштиргач, куйлагининг тугмаларини қадаб, яна виқор билан пешайвонга чиқди.

<sup>1</sup> Дондо — Луанда яқинидаги шаҳарча.

— Гап бундоқ, ҳой хотин, уни бу ерга олиб келишмабди. Текшириб кўрдим. Унинг исмини Домингуш дедингми?

— Ҳа, жаноб котиб, Домингуш Шавиер.

— Йўқ, участкамиз ҳисобида бундақа одам йўқ. Қуйи шаҳар участкаси қаердалигини биласанми?

— Йўқ, билмайман. Ун икки йилдан бери Луандага биринчи келишим.

— Унақа бўлса танишларингнинг биронтасидан сўраб ол. Эринг ўша ерда бўлиши керак. Ўша ёққа бор. У ўша ерда бўлса ажабмас.— Котиб гап тамом, дегандек унга орқасини ўгирди. Сипоҳи Марияга Қуйи шаҳар участкаси қаердалигини тушунтира бошлади. Аммо Мария ҳеч нарса эшитмасди. Бугун эрталаб қалбида пайдо бўлган ишонч барбод бўлган эди.

У эрини бу бегона шахри азимдан қандай топа олади? Домингуш ҳозир қаерда экан? Мария энди уни қидириб топа олишга ишонмасди. Унинг миясидан ҳозир осмонда сузиб юрган булутлардай қоп-қора ўйлар кечарди. Жанубдан шамол эсди, булутлар бир-бирини итаришиб, шаҳар томон ёмғир олиб келишарди. Муссеклар участкаси олдидаги баобаб шохларига қўниб олган пируллалар чириллашарди.

Иссиқдан мадорсизланган Мария қизил тупроқлари кўтарилаётган таниш кўчадан дўстлари уйига борарди.

Туғишган опасидек ақлли ва тажрибали Тэте бўлмаганида Мария яна кечаси Себастьяни билан шу уйда тунаб қолар, участкага энди ҳеч ҳам бормас эди. Котиб билан эрталаб бўлган суҳбат унинг бутун умидларини вайрон қилган, унинг назарида энди эрини қидириб юриш бефойдадек туюларди. Энг яхшиси — индамай кутиб ўтириш! Эрига худонинг ўзи раҳм қилсин. Агар худонинг ўзи раҳм қилмаса, Мария шундай улкан шаҳардан Домингушни топа олармиди?

Шаҳардаги жазирама ва тушдан кейин кўтарилган ис-иқ шамол ҳам Марияга таъсир қилганди. Ердаги баргларни, қоғозларни, муссеклардаги қумларни кўкка учираётган шамол кучайганидан кучаяр, қуёш ҳам вақт-вақти билан йулут ортига яширинарди. Булутлар шимоли шарққа қараб силжир, тобора қуюқлашар эди.

Аммо Тэте камоли ишонч билан гапирарди. У Луандадаги муссекларнинг ҳаётини яхши биларди. Халқ ичидан чиққан аёл — муссеклардан чиққан аёл сифатида у ўзининг аччиқ тажрибасида барча имкониятларни ишга солиш кераклигига қаноат ҳосил қилган эди. Матонатли бўлиш керак! Домингуш муссеклар участкасидаги полицияда йўқ эканми, демак шаҳар полициясида бўлади. Агар у ерда ҳам топилмаса, чатоқ бўлади, қизгина. У пайтда қидирилмаган фақат битта қамоқхона — Янги қамоқ қолади. У ердаги қамоқхона ходимлари мундир кийишмайди. Улар кечаси ўз джилларида чиқиб кетишади-да, одамларни ҳамиша битта-биттадан олиб келишади. Бу қамоқхонага кўп одамлар тушиб чиққан. Аммо Домингуш, ҳар қалай, шаҳар қамоқхонасида, округ маъмурияти қамоқхонасида бўлса керак. Агар маҳбусларни округдан Луандага олиб келишса, фақат ўша қамоқхонага олиб келишади.

Тэте яна Жоазиньони чақириб овқат едирди-да, кейин чоригини кийиб, йўлга отланишни буюрди. Мана, Мария тагин шу болага ҳамроҳ бўлганча икки четига акация ўтқазилган тош кўчага чиқди.

Оҳ, бу Жоазиньо! Шаҳарлик тиниб-тинчимас бола! У қандай қилиб бир кун билет олмай автобусда мазза қилгани ва бу ўзига жуда ёққанини Марияга тинмай жавраб борарди. Автобус кутишаркан, Жоазиньо нималарнидир жаврар, Мария бўлса, пастдаги кўрфазга, улкан пароходларга, мовий рангдан аста-секин тўқ кул рангга кириб келаётган тўлқинларга қарарди. Шитоб билан келаётган булутлар қуёш юзини тўсди. Қоп-қора, қўрқинчли булут-

лар шаҳар ва денгиз тепасини қоплади. Қоронғилик тобора қуюқлашарди.

Иўловчилар безовталаниб, чақмоқ чақаётган осмонга қарашарди. Момогулдиракнинг гулдурагани аллақаяёқдан, олис-олисдан, нақ Какуакадан эшитиларди. Мария ҳавонинг авзойини кўриб ёмғир ёғишини ўйларди. Ёмғир иси келаётган ҳаводан у, албатта қаттиқ жала қуйишини, тоғ бағридаги бепоеъ далаларни ёмғир девор сингари кўрсатмай қуйишини сезарди. Ёмғир ҳамма нарсани кўмиб кетарди. Аммо кейин ўт-ўлан, маислар, массанга ва массамбалалар<sup>1</sup> шундақанги барқ уриб ўсадики. Негадир у ёмғир вақтида шаҳар қай ҳолатда бўлишини сира кўз олдига келтиролмасди. Унинг назарида, бу ерда, Луандада бутун ёмғир денгизга ёки муссеклар кўчасига қуйиладигандек туюларди. Оқ танлиларнинг чиройли уйларига ва яшнаб турган боғларига бир томчи ҳам ёмғир ёғолмайдиганга ўхшарди.

У автобусда ҳам Домингушни бир дақиқа эсдан чиқармаётгани ҳолда шулар тўғрисида ўйлади. Кичкина Жоан ёнида иккита билетни маҳкам ушлаганча, муссек болаларга сира ўхшамай, қаддини ғоз тутганича, виқор билан ўтирарди.

Одамлар бундақа черепица томли баланд уйларда қанақа қилиб яшай оларкин! Бундай уйларда улар ёмғирнинг аста-секин бошланишини, унинг томчилари томларни тобора шитоб билан қаттиқроқ тарақлатишини, ниҳоят бор кучи билан гумбирлатиб юборишини эшитмага ҳам керак. Бир вақт Мария посёлкадаги инженерлардан бирининг уйини йиғиштираётганда сел қуйиб юборибди-ю, у сезмай қолган эди. У уйдан чиққандагина ҳамма ёқ шалаббо бўлганини кўрганди. Ёш бола эканида жуда ҳам кичкина эшик

---

<sup>1</sup> Массанга ва массамбалалар — донли ўсимликлар. Уларнинг донини асосан парранда ва молларга берилади.

олдида оғзини хиёл очганча нам ҳавони ютиб туриш унга жуда-жуда ёқарди.

Автобус Мутамба майдонида тўхтади. Жоан Марияни қўлидан ушлаганча машиналар ва одамлар оқими орасидан олиб кетди. Вой-буй, Луанда шунақа эканми! Агар тўғон қурилишида ишлаётган одамларнинг ҳаммасини, посёлка аҳолисининг ҳаммасини тўплаганда ҳам бу кўчаларни тўлдиролмайди-ку.

Сен бу ерни Мутамба майдони деясанми, бола? Бўлмаган гап. Мария бу ерга келган, жуда ёшлигида келган, лекин ҳаммаси шундоққина эсида-ку. Ушанда у дугоналари билан келганди. Ушанда улар Ингонботасдан, бу ерга, Кокейросгача пиёда туришганди. Ушандаги боғ, алақандай одамнинг ҳайкали ва мулембалар қаерда қолди? Йўқ, бола хафа бўлмагину, бу ер ҳечам Мутамба майдони эмас. Мутамба майдони бутунлай бошқа жойда бўлса керак.

Жоазиньо ҳақлигига қаттиқ ишонгани ҳолда ўзиникини маъқуллади. Мария эса унинг гапига ишонмади.

Мария полиция участкаси биноси томон борди. Зиналардан шоша-пиша чиқиб, эшикни очди. Ичкарига дадил кириб, атрофга аланглади. Унинг олдида часовой келди.

— Сенга нима керак?

— Мен эрим шу ерда эмасмикан, деб келгандим.

— Эринг ким ўзи?

Жоазиньо полициячидан кўз узмай, унинг белига осилган чарм ғилофдаги револьверга ҳайрон бўлиб қарарди. Мария часовойга ўзи ким эканлигини, нега келганлигини, кимни қидириб келганлигини тушунтирди. Сабри тугаган сержаҳл часовой гапни калта қилишни, Жоазиньо билан иккаласига скамейкада кутиб ўтира туришни буюрди.

Ташқаридан шамолнинг чийиллаши эшитиларди. У дарахт шохларини майиштириб, кўчадаги ҳамма нарсани пир-пирак қиларди. Уткинчилар ўзларини ёмғирдан панага олиш учун шошилиб, қочишарди. Шаҳар устини зич, қоп-

қора булут босди. Бот-бот чақмоқ чақиб, унинг узун ханжари қоронғилик кўксини ёриб ўтарди. Муссеклар устида момақалди роқ гулдираётган бўлса керак. Мария кўчада турарди. Нима гап бўлаётганикин, деб қулоқ солиб, одамларнинг қочишини, шамол уларни асфальт кўчадан тирқиратилишини чиқиб кўргиси келарди.

Часовой мирзани бошлаб келди.

— Қулоқ сол, бу ерда бунақа исмли одам йўқ экан. Агар у тўғон қурилишидан бўлса, бошқа қамоқхонага тушган бўлиши ҳам мумкин.

Мария тоқати тоқ бўлиб, ўзини бу ерга муссеклар полиция участкасининг котиби юборганини, эри шу ерда бўлишини, яхшилаб қараб кўришсин деб айтганини тушунтирди.

Мирза кулди-да, бундай деди:

— У бу ерда йўқ. Елғон гапириб нима қиламиз? Эртага эрталаб Эски шаҳарга, ундан ҳам яхшиси, Янги қамоқхонага боргин. Унинг қаердалигини кўрганмисан?

Часовой Домингушни қаердан қидириш кераклигини яхшилаб тушунтирар, лекин Мария руҳан эзилиб, ўзини йўқотганча унинг қаршисида миқ этмай турар эди.

— Гап шу. Туёғингни шиқиллат!— бақирди часовой.

Емғир ёға бошлаган эди. Йирик-йирик томчилар асфальтга чилп-чилп тушарди. Бир неча дақиқа момагулдурак тиниб, шамол қутуришдан тўхтади, шунда Мария билан бола автобус бекати томон чопиб кетишди. Кўчалар бўм-бўш эди. Ҳамма тез орада жала қуйишини билиб уй-уйига пусиб олган эди.

Улар бекатга етиб қолишганда, қоп-қора осмонни бошидан у бошигача даҳшатли оқ из чақмоқ чақди ва қоронғилашган шаҳарни ёритиб ўтди. Орадан бир он ўтмай, момагулдурак овози эшитилди. Ундан дераза ойналари зириллаб кетди. Бу гўё сигнал бўлди-ю, пастак булутлардан жала қуйиб кетди. Икки қадам нарини кўриб бўлмас-

ди. Кўчалар айқирган дарёга айланди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, сув қип-қизил тусга кирди. Жала муссеклардаги қумларни ювиб келарди.

Мария билан Жоан Мутамба майдонидаги қатта уй дарвозасига беркинишиб, шаҳар тепасида сурон кўтараётган момагулдуракни ўша ердан томоша қилишарди.

Наҳотки шунақа бўлса? Мария сув босган шаҳарга ҳайрат билан боқарди. Ёмғир тоғ ёнбағрига жойлашган посёлкадагига ўхшаб ёғарди-ю, аммо бу ерда сувни ўзига сингдириб оладиган тупроқ ва қум йўқ эди. Бу ерда асфальтдан машина юраркан, унинг гилдираклари остида сув айқирарди. Жала авжга минар, чақмоқ чақар, момақалди-роқдан ойналар зирилларди. Юқорида, муссекларда бўлса, одамлар лой деворли ва қамиш томли хароба уйларга, чирик тунука ёпилган кулбаларга кириб олишиб, лой деворларнинг нурашини, шамол учириб кетган томларни сув оқизиб кетишини, деворлар шилтаи-шалаббо бўлиб, қўрқувдан бурчакка тиқилишиб олган уй эгалари устига йиқилиб кетай деб туришини томоша қилишарди.

Қип-қизил сув кўчаларга тўлиб кетди. Чақмоқлар ярқираб, ҳўл томларда акс этар ва кекса мулембаларнинг танасини учириб кетарди. Кейин, жала тийила бошлаган, лекин ҳануз кўчаларда айқириб сув оқаётган пайтда яна шамол турди. У сувни денгизга ҳайдаб, томларни кўчирар, дарахтларни қўпорар, кўчага қайиқча оқизгани чиққан болаларни гандираклатиб юборар эди.

Жоазиньо ҳам Мутамба майдонидаги дарбоза панасида туриб, жала тинишини кутаркан, шундоққина олдидан оқиб ўтаётган ирмоқча қайиқча оқизгиси келарди. Елкан ўрнига ўрдак пати қадалган қайиқча...

Жала бор-йўғи йигирма минут давом этиб, қандай тез бошланган бўлса, шундай тез тинди. Шамол ҳайдаб келаётган қора булутлар ҳамон осмонда сузишарди. Аммо аҳён-аҳёнда уларнинг йиртилган жойидан ложувард осмон кўри-

нарди. Кўрфазда муссекларни ювиб келган қип-қизил оқим ёйилиб борарди.

Қуйи шаҳарнинг баъзи кўчаларидан машиналар юролмаё қолди — шунчалик кўп қум оқиб келган эдики, биронта машина уни ёриб ўтолмасди.

Эрталабки газеталар талафот кўрган жойлар ҳақида батафсил ёзишиб, уларнинг суратларини ҳам босганди. Газетхонлар сув босган кўчаларда илдизи билан қўпорилиб кетган дарахтлар қай аҳволда ётганини, ишдан чиққан автомобилларни, тозалаш учун бульдозерлар керак бўлган қум уюмларини кўришлари мумкин эди.

Аммо биронта ҳам газета сув оқизиб кетган бола ҳақида ёки чақмоқ уриб ўлдирган гўдак ҳақида бир оғиз ҳам ёзмаганди. Газеталар муссеклардаги хароб бўлган уйлар ва бошпанасиз қолган ёки девор тагида қолган уй эгалари ҳақида ҳеч нарса ёзишмаганди. Буни фақат муссеклардаги аҳоли билар ва ўз биродарларига аза тутар эди. Аммо эртасигаёқ талафот кўрганларнинг дўст-ёрлари ва танишлари уларга кулбаларини тиклаб олишда қўмаклашишди ёки уларга пул қарз бериб туришди. Ҳаёт давом эта берди.

## VII

Тепадан қаралса, Кванза дарёси жала пайтида шаҳарни босган қип-қизил сел оқимиға ўхшарди. Пастда харсанглар устида кир юваётган аёлларнинг товуши Мигелгача етиб келди. Тепаликнинг бошқа томонида, бир вақтлар қудратли дарё ўзани оқиб ўтган жойда темир ва цемент тўсиқлар қураётган одамлар чўмолидек уймалашарди. Кўтарма кранлар металл кафтларини ҳавога чўзишганди.

Тўғон қандай қурилаётганлигини Мигел анчагача томоша қилиб турди. Одамлар у ёқ-бу ёққа югуришар, машиналар тутун бурқситар, шағал ва бетон ортилган юк



гашиналари вағилларди. Тепалик ичкарисидаги ер ости йўллардан бульдозерлар улкан-улкан харсанг тошларни қумалатиб чиқарди.

Кейин Мигел аёллар очган тор сўқмоқдан дарё томон уша бошлади.

Бугун унинг омади келди. У эрталаб Уамба тоғи этагига бататлар ташлаб келаётган йўловчи юк машинасида пофёр Араужо билан бирга келди. Улар эрта саҳарда Лундадан йўлга чиқиб, Занзада яхшилаб нонушта қилиб олишди-да, нақ Дондогача ҳеч қандай машмашасиз етиб белишди. Дондо яқинида йўлни жала ювиб кетган экан, дундай бўлса ҳам эрталаб соат ўндаёқ у оқ йўл тилаб, Араужо билан хайрлашди. Ҳозир у ишчилар посёлкаси олдидаги чорраҳада турарди. Баланд-баланд ўтли бутазорни ёқалаб ўтиб, у кулбалар томон йўл олди.

Уша куни кечқурун Шико номаълум маҳбус тўғрисида қабар келтиргач, Мигел кечки овқатни еди-да, дўстини ҳиргоқда, Бебиана билан гаплашиб ўтирганча қолдириб, ўзи йўлга чиқди. Самба билан ишчи маҳалласининг ораси элис эди, аммо Мигел бундан чўчимади. У кўп юришга одатланган бўлиб, муссеқлар маҳалласига бот-бот бориб турарди. Тўғри, у сипоҳилар ёки солдатларга дуч келиб қолишдан ҳаминша чўчирди, чунки унинг доимо ёнида юриши керак бўлган шахсий гувоҳномаси ва солиқни тўлагани қақидаги квитанцияси йўқ эди. Мигел бундай дилсиёҳликларга дуч келмаслик учун Мусунданинг уйига борса бўладиган барча яширин сўқмоқларни яхши билиб олганди. Кундузи ҳам, кечаси ҳам, ҳатто ярим тунда ҳам у ўша уйга олиб борадиган тор кўчадан секин, ҳуштак чалиб кета берарди.

Бу — чивиклардан тўқилган, лой билан сувалиб, пушти рангга бўялган бир кулба эди. Деворнинг пасти қора тусда эди. Ҳовлига чиқадиган катта уй устахона ҳисобланарди. Бу ерда одатда икки шогирд бичилган молларни

йўрмаб чиқишар, ёки йўрмаганларини сўкишар ва шунга ўхшаш алоҳида ҳунар талаб қилмайдиган майда юмушларни бажаришарди. Кийимни доим Мусунданинг ўзи, мабодо у бўлмай қолса, тикувчининг энг яхши шогирди Жоан Роза бичар эди.

Мусунда ёлғиз яшарди. Унинг хотини анча йил бурун вафот этган, шундан бери уни ҳеч ким аёллар билан ҳамсуҳбат ҳолда кўрмаган эди.

— Ундай хотин энди менга қаёқда?— дерди Мусунда доим.

У уйланишни хаёлига келтирмасди. Бошқа кўпгина эркакларга қараганда ақллироқ бўлса ҳам, бу букир билан шунчаки ётиб-туришга биронта ҳам аёл унамасди.

Тикувчи Мусунданинг шуҳрати бутун муссекларга тарқалганди. Рақс ишқибозлари тор почали шим буюртиш учун бу ерга Рангелдан, Трендадан ва ҳатто Боевистадан ҳам келишарди. Анчадан бери Жоан Роза бичишдан бошлаб тикишгача ҳамма ишни ўзи қилаётган бўлса ҳам, мижозлар буюртмаларини аввалгидек Мусунданинг ўз қўлидан чиқади, деб ўйлашарди. Одамлар билан гаплашишга устанинг вақти кўплиги шундан эди. У эсдан чиқармай, йўқлаб келган дўстлари билан ичишиб, ҳангамалашишни яхши кўрарди.

Мигел эшикка яқинлашаркан, ичкаридан эланг-қаранг овоз эшитди. У эшикни қоқди. Мусунданинг босиқ товуши эшитилди:

— Ким у?

— Менман, Мигелман.

Эшик очилиб, Мусунда бир неча кундан бери кўрмаган дўстини бағрига босди. Ксйин тикувчи Мигелни қўлидан тортганча устахонага бошлади. У ердаги тикув машинаси қопқоғида турли китоб ва дафтарлар сочилиб ётарди. Икки йигит ҳайрат ичида Мусунда билан Мигелга қарашарди.

— Танишиб кўйинглаар — бизнинг дўстимиз. Булар  
вса, студентлар. Йигитлар дафтар-китобларини йигишти-  
риб, кетишга отланишди. Мусунда уларни эшиккача куза-  
тиб кўйди. Мигел ўтирди-да, анчадан буён таниш бу хона-  
га суқланиб назар солди.

Тикувчи стулни яқинроқ суриб, Мигелнинг елкасига  
қоқди-да, ўз одатича жилмайиб сўради:

— Хўш, ошнам, нима гап?

— Жуда кўнгилсиз гаплар, Мусунда оға.

Бу оддий хона сукунатида Мигел тикувчига Шиконинг  
хабарини ундан қандай эшитган бўлса, шундайича — ба-  
тафсил етказди: қўлга олинган маҳбус новча, ориқ, жуда  
ҳам ориқ, ёш экан, тонготар пайтида аспирант ҳайдаётган  
зангори машинада олиб келинипти, машинанинг ҳамма ёғи-  
ни чанг босиб кетган экан.

Мигел у одам ҳақида гапириб, уни тавсифлаб берар  
экан, Мусунда ўзи энг яхши кўрган ҳолатида: бошини қу-  
йи солиб, қўлларини тикув машинасининг қопқоғига қўй-  
ган ҳолда ўтириб тинглади. Мигел жимиб қолди-ю, лекин  
Мусунда анчагача нима ҳақдадир ўйлаб ўтирди. Ниҳоят у:

— Мигел, сен бажарадиган бир топшириқ бор. Бошқа  
ҳеч кимга уни ишониб бўлмайди, — деди.

Мигелнинг эти жунжикиб кетди-ю, аммо ўзини маҳкам  
тутишга ҳаракат қилди. Тикувчи кичик ўйноқи кўзларини  
унга тикди. Ҳа, Мигел бундай топшириқларни кўп марта  
бажарган, кўп марта хавф-хатарни енгган. Аммо у ҳар гал  
янги топшириқ олаётганида ҳамиша вужудида қўрқув се-  
зарди. Топшириқни бажариб бўлганидан кейингина бу  
қўрқув йўқоларди. То ўшангача қўрқув унга жиддийлик,  
ўртоқларини ҳайрон қолдирадиган даражада хотиржамлик  
бахш этарди.

Тикувчи Мигелга вазифани батафсил тушунтириб бер-  
ди. Мусунда қилинадиган ишнинг хавфли эканлигини ҳам  
Мигелдан яширмади: Мигел излаб топиши керак бўлган

одамни полиция таъқиб қиларди. У ҳамма гапни айтиб бўлгандан кейин, топшириқ нимадан иборатлигини қайта гапириб беришини сўради. Мигел ҳеч нарсани ёддан чиқармай, адаштирмай айтиб бергач, Мусунда енгил тортиб, нафас олди-да, ўрнидан турди, токчадан иккита стакан билан битта шиша олди. Бу — хиёл ширинроқ, яхши китото<sup>1</sup> эди. Дўстлари уни Мусундага ҳурмат юзасидан олиб келишган эди.

Улар пиво ичиб ўтириб, қамоққа олинган дўстлари ҳақида, студентларни ҳам бу ҳаракатга жалб этиш тўғрисида, ёппасига қамоққа олишлар бошланганлиги сабабли ҳозирда ҳал қилиб бўлмайдиган барча қийинчиликлар тўғрисида гаплашишарди. Мигел кетишга отланганда, Мусунда унга хитоб қилиб қолди:

— Ия, дарвоқе, сенга айтаман деб туриб, эсимдан чиқибди-ку! Қайтишинг биланоқ бу ёққа келасан. Шанба кунни кечқурун байрам қиламиз. Ҳамма улфатларимиз йиғилади. «Нгола»дан<sup>2</sup> созандалар келишади... Биз оз қолган бўлсак ҳам, енгилганимиз йўқ. Гаплашиб олиш керак, шунинг учун сенинг келишингни истардим.

Мигел хурсанд бўлиб кетди. Бугун пайшанба: шанбагача икки кун бор. У Мусунда билан ярим кечага яқин хайрлашди. Мигел тонгда жўнаб кетган Араужо билан учрашиши керак эди.

— Ҳа, унинг ўша ердан, тўғон қурилишидан эканлигига ишонаман. Аммо новча ва ориқ одамни танимайман. Ориқ ва паст бўйли бўлганида, уни Союзинья деб аниқ айтиш мумкин эди. Энди боргину, керак нарсанинг ҳаммасини аниқлаган заҳотинг қайтиб кел.

Мигел елкасида букирнинг бақувват қўлини, ўзига ақл тўла, ўткир кўзлар тикилиб турганини сизди... Тикувчи

<sup>1</sup> Китото — маисдан тайёрланган пиво.

<sup>2</sup> «Нгола Ритмос» — биринчи ташкил бўлган миллий музикарақс ансамбли.

Мусундага «йўқ» деган гапни айтиб бўлмайди. Оламда бунақа одам топилмайди! Мигел Араужонинг уйига бора-боргунча ўртоқлари ҳақида, дўстлари ҳақида ўйлаб борди... Мусунда ҳаммадан яхши эканлигига унинг кўнглида ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди.

Дарёда чўмилаётган иккита аёл Мигелни кўришди-ю, ўз кийимларига қараб югуришди. Ёнгит уларнинг олдига яқинлашганда ҳам аёллар ҳамон юзларини қўллари билан яшириб қиқир-қиқир кулишарди.

Ийрик-ийрик харсанг тошлар кўп бўлган бу ерда Кванза жуда тез оқарди. Лекин дарёнинг бу тор жойи тошлар тепасида айланма ҳосил қилган бўлиб, аёллар шу ерда кир ювишарди. Мигел оҳиста бораркан, ўзига керакли аёлни таниб олиш мақсадида ҳаммага синчиклаб тикиларди. Қизлар ёнгитга зимдан мўралашар, қиқирлашишар ва шивирлашишарди. Албатта, у бу ерлик эмас-да. Ҳозир ҳамма эркаклар ишда бўладиган, тунги сменада ишлаганлар эса, уйда дам оладиган пайт эди.

Мигел сокин айланманинг энг чеккасига борди-да, мулойимлик билан саломлашгач, улардан сўради:

— Бу ерда сеньора Жозефа Жоан йўқмилар? У кишида гапим бор эди.

Аёллар кулгидан тинишди, улардан бири бошқа томонга қараб қаттиқ чақирди:

— Са! Зефа! Са Зефа! Бу ёққа келинг!

Паст бўйли, озгин, қари аёл қоматини тиклаб, бошини кўтарди. Кирларини сувда қолдириб, ҳайронликдан пешонасини тириштирганча Мигел томон оҳиста кела бошлади. Мигел аёлнинг олдига шахдам юриб борди-да, товушини пасайтирганча гап бошлади:

— Салом, сеньора! Сеньора мени танимасликларини биламан, лекин мени кечирсинлар. Мен сеньоранинг ўғил-

---

<sup>1</sup> Са — сеньоранинг қисқаргани.

лари билан гаплашишим керак эди: у кишига Луандадан топшириқ олиб келган эдим.

— Айюэ, ўғлим, айюэ! Кўргилигим бор экан! Унинг қаердалигини ҳеч ким билмайди! Хоҳлаган одамингдан сўрай бер! Қачондан бери уни кўрган одам йўқ, кўрган одам! Айюэ, вой, болагинам-эй! Ҳамма сенга шу гапни айтади. Лекин шундай бўлса ҳам кўнглим сёзиб турибди: у тирик!

Мигелнинг кўзлари аёлнинг маъноли чеҳрасига, унинг гамгин нигоҳига, хатти-ҳаракатига диққат билан тикиларди. У оддий аёллар билан, африкаликларнинг хотинлари билан бот-бот гаплашишига тўғри келар, лекин оналардан бирор нарсани билиб олиш ҳамиша ҳам жуда мушкул бўларди. У қари Зефадан кўзларини узмай, ҳақиқатда аёл ўзи хоҳлаганидан кўра аллақанча кўп нарсаларни гапириб юборганини ўйларди. У ўғли ҳаёт эканлигини кўнгли сезаётганини айтгандан кейин Мигел бошқа суриштириб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини англади. Мигел Соуза қамалган-қамалмаганлигини аниқлаб олиши керак эди холос.

Мусунда Мигелга агар Соузинья яшириниб юрган бўлса-ю, қамалмаган бўлса, уни топиш учун ҳамма чорани кўриш керак, деганди. Агар куни бўйи у билан учрашишга муваффақ бўлмаса, у ҳолда бошқа одам билан гаплашишга тўғри келади.

Мигел гапни бошқа ёққа бурди.

— Гап бундай, сеньора: Мен Луандадан унга жуда муҳим топшириқ билан чиқиб, тун бўйи йўл юриб келдим. Бир дўсти уни шаҳарда ишга жойлаб қўймоқчи...

Са Зефа унинг сўзларини бошини қуйи солиб эшитди. Афтидан, бу йигит лақмага ўхшамайди. У ҳамма гапга ишонавермаганлиги шундоққина кўриниб турибди. Энди бор гапни унга қандай қилиб айтиш керак? Балки у ростдан ҳам дўстдир. Аммо Домингушни олиб кетишган кечадан

бери у ўглини кўргани йўқ-ку. Шунда у Соуза огоҳлантириб айтган сўзларини эслади:

— Ҳеч кимга, айтманг, ойи. Ҳеч кимга гинг деманг.

Келган йигит бўлса, ишга киритиш хусусида гапим бор, деяпти. Соузинья Луандада ишласа, соз бўлардику-я! Йўқ, у ҳеч кимга айтишга ҳадди йўқ! Сўнгра Мигелга орқа ўгириб, деди:

— Биласанми, ўғлим, мен кирларимни ювишим керак.— Шундан кейин Зефа ташлаб келган кирлари томонга жўнади.

Лекин Мигел чўнтагига қўлларини тикқанча, аввалгидек, гап ростдан ҳам иш тўғрисида эканлигига аёлни ишонтириб, орқасидан бора берди. У гапни узмасликка ҳаракат қилиб анвои қизиқ гапларни батафсил гапирарди. Са Зефа индамай кирлари устига энгашди-да, ориқ, қурқшаб қолган қўллари билан уларни ишқалай бошлади.

Мигел бунақа аҳволга кўп тушган эди. У дарров ҳамма гапга кўна қоладиган анойилардан эмасди. Қуёш шитоб билан тик кўтарилиб борарди. Ҳаш-паш дегунча аёллар уйга қайтадиган, ишдан келадиган эр ва ўғилларига тушлик тайёрлайдиган вақт ҳам бўлиб қолади. Баъзи аёллар ювилган кирларини йиғиштира бошлашган, баъзилари эса сўқмоқдан шоша-пиша гўқори кўтарилишаркан, бу ерда пайдо бўлиб қолган йигитнинг қари Зефада нима гапи борлигини ўзаро муҳокама қилишарди.

Мигел Соузиньяни онаси охирги марта кўрганида у қай аҳволда бўлганлигини сўрай бошлади, Са Зефа эса кирларини тоғарачага босаркан, анча ишонч билан деди:

— Мен билан юра қол, ўғлим, тушлик тайёрлайман. Чиндан ҳам ўғлимнинг дўсти бўлсанг, мен билан бирга овқатлан. Аммо у қаердалигини айтиб бера олмайман. Ҳеч нарса билмайман, ўғлим.

Шунда Мигел арзимас бир нарса ҳақида гапирётган одамдек бепарво оҳангда:

— Сеньора, маҳаллаларингдан бир йигитни олиб кетишибди, деб эшитдим...— деди.

— Айюэ, ўғлим! Рост, ҳаммаси рост. Қўшнимнинг ўғли эди. Шўрлиг-эй. Яхши одам эди Домингуш. Кечаси машина келди-ю, олди кетди. Яхши одам эди Домингуш.

— Исми нима эди?

— Домингуш. Домингуш Шавиер. У тўғонда ишларди. Сен уни танийсанми?

— Йўқ, онажон, танимайман.

Улар тор сўқмоқдан санзалага кўтарилгунларича, Мигел кекса Зефадан ўзига керакли бўлган ҳамма нарсани: ким қамалганини, нимага қамалганини ипидан-игнасигача билиб олганди. Ниҳоят, у баъзи нарсаларни аниқлаб олди!

Кулба олдида у жилмайиб, кампирга бундай деди:

— Айюэ, сеньора! Ҳаётимиз шундай оғир! Лекин шундай кун келадикки, ҳамма нарса бошқача бўлиб кетади. Ҳамма нарса яхши бўлади. Мен бунга аминман. Ушанда сиз ҳам, онажон, ўғлингизни кўрасиз!

Шунда Зефа биринчи бор кулди. Унинг ич-ичидан қаттиқ кулгу отилиб чиқди. Бу нотаниш йигит шунча қилса ҳам Союзиньяси қаердалигини била олмаганидан хурсанд эди!

Лекин ҳозирги замоннинг йигитлари анойи эмас-да... Тўғри, аёл керагича эҳтиёткор эди. Аёл сўзни сира ҳам аҳамияти йўқ нарсалардан бошлаган бўлса ҳам, буни қаранги, йигит у ўйлаётган ва орзу қилаётган нарсаларни сўзлаб берди. Йигит билиб олишни истаган нарсасини бўлса, кампир ҳечам айтмади. Шуларни ўйларкан, кампир яна хурсандлигидан кулди.

## VIII

Момагулдуракнинг биринчи гулдураши шаҳар осмонига ларза солиб, жала қуйиши билан Домингуш чўчиб уйғонди. У ҳамма ёғи жиққа ҳўл ҳолда ерга қараб ётарди. Ёрилган



лабини шишиб кетган бармоқлари билан ушлаб қўрмоқчи бўлиб, бошини кўтарди. Лекин бутун вужуди зирқираб кетди. У инграб, бошини тутиб туришга ҳам қурби етмай, сув халқоб бўлиб ётган ерга пешонаси билан урилди. Қамоқхона девори орқасида ёмғир шариллар, камерага қизил тупроқнинг ёқимли ҳиди кирарди. Кейин, ҳовлида бир маромда ёшитилаётган томчилар мусиқаси тингач, Домингуш яна мудрай бошлади.

Ҳаракатсиз гавдани ювиб, камерани сув босди. Ёмғир суви тепадан тушаркан, қудратли ва кенг анҳорга айланарди. Сув пастга тушган сари кенгайиб борарди.

Пастда бўлса, қутурган Кванза бетондан ишланган янги ўзанга тушишини олдиндан сезаётгандек ғалаён кўтарарди. Одамлар қудратли дарёни тепалик айланиб ўтишга, қоялардан ва иссиқ қумлардан оралаб ўтадиган минг йиллик йўлини ўзгартиришга мажбур этишди, унга узунлиги бир неча юз метр келадиган янги ўзан очишди. Кучсиз тўлқинлар энди қуёш оташида қуриб, пўпанак босиб кетган гранит қояларини эслаб, ночор чайқалишарди.

Қадрдон тоғ этаklarини тарк этган бўйсунмас ва мағрур дарё шовқин-сурон билан қояларга урилиб, жаҳлланар ва тўлғонар эди.

Эски ўзан ўз умрини яшаб бўлган эди. Унинг гранит соҳиллари қуёш жазирасида қурий бошлаганди. Тепаликнинг чўққисиди, жуда баландда жойлашган цемент ва алюминдан қурилган уйлар, бараклар ва идоралар, электростанция ювош тортиб қолган дарёни масхара қилишарди.

Туннелдан чиққан сув ўзини ўлдирмоқчи одамдай алам билан пастга, силлиқланган харсангларга отарди. Шундан кейин айқириб, алам билан, ҳуқуқини қўлдан бермасликка уриниб, унинг йўлларига қурилган тош ва бетон деворларга ташланарди.

Лекин ям-яшил бепоён далалардан ва шитирлаши ўзига яхши таниш бўлган дарахтлар ёнидан ўтаётганида қадимий

дарё тинч оқарди. Уамба тоғининг ям-яшил этакларидан бошланувчи олис йўлини, ўзининг мовий тўлқинларида ором олганларни қўмсаркан, унинг ҳайқирғи тиниб, овози майин тортиб қоларди. У Дондога яқинлашаркан, фақат майин жилдирар, Мушимадан кейин эса нурли чехрасига табассум югурарди — тўппа-тўғри денгизга борадиган йўл шу ердан бошланарди.

Домингушнинг юмуқ кўзлари олдидан тор сўқмоқ орқали дарё томон тушиб бораётган турна қатор аёллар ўтди.

Машиналарнинг сал бўғиқ сурони ва портлаш садолари эшитилди. Шамол нариёқдан, пастдан аёлларнинг кулгу ва сафсата садоларини учириб келарди. Ўша ерда Кванза қутуриб, баланд тош деворларга сапчиб оқарди.

Ташқарида шовқин солиб ёғаётган ёмғир йўлдаги қизил қумларни ивитиб, камерага оқизиб кирарди. Домингушнинг кийими баданига ёпишиб қолганди. У ҳануз ўша ётганча қаттиқ уйқуда эди. Кванза ва ватанининг бошқа дарёлари унинг тушига кирарди.

У полициячининг ғазаб билан бақирishi ва сипоҳининг қаттиқ тепкисидан уйғониб кетди. Домингуш туришга уришиб, бор кучини тўпларкан, инграб юборди. Сипоҳи унинг туришига ёрдам берди. Яна бақириқ эшитилди:

— Олиб бор, бу аблаҳни.

Домингуш камера деворига суялиб қолди. Унинг аъзойи бадани жунжикди. Ҳамма ёғига қалтироқ турди. Кўйлаги қамчидан яра бўлган елкасига ёпишиб қолганди. Юзлари шундай шишиб кетган эдики, кўзини очиши қийинлик қиларди. Патос бойлаб кетган қовоқларини хиёл кўтариб, Домингуш қаршисида полициячини кўрди. У деворни ушлаганча оёқлари чалишиб, коридордан жуда секин юриб кетди. Сипоҳи уни туртиб борарди.

Тун. Денгиз томондан ёқимли шамол эсиб, шаҳар узра кезарди. Баланд деворлар ёнида ёмғир ювган дарахтлар

макнишарди. Қоп-қоронғи осмондаги юлдузлар худди катта санзаладаги хурмо мойи билан ёнадиган чироқларга ўхшаб милтирашарди. Улар тепасида ойнинг улкан оқ гардиши осилиб турарди. Шамол одамлар овозини, қизларнинг кулгусини олиб келарди. Бу кеча ҳамма ёқ осойиш эди. Аммо бу кеча сукунати ва осойиши баланд деворлар ва тўлат панжаралар орқасида азоб тортаётган одамлар юрагида умид ёки аламли соғинч пайдо қиларди.

Сипоҳи Домингушни охириги тергов берган хонасига олиб келди. Бу ерда ҳеч нарса ўзгармаган эди. Фақат стакан синиқлари ғойиб бўлган эди. Ундан ташқари, бурчакдаги столчада ёруғ чироқ ёниб турарди. Бир варақ қоғоз ҳамон машинкада осилиб ётарди.

Сипоҳи хонадан чиқиб кетди. Домингуш бирдан қорнида қаттиқ санчиқ сезди. У уйдан олиб кетилганидан бери фақат бир кружка қаҳва ичиб, бир бурда нон еганини эслади.

Ташқарида полициячи полиция бошлиғи билан сўзлашарди. Уларнинг сўзини англаб бўлмасди. Кейин бошлиқ бир нима деб буйруқ берган эди, сипоҳи аллақасерга чопганча кетди. Эшик очилиб, хонага полиция бошлиғи кириб келди. Унинг кўзлари кўзойнак орқасида яна ҳам кичрайгандек, гавдаси яна ҳам жиккак бўлиб, ўзи яна ҳам қаҳрга мингандек кўринди.

— Бугунги кеча ажойиб. Иккинчи марта учрашяпмиз. Ишларинг қалай?

Домингуш лабларини қисганча, бу сўзлардан кейин нима бўлишини кутиб турди. Унинг орқасидан сездирмай келган полициячи қулоғидан чўзди-да, бор кучи билан гарданига туширди. Домингуш гандираклаб кетди, аммо полициячи уни ушлаб қолиб, тиржайди-да, стулга ўтқазиб, кечирим сўради. Бошлиқ стулга ўтириб, кўзойнагини яхшилаб артаркан, сўради:

— Нима дейсан, бугун гапирасанми? Қайсарлигинг феълимни айнитяпти.

Домингуш жавоб бермади. Бу одамлардан энди ўзини ҳеч нарса қутқара олмаслигини тушунган эди. Улар Домингушни гапиртириш учун ҳеч нарсадан қайтишмайди. Аммо у ҳеч нарса айтмайди. Уни ўлдиришса ҳам майли. Азобланган танаси ўзиникига ўхшамасди. У кесилган ва ёрилган лабларини қисганча сўзсиз турарди.

— Шундай қилиб сен, ўша оқ танли кимлигини билмайсанми?

— Билмайман.

— Бернардо Соуза қаердалигини билмайсанми?

Домингуш ҳамон жим турарди. Шунда полициячи секин орқасидан келиб маҳбуснинг қўл ва оёғини стулга танғий бошлади. У арқонни сириб тортаркан, Домингушнинг гоҳ у қулоғига, гоҳ бу қулоғига энгашар, иссиқ нафасини тегизиб сўзлар эди.

— Биз сени огоҳлантирдик. Сен негр бўлсанг, ишонмадинг. Бу ёғи ёмон бўлади. Яхшиликча гапирмадинг, энди тилга кирасан. Ухламасак, ухламаймизу, лекин сенинг бўйнингга қўямиз.

Бирдан Домингуш қаттиқ оғриқ сезиб, бақриб юборди. Полициячи унинг думбасига игна суқди-ю, бақриқни өшитиб, хурсандликдан кулиб юборди. Ахир бу шунчаки ҳазил эди-да:

— Буни қаранг-а, сезар экан-ку...

Шифтдаги чироқ ўчди. Бошлиқ кўзни кўр қилувчи чироқли рефлекторни Домингушнинг кўзлари олдига олиб келди. Унинг кўз олдидаги ҳамма нарса қип-қизариб кетди. Оташ каби ҳарорат юзини куйдирди. Полициячи унинг юз ўгиришига қўймай, гоҳ у юзига, гоҳ бу юзига урарди. Бошлиқ бўлса, этик пошнаси билан унинг шишиб кетган яланг оёқларини босди-да, тағин сўради:

— Гапирасанми? Уша оқ танлининг оти нима?

Турли саволлар ёғилар, лекин бу савол тинмай тақрорланарди. Чироқ юзларини куйдирди, қулоқларидан қон кел-

ди, полиция бошлигининг этиклари бўлса, унинг шишиб кетган бармоқларини мажақларди. Лекин Домингуш гинг демасди.

Қутуриб кетган полициячи қафасга тиқилган ваҳший қайвондек оғир хўрсинди-да, унинг дуч келган ерига ураверди. У ғазаби ошгандан-ошиб, бўралаб сўкарди. Бошлиқ бўлса Домингушнинг оёқларини мажоқлаганча, бир маромда:

— Оқ танлининг исми нима? Гапир! Гапир!— деб такрорларди.

Домингушнинг қайсарлиги, полициячининг ҳансираши ва ўзининг овози бошлиқни қутуртириб юборди. Ғазаб ва нафрат уни бўғарди. У яна бир марта бақариб, саволни такрорлади. Домингуш минг азоб билан лабларини очиб: «Ҳеч нарса айтмайман» дегандан кейин унинг кўз олдидан бошлиқнинг қиёфаси «лип» этиб ўтди-да, рефлектор зарда билан нари суриб қўйилди, яна мушт устига мушт ёғилди. Стул қийшайди-да, ерга ағдарилиб кетди. Бошлиқ Домингушнинг кўкрагига миниб олиб, бўкирди:

— Ҳа, итвачча, негр! Билмайсанми? Гапирмайсанми? Майли, ҳали шундай-гапирасанки! Перейра да Гунья! Ур уни! Нега қараб турибсан? Тилга кирмагунча уравер!

Полициячи Домингушга ташланиб, арқонни ечди-да, уни қопга ўхшатиб кўтариб, ерга ташлаб юборди, башарасига тепди. Аммо Домингуш энди оғриқни сезмасди. Бошлиқнинг чинқироқ овози унга худди узоқ-узоқлардан эшитиларди.

— Гапирасанми — йўқми итвачча?! Гапирасанми — йўқми? Улдираман сени! Улдираман!

Домингуш жилмайди. Ахир у ўлиб бўлди-ку. Уни ўлдириб бўлишди-ку. У энди мурдага айланган. Энди унинг фақат синган оёғи оғрирди. У жилмаяр, лекин оғзидан, қулоғидан, бурнидан тилка-пора бўлиб кетган қўйлагига, жасадига, ерга оқаётган қон полициячини ва деворни бўяр-

ди. Қоннинг бемалол оқиб чиқишини, жасаднинг бўшаб, енгил тортиб қолишини сезиш, ҳузур бахш этарди. У ҳеч нарса айтмаганидан хурсанд эди. Унинг шўртак кўз ёшлари оқиб, қон билан аралашиб кетди.

Қамоқхона деворлари орқасида юлдузлар милтирарди. Салқин шабада ташқаридаги ҳаёт саломини топшириш учун тош деворлар ошиб, ичкари кирарди. Домингуш шу ҳаётга хиёнат қилмади. У ҳали фикр юритар, назарида қаердадир олис-олисда, ўзи туғилган ердан бошланиб, денгизга югурувчи дарёнинг мовий тўлқинларида чўмилаётгандек бўларди... Сув ҳамон оқарди... Сипоҳи уни қандай қилиб ҳовлидан судраб борганини ва катта камерадаги ухлаб ётган одамлар устига улоқтириб юборганини Домингуш сезмади. Ерда, қамоқхона ҳовлисида қон излари қолган эди.

Бутун шовқин-сурон тун бағрига сингиб кетди. Сипоҳи камерага Домингушнинг ҳаёт асари сезилмайдиган жасадини улоқтирганда тонг яқинлашиб қолган эди. Эшикнинг гичирлаши маҳбусларни уйғотиб юборди. У ердагилар қоронғиликда янги маҳбус кимлигини билишга уриниб, кўзларини катта-катта очиб қарашди. Улар сипоҳи қандай қилиб эшикка калит солиб қулфлаганини, эшик орқасига танбани тираб, биров билан секин-секин гаплашиб, узоқлашганини эшитишди.

Юлдуз тўла булутсиз осмонда тўлин ой нур сочарди. Сутдек ойдин панжаралар орасидан ўтиб, ерда ётган гавдаларни ёритарди.

Бу ерда одам кўп эди. Улар бўйрасиз тағларига бирор нарса тўшамай, шундоққина цемент устида латта-путтага ёки эски одеялга ўралиб ётишарди. Бу ерда хўжайини ҳайдаб юборган хизматкорлар, пропускасиз қўлга тушган ишсизлар, қовоқхоналарнинг ҳаминиша очиқ эшикларидан тутиб келинган пианисталар, чўнтаккесарлар, дайдилар бор эди... Энди ягона тақдир ва йўл қурилишидаги мажбурий иш уларни бирлаштирган эди.

Яна битта шундай шўр пешонанинг келиши жуда ҳам лоқайдлик билан қарши олинган эди. Кимдир норозиликдан тўнғиллаб қўйди-ю, лекин ҳеч ким ҳеч нарса сўрамади. Эрталаб, ишга жўнаш олдидан улар бу маҳбус ким эканлигини билиб олишади.

Лекин сипоҳи узоқлашиб, оёқ товуши эшитилмай кетгандан кейин яна тинчлик чўкканида у одамнинг қимир этмай ётиши бирдан ҳаммага ғалати туюлди.

— Ҳой, биродар! Сурилсанг-чи, мана бу ерга ёт.

Баланд бўйли, бақувват бир одам Домингушни чалқанча ётқизиб қўйди. Унинг қонли юзига ва ифлос, дабдала кўйлагига сўтдек ойдин тушди. Одамлар шумшук ўлим нафасини ҳис этишди. Лабларида табассум қотиб қолган бу дабдала чеҳра, одамларга қўрқинчли кўринди.

Қандайдир бир бола энгашиб, Домингушнинг юзини рўмолчаси билан авайлаб арта бошлади. Баланд бўйли, бақувват одам ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини силкиди-да, яна жойига ётиб олди. Оғзидан вино ҳиди келиб турадиган чол хўрсиниб йиғлай бошлади. Одамлар Домингушни ўраб олишди. Кимдир йиртиқ одеял олиб келиб озғин, азоб берилган жасадни ёпиб қўйди. Бола ҳамон рўмолчаси билан қонга беланган нотаниш юзни артарди.

Унинг чеҳраси беозор эди. Домингуш билинар-билинемас нафас олар, кўкраги деярли кўтарилмасди. Ҳар гал билинар-билинемас нафас олингандан кейин оғзининг бир чеккасидаги силқиб чиқаётган қонни бола артиб оларди.

Домингуш Шавиернинг кўзлари юмуқ бўлиб, у қимирламас ва инграмасди. Ҳар бир олинган нафас унинг ўлимини яқинлаштирар эди. Атрофига одамлар тўпланишиб олиб, ўлаётган одамга чўнқайишганча қараб ўтиришарди. Бир йигит эски калта камзулини эғнидан ечиб, нотаниш одамнинг кўкрагига ёпиб қўйди. Энди унинг панжарадан тушаётган ой нури ёритаётган юзигина очик қолганди. Пияниста чол бурчакда ҳамон ўксиниб йиғларди... Ой ка-

мерага боқиб, Домингушнинг хушбичим, вазмин чеҳрасини ёритарди.

Қон оқиши секинлашиб, нафас олиши заифлаша борди. Етган одам устига энгашиб, бола шивирлади:

— Айюэ, ухлаётганга ўхшайди.

Гапинг тўғри, бола. Домингуш Шавиер ҳаловатни ўлимдан топиб, ўз биродарлари учун уйқуга кетди. У кундуз билан кеча учрашадиган тонг чоғи уйқуга кетди. У Домингуш Шавиер ҳақидаги ҳикояларга, қўшиқларга кўчиб, ҳар кеча янгидан тирилиш учун уйқуга кетди.

Фундалик<sup>1</sup> йигитча бошини қуйи солиб, оғир-оғир тебранган ҳолда паст овоз билан ғамгин куйлай бошлади:

У бизнинг чин дўст эди,  
Лек уни ўлдирдилар.  
Улди, лекин дўстларга  
Меҳри эди бир дунё.  
Маъли, сокин ухласин,  
Биз қўшиқ тўқигаймиз,  
Уша чин дўст ҳақида.  
Дўст дўстни ҳеч унутмас,  
Унутмағайдир асло!

Шундан кейин қамоқхона деворлари ичидан одамлар овози эшитилди. Қўшиқ тонги ёқимли шамол қанотларида тез ва енгил учиб, муссекларга бориб етди.

Ҳатто камерага отилиб кирган сипоҳиларнинг қамчилари ҳам, бу қўшиқни тўхтата олмади.

## IX

Янги қамоқхонанинг баланд деворлари яқинидаги муссекда яшовчи одамлар ҳар шанбада бир ҳодиса такрорланишини анчадан буён сезиб юришарди. Кеч бўлди дегунча

<sup>1</sup> Фунда — муссеклардан бирининг исми.



қамоқхона дарвозаларидан биронта одамнинг хотини ёки онаси дод-фарёд кўтариб чиқарди. Бу ҳодиса бир-икки мартагина такрорланиб қолгани йўқ. Оғир, қуйма темир дарвоза бебахт аёл орқасидан ёпиларди-да, у бечора ўз дардига ўзи йиғлаб, муссеклар кўчасидан ўтарди.

Эрта тонгда бу ерга ориқ ва новча маҳбусни олиб келишгандан кейин кекса Петело чол набирасига:

— Яхшилаб қараб юр, ўғлим. Қамоқхонага яқинроқ жойда ўйна, у ерда нималар бўлаётганини билиш керак,— деб тайинлаб қўйганди.

Шундан кейин ҳар тонгда бобоси ўша гапни Зитонинг эсига солиб қўярди. Бола бўйнига рогаткасини осганча, югуриб чиқиб кетарди-да, ўртоқлари билан қамоқхона девори ёнида от-от ёки қароқчи-қароқчи ўйнашар, ё бўлмаса латта копток тепишарди. Баъзан у коптокни атайлаб нақ қамоқхона дарвозаси олдидаги дарахт тагига тепиб юборарди-да, орқасидан югуриб борар, келаётган машиналарга қараб оларди.

Болаларнинг битта яхши кўрган ўйини бор эди. Ҳар оқшом улар дарахт тагига ўтириб олиб, турли рангдаги соққачаларни юмалатишарди. Зито бу ўйинга уста эди. Ҳеч ким унчалик ўз соққачаси билан бошқаларнинг соққачасини чуқурчага уриб туширишга уста эмасди. У ҳамма болаларнинг додини берарди. Муссекларда сукунат ҳукмрон бўлган ана шу шанба оқшомида ҳам улар ўша ўйинни ўйнашарди. Эрталаб одамлар ишга боришмас, баъзилар дам олишар, баъзилар қовоқхоналарга кириб олиб, ҳаёт машаққатларидан шивирлашиб ўтириш учун жўнашарди. Сув қўшилган пиво ичишиб, бир оз ҳангомалашгач, хаёл суриб ўтиришарди-да, кейин уй-уйларига таркаб кетишарди. Оналар ўғилларининг шимини дазмоллашарди. Негаки, шанба кечаси — бу рақс кечаси бўларди-да. Муссеклар бошига кора кунлар келганига қарамай, баъзи-баъзи жойларда кеча уюштириларди. Ҳаёт ҳамиша ўлимдан кучли-да!

Зезиньо билан Камабуиндо Зитога хасад билан тикилиб туришарди. Ҳозир у Тонеконинг соққачасини уриб чуқурга тушириши керак. Унинг ҳечам омади келмади, аяш нималигини билмайдиган Зито эса ўз соққачаларини ерга қўйди-да, ўрта бармоғини таранг тортиб, мўлжалга олди-ю, бир урди! Лекин соққача Тонеконинг соққачасига тегмай, ёнидан ўтиб бориб, чуқурга тушди. Негаки, худди шу пайт кўчада бир аёл кўринганди. У қўлига боласини кўтарганча, аста-секин қамоқхонага яқинлашиб келарди. Зито қотиб қолди.

Аёл катта дарвозага етиб келиб, қўнғироқ қилди. Бу Мария эди. У ўғилчаси Себастьянини кўтариб Домингушдан хабар олгани келганди.

Шаҳар қамоқхонасига боргандан кейин Мария уйига қайтиб кетмоқчи бўлганди. У изтироблардан меровланиб қолди, қалбидаги сўнгги умид учқунлари ҳам сўнди. Мария кетмоқчи эди-ю, аммо Тэте дугонасини бу шахтидан қайтарди. У дугонасига ялиниб-ёлбормади ҳам, у билан баҳслашмади ҳам... Оддий кишилар дўстликни сўзда ишботлашмайди. У Марияга яхши ухлаб туришни маслаҳат бериб, жойига ётқизди-да, Себастьянга бемалол қарасин, деб эрталаб барвақт ўғилларини етаклаб, уйдан чиқиб кетди. Ҳамма иш Тэтенинг қўнғилидагидек бўлиб чиқди.

Емғир ёғиб ўтган мусаффо осмонда чарақлаб чиққан куёш шанба куни эрталабданоқ муссеклар кулбасига ёрқин нур сочарди. Тэте кетишидан олдин дугонасидан уй ишларига қарашиб юборишини илтимос қилди. Мария ишга киришар экан, қалбида яна умид пайдо бўлаётганини сезди. Соу Кардозо тунги ишдан қайтиб келди. У кечқурун қурилишдаги ишга бормайдиган бўлгани учун Себастьян билан ўйнашиб ўтирди.

— Менга қара, Мария, сен қидиришдан воз кечмаслигинг керак... Ахир полицияга шу керак-да, сен эрингни қидиришни бас қилишинг, уларнинг жонига тегмаслигинг

керак-да. Агар сен ўглингни кўтариб, у ерга бора берсанг, улар Домингуш қаердалигини айтишга мажбур бўлишади.

Мария бунга кўнди. Лекин Домингушнинг бир неча кундан бери қамоқда азоб чекаётганини ўйлаб, ҳаҳар қамоқ-хонасидаги сипоҳининг сўзларини эсларкан, яна ҳафсаласи пир бўлди. Бироқ соу Кардозо бўш келмади. У митти Себастьян билан ўйнашар ва Марияни аламли ўйлардан чалғитиш учун бўлар-бўлмас нарсалар тўғрисида гапириб ўтирарди. Соат бешларда Мария ўғлини кўтарганча Янги қамоқхонага жўнади.

Шамол йўл ёқасидаги мулембалар баргларини шитир-латарди. Болалар қизил тупроқда ўз одатий ўйинларини ўйнашарди. Аёллар ва қизлар кир ювишар ёки дазмол босишарди, эркаклар бўлса, кулба деворига суянганча секин-секин гаплашиб туришарди. Шанба оқшомидаги осойишталик Марияга ҳам таскин берарди. Овозини пасайтирганча ўғли Себастьян билан гаплашиб, у қамоқхона девори олдида ўйнаётган болалар ёнидан ўтиб кетади.

Қамоқхона дарвозасига яқинлашаётган аёлни кўрган Зито мўлжалини йўқотиб қўйиб, Тонеконинг соққачасига теккизолмай қолади. Тонекко суюнганидан ирғишлаб, бақриб юборди-да; соққачаси олдига чўнқайди:

— Мана, ҳозир кўрасан, Зито, ютиб оламан!

— Кўзингга қара, яхшилаб пойла!—сўз қўшди Камабуиндо.

Зито ҳануз аёлга тикилганча ҳеч нарса демади.

Эшик очилиб, остонада пайдо бўлган сипоҳи ниманидир сўради. Бола кўтарган аёл қамоқхонага кирди. Шунда Зито ўйинни ҳам, ўз соққачасини ҳам унутиб уйига чопқиллади. Тонекка, Зезиньо, Камабуиндолар унинг орқасидан бақиришганча қолишди:

— Қўрқоқ! Ютқаздинг, уйингга қочасан! Фирром.

Лекин Зито ҳеч нарса эшитмай, бошини эгганича, кичкинагина кулба томон югуриб борарди. Кекса Петело,

одатича, эшик олдида ўтириб, ботаётган қуёшнинг сўнгги нурларида исинаркам, трубка чекарди.

— Бува, тез юринг. Қамоқхонага бола кўтарган аёл келди.

Кекса Петело чарчоқ кўзларини пирпиратиб, шахдам ўрнидан турди. Зито унинг қўлидан ушлаб олиб, кулбалар орасидан бошлади. Кекса Петело трубкасини чўнтагига солиб, йўлда набирасидан уни-буни сўрай бўшлади. Лекин Зито аёлни яхши кўриб улгурмаган эди. Унинг қўлида йўргакланган боласи борлиги аниқ эди. Ўйин билан овора бўлганидан унинг юзини яхши кўра олмаганди.

— Мен сенга айтувдим-ку, ўғлим, синчиклаб қарагин, деб.

— Мени қарамади деяпсиэми, бува? Мен сизга у хотин чиққунча пойлаб туринг деяпман-ку.

— Агар у чиқмаса-чи?

Улар баҳслаша-баҳслаша қамоқхона олдига етиб келишганда, болалар ўйинларини тамомлашган экан, яна Зитони сўка бошлашди.

— Қўрқоқ! Алдоқчи! Фирром!

— Ютганингда ўйнаб, ютқизганингда қочиб кетгани уялмайсанми? Қўлимизга тушасан-ку ҳали, ўшанда таъзирингни бериб қўямиз.

Зито индамай ерга эгилди-да, тош олиб, ўртоқларига отди. Тонекко, Зезиньо ва Камабуиндолар югуриб қочишаркан, қаттиқ бақриришарди:

— Такуимоши! Такуимоши!

Болалар ўй орқасига қочиб кетишгандан кейин Зито бобосини тошга ўтқазди-да, ўзи хомуш чўнқайиб, ерга одамчалар суратини чиза бошлади. Кекса Петело қамоқхона эшигидан кўзини узмай, чўнтагидан доимий ҳамроҳ трубкасини олди.

Орадан унча кўп вақт ўтгани йўқ. Қуёш денгиз яқинидаги тўқ сариқ осмонда пасаяркан, кеч кириб келаётганини эслатиб, салқин шабада эди. Бирдан қамоқхона дарвозаси

ланг очилиб, остонада зор қақшаб Себастьянни кўтариб олган Мария кўринди. У шундай қаттиқ чинқирардики, овози бутун муссекларга тарқаларди. Елкасидан сидири- либ тушган чипор рўмол тупроққа қоришиб ётарди. Кўз ёшлари дарё бўлиб оқар, Себастьян ҳам кишининг раҳми келадиган даражада чинқирарди. Шамол Мариянинг кўй- лагини кўтарар, аммо у ҳеч нарса сезмасди. У чўккалаб олиб, қизил тупроқни муштларди. Митти Себастьян бўлса, йўргакдан ечилиб кетиб, кўз ёшларини ютиб қип-қизил қумда яланғоч думаларди. Кулбалардан хотин-қизлар югу- риб чиқа бошлашди. Баъзилар кўрқиб, олисроқда қараб туришар, баъзилар эса бебахт аёлни силаб-сийпашарди. Мария дод солиб йиғларди.

— Вой бечора, бечора эргинам-эй! Айюэ, уни ўлди- ришипти. Айюэ, энди мен ҳам ўламан, энди мен ҳам ўла- ман,—хўнграганча шу сўзларни такрорларкан, бошини ерга урарди.

Аёллар митти Себастьян устига энгашишди. Бир қиз уни ердан кўтариб олиб, этаги билан унинг ҳўл юзчалари- ни арта бошлади. Одамлар нотаниш аёлга тасалли бериш- га уринишарди. Унинг чекаётган изтироби чексиз эди. Лекин Мария уларга кўзларини катта-катта очиб қараёт- ган бўлса ҳам, ҳеч кимни кўрмасди. Одамлар унга кўлла- рини узатишар, алланарсалар деб шивирлашар, аммо унинг ғам-андухи чексиз эди. Унинг аҳволини ким англай оларди? Айюэ, унинг эри, дўсти, митти Себастьяннинг отаси, Домингуш Шавиер... Энди Мария уни ҳеч қачон кўрол- майди. Ҳеч қачон. Уни ўлдиришди... Энди Мария буни биларди.

— Менга қара, сингилжон, буни қаердан биласан? Балки у тирикдир.

— Айюэ, мени ҳали у қамоқхонага, ҳали бу қамоқхона- га юборишди. Ҳамма ерда сипоҳилар мен билан гапла- шишди. Бу ерда бўлса... У менга қайрилиб ҳам қарамади.

Бир оғиз сўз ҳам айтмади. Бошини ҳам қилиб олди, негаки, шарманда бўлган эди. Биламан, биламан, энди мен биламан. Эримни шу ерда ўлдиришган.

У йиғидан тинмасди. Ҳорғин чеҳрали раҳмдил аёллар уни овутишга беҳуда уринишарди. Улардан бири жилмайишга ҳаракат қилиб:

— Йиғламагин, эгачи... Ҳали эрингни кўрасан,— деди.

— Йўқ, йўқ, ҳеч қачон кўрмайман! Айюэ, уни ўлдиришган. Энди мен биламан. Шунинг учун сипоҳи мен билан гаплашишни хоҳламади. Мен унинг кўзларидан билдим. Эримни ўлдирганларини биламан.

Овозлар тинди. Одамлар бахтсиз аёлга тасалли бериб бўлмаслигини тушунишди. Фақат бир неча оналаргина уни ҳамон юпатишарди. Шундан кейин аёллар Мариянинг у ёқ-бу ёғини тузатиб қўйишди, орқасига митти Себастьянни танғиб қўйишди, кетидан анчагача хомуш қараб қолишди: эридан жудо бўлган аёлнинг кўз ёшлари тийилмасди.

Кекса Петело бебахт аёлни юпатганлардан қамалган одамнинг исми кимлигини билиб олди-да, ҳамма гапни тушунди. Утган куни эрталаб қўл-оёғини боғлаб зангори машинада олиб келинган, ориқ ва новча одам ўлдирилипти. У ўлипти.

Аёллар бир-бирлари билан паст овозда гаплашиб, секин-секин тарқалишаркан, бебахт дугоналарига ачинишарди. Шу оғир замонда ҳеч ким ўз бошига қачон кулфат тушишини билмасди!

Шаҳарга тун тўсатдан тушди. Узоқдаги Майонга тепалигида хира шамчироқлар ёқилди. Улар ҳамон қаршилик кўрсатаётган муссекларнинг ҳар томонидан ўраб олиб, тепалик томон сиқиб бораётган оқ шаҳарнинг электр чироқлари нурида зўрға-зўрға сезиларди. Набирасининг қўлидан ушлаб олган кекса Петело унинг қулоғига алланарсаларни шивирлаб, шошилганча, Пренда томонга кетди.

— Байрам албатта бўлади, биродар! Бўлмайди, деб ким йтди сенга? Ким? Ҳа, ўша аҳмоқ полициячими? Майли, агар учратиб қолсам борми, тумшугини ёраман! Албатта ёраман! Уғил бола гап шу! У мени яхши танийди, қўрқади мендан. Гап шунақа, биродар. Мен уни аллақачон билиб олганман. Мени кўрса қочиб қолади... Мени жиу-житеу приёмларини эсидан чиқарган деб ўйлайсанми? Йўқ, биродар, эсимдан чиқарганим йўқ! Шу маҳалгача мени ҳеч ким ушлай олгани йўқ. Бу иш ҳеч кимнинг қўлидан келгани йўқ... Албатта келгин, Шико, албатта келгин-а! Жоан сен ҳам, сен ҳам Тетеко, келинглар. Нега деяпсанми? Чунки бу байрамга «Нгола» келади. Бу — бизнинг барча дўстларимиз билан, ўз мусиқамиз билан, ўз қўшиқларимиз билан, миллий таомларимиз билан бўладиган умумий байрамимиз. Сен тентак, нега деб сўрайсан-а. Тамоми ишингни йиғиштириб қўйиб, албатта келгин. Қизингни ҳам ола кел. Албатта бирга келинглар.

— Ҳаммасини тушунаман, Гильермина. Лекин кўнглим ҳадиксираяпти. Ҳозир бу байрамни қандай қилиб ўтказиш мумкин? Кўз олдимга келтиролмаёйман. Шундай деб ўйлаётган бир мен эмас. Фефа ҳам шундай фикрда. Иложи йўқ...

— Қўйсанг-чи, Марселина! Ҳамма нарса сенга олабўжи бўлиб кўринади...

— Хўш, нима дейсан, борамизми, йўқми? У ерда «Нгола» ҳам бўлса, қандай қилиб бормасдан бўлади? Қўй шу ҳадикларингни. Мен жуда яхши тушуняпман, аммо соу Лиссу ва Америнасиз ўтган байрам байрам бўладими? Лекин ҳар қалай, Зе Мария қўлига гитарани олиб,

«Мушима»<sup>1</sup>ни чалдими, ҳамиша йиғлаб юборгим келади. Сен Фонтиньони ҳам чақирасанми?

— Албатта-да, бу турган гап...

— Йўқ, дўстларим, бу менга ёқмаяпти, ёқмаяпти...

— Хўп, Гильермина, эсингдан чиқариб қўйма... Кўнглим ҳадиксираяпти!

— Уртоқларни огоҳлантириб қўйиш керак. Шундай қилиб ҳамма нарсани келишиб олдик. Ҳамма албатта келади. Ўз опа-сингилларингизга ҳам ювиниб-тараниб байрамга келишларини тайинлаб қўйинглар. Байрам байрам-дек бўлсин!

Олисдаги муссекарда ҳам, шаҳарнинг тор кўчаларида ҳам қаердаки, одамлар учрашиб қолиб, бир-икки оғиз гаплашгудек бўлишса, гап албатта байрам ҳақида борарди. Байрам шанба куни Ишчилар маҳалласида бўлиши керак эди. Тўғри, ҳамма ҳам байрамга таклиф этилавермади. Жуда эҳтиёткор бўлиш керак эди. Кулбалар орасида джиллар кундузи ҳам, кечаси ҳам изғиб юрарди. Полиция халқнинг яшашга ва шодликка бўлган ҳар қандай интилишини бўғиб ташлашга уринарди.

Аммо бир-бирини яхши билган йигит-қизлар унда албатта қатнашишлари керак эди. Мусунданинг уйида бўладиган байрам уларнинг барига аён эди. Улар ўзлари ишонмаган одамларнинг биронтасига ҳам ҳеч нарса дейишмади. Таклиф қилинганлар «Нгола» бўлишини — ангола музикаси, ангола таомлари ва ангола кийимлари бўлишини билишарди. Албатта бўлади. Бразилия ва Куба музикалари ҳам чалинади-ку, аммо энг яхшиси банта билан меренги. Португалия радиоси эса гапирмайди Йўқ! Ҳаммаси фақат ангола халқиники бўлади. Бу ангола халқининг байрами бўлади.

Эрталабданоқ оналар ва қизлар байрамга олиб бориш учун энг яхши таомларни пишира бошлашди. Сарик китаба

<sup>1</sup> Мушима — оммавий қўшиқ, кимбунду тилида «юрак» дегани.



ва банан баргларига ўралган ажойиб киквангилар<sup>1</sup> пиширишди. Макезулар хушбўй бўлиши учун ўғилларини бозорга эртaroқ бoриб кола ёнғoқ ва Имбирь ёнғoқ олиб келишга юборишади. Баъзи пазанда аёллар байрамдаги ўйинчилар эрталабгача ўйнаб толиққанларидан кейин ичиб олишса, янгидан куч кириб рақс тушишлари учун балиқдан мазали музонги шўрвалари пиширишди. Успиринлар ертўлаларга қўйиб, салқин қилиб ичиш учун вино, пиво ва китотларни илгарироқ сотиб олишди. Бақалоқ оналар ва қариликдан қуруқшаб кетган бувилар тайёрланган таомларни безатишар, ўчоқдаги оловни пуфлашар экан, ҳозирги ёшлар массамбага рақс туша олмаслигига афсусланиб, қадимги рақслар унутилаётганини хотирлашарди. Эндигилар чача-ю, меренгига рақс тушишарди, холос.

Олис Прендадан, Боавистадан ва бошқа барча муссеклардан қиз-ўйигитлар тўпланиша бошлашди. Баъзилар ошналаридан бирининг машинасида гердайиб келишарди. Машиналар олиб келган одамларини туширарди-да, бошқаларини олиб келгани жўнашарди. Гитаралар, созлардан нгома<sup>2</sup> садоси таралар ва Шоду диканза<sup>3</sup> да ажойиб оҳанг чалинарди.

О, зориқиб қутилган байрам! «Ботафого» клубини тарқатиб юборганларидан бери бундай байрам бўлмаганди. Бу ерга келган меҳмонларни болалар девор орқасидан кўриб олишарди-да, барча кўрганлари ҳақида оналари ва акаларига айтгани, яланг оёқ зинғиллаб уй-уйларига югуришарди. Бу байрамни уюштириш қанчалик машаққатли бўлгани ҳозир кўпларнинг ёдидан чиқиб кетганди. Ахир байрам ҳақида гап очилиши биланоқ келишмовчилик бош-

<sup>1</sup> Миллий таомларнинг номлари. Китаба — ерёнғоқ пирожнийси, кикванги — манюка увига зираворлар қўшиб тайёрланган пирожнийлар, макезумонюка — унга зираворлар қўшиб қилинган бўғирсоқлар.

<sup>2</sup> Нгома — турли катталикдаги жамланган тамтамлар.

<sup>3</sup> Диканза — ксилофон туридаги чолғу асбоби.

ланган эди. Мусунда, байрам албатта бўлиши керак, деб қаттиқ туриб олди. Аммо қамалган кишиларнинг оилалари бунга рози бўлишмади.

— Йўқ, биродар Мусунда. Бунинг имкони йўқ! Флоррион, Зека ва бошқа дўстларимиз қамоқда ўтирса-ю, биз байрамда теримизга сиғмай қувонсак. Бундай бўлиши мумкин эмас, йўқ. Хурсандлик қўнглимизга сиғмайди.

Мусунда дўстларини хотиржам қилишга уриниб:

— Менга қаранглар! Оға-иниларимиз қамоқда эканлиги рост! Аммо сиз билан биз яшаб турибмиз, яшашда давом этаймиз. Кунимиз ўтяпти!—деб ишонтирарди.

— Ҳа, кунимиз ўтяпти, албатта!

— Нима учун сизлар қамоқдаги оға-иниларимиз бизни ўлган деб ўйлашларини хоҳлайсизлар? Нега биз индамай турамыз, наҳотки бизнинг овозимиз ўчган ёки ўлган бўлсак?

— Йўқ, Мусунда, йўқ.

Баҳслар авжига чиқди. Баъзилар байрам қилиш тарафдори эди, чунки бу байрам халқнинг хоҳишини, унинг яшашга ҳаққи бор эканлигини исботлаши керак эди. Бу байрам ҳеч қанақа қамаш, таъқиб қилиш билан халқни бўғиб ташлаш мумкин эмаслигини кўрсатарди.— Бундан ташқари,— деди Мусунда,— қамалган дўстларимиз ҳам шу байрамда иштирок этишади. У ерда, қоронғи қамоқда улар қўшиғимизни, куйимизни эшитадилар, биз уларни эсдан чиқармаганимизни билишади. Бу байрам уларнинг матонатига аҳтиромимизни ифода этади. Чунки қамалган оға-иниларимизнинг ҳаммаси қамоқда ўзларини асл қаҳрамонлардек туттишапти.

Турли фикрлар баён қилинди. Баъзилар ўртоқларга бирдамлик кўрсатиб, мотам либосларини кийиб, уларнинг тақдиридан қайғураётганлигимизни исботлаш керак, дейишса, бошқалар яна бошқа фикрлар айтишарди. Аммо

аста-секин байрам тарафдорлари кўпайиб ва ахири кўпчилик тикувчи Мусунда тарафига ўтди. Байрамда «Нгола» қатнашиши маълум бўлгандан кейин эса, баҳслар тўхтади. Ангола музикаси! Фақат ўзимизники, ўз халқимизники!

Байрам ҳақидаги гап жума кuni кечқурун узил-кесил ҳал бўлиб, ҳамма ерда шанба оқшомида бўладиган кечага тайёрлана бошлашди. Энди фақат ёмғир халақит бериши мумкин эди. Аммо шу кuni кечгача осмонга булут чиқмади. Улар бекорга ташвиш қилишган экан. Кечага ҳамма шодлик билан тайёргарлик кўра бошлади.

Байрам соат тўққиз яримда бошланди. Рақс тушувчи дастлабки жуфтлар ҳам ўртага тушишди, лекин рақсни хоҳламаётгандек имиллашарди. Аёллар бурчакларда туришиб қизларининг ясан-тусани ҳақида шивирлашар, муссеклардан йиғилган олифта йигитлар эса шимларини бир-бирига кўз-кўз қилишарди. Мусунда ҳамма билан хушнуд саломлашиб, гоҳ у тўдага, гоҳ бу тўдага борарди. У ҳар ким учун алоҳида ширин сўзлар топар, ёшлар бу кечада яқдил эканликларини яққол ҳис қилишарди. Тикувчи бир чеккага ўтиб кетгандан кейин одамлар:

— Ҳа, оғайнилар, бу Мусунда жуда ақлли-да. Биз унга тўла ишонсак бўлади.

— Тўғри, оғайнилар, орамизда танҳо у,— дейишарди.

Ниҳоят Мигел ҳам синглиси Бебиана билан бошлашиб келди. Мусунда уларни маъноли жилмайиш билан қарши олиб қизни меҳр билан қучди-да, кейин иккаласини ёшлар йиғилиб турган сершоҳ дарахт тагига бошлади. Шико Бебианага маҳлиё бўлиб боқаркан, қиз ундан гитарани олиб, бирор нарса чалиб беришни илтимос қилди. Атрофда йигит-қизлар бир-бири билан сирлашиб ёки ҳазиллашиб рақс тушишарди. Ҳамма ёқ хурсандлик эди. Фонтиньо қўшиқ айтар, Зе Мария бўлса, гитара билан қизиқ ҳаракатлар қилиб, ҳамманинг олқишига сазовор бўларди. Ҳамма бир-бири билан у ёқ-бу ёқдан гаплашар, кулишар, ким

нима хоҳласа: виноми, мева шарбатими, китото ёки пивомини чарди.

Мусунда Мигелнинг тўғонга бориб келгани ҳақидаги ҳикоясини тингларди. Йигит аввалига маҳбусни биладиган одамни анча қидирганини, кейин ҳаммасини билиб олганини секин овоз билан ҳамма икир-чикирларигача қолдирмай, сўзлаб берди. Мусунда жуда хурсанд бўлиб жилмайди.

— Мана шундоқ бўлди. Сен мабодо бошқа ҳеч кимни учрата олмасанг, ўшани топгин, девдинг. Қидириб, қидириб ҳеч нарса билолмадим. Ҳатто онаси ҳам айтмади. Кампир билан бирга тушлик қилдик-да, сўнгра сен айтган одамни излаб кетдим. Биласанми, мен уникига борганимдан кейин, ноқулай аҳволда қолдим... Мен уэр сўраб, қайтиб кетмоқчи бўлдим. Мен қурилишда яна шунақа исмли одам бор бўлса керагу, сен адашгандирсан, деб ўйладим...

Мусунда ҳамон жилмайиб тингларди. У ҳовлига кириб келаётган дўстларига бош ирғаб қўяр, саломлашиш маъносида қўл силкирди-ку, аммо бутун диққат-эътибори шу ерда — Мигелда эди.

— Аммо ошна, адашмаган экансан. Бу одам ўшанинг худди ўзи экан. Инженер соат олтига уйига боришимни айтиб, йўлларни тушунтириб берди. Кетишга отланганимда ганграб қолдим. У менга, ёнимизда ўтирадиган чертёжчи эшитадиган қилиб, «Балки сени ишга жойлаштириб қўярман. Уйимга келгин!» деди.

Рақс тобора қизиб борарди. Жуфт-жуфт йигит-қизлар бир маромда тебранишар, гоҳ у ёққа-гоҳ бу ёққа сурилишар, ҳавода қўшиқ янграрди. Зе Мария ҳали ҳам ўз гитараси билан ғалати қилиқлар қиларди. Афсуски, энг яхши созанда Амарина байрамда йўқ эди. У анчадан бери қамоқда эди.

— Гапиравер, Мигел, охиригача гапир.

— Шундай қилиб, соат олтида мен ўша ерда эдим. Эшикни қоқсам, сеньора чиқди. У шундай навқиронки, худди қиз болага ўхшарди. У менга жилмайиб, ичкарига кириб, кутиб ўтира туришни буюрди. Атрофга алангладим — ҳамма ёқда инженер Силвестрининг китоблари. Ниҳоят унинг ўзи келди. У мен билан узоқ гаплашиб, сен тўғрингда ҳам суриштиргач, гаражга бошлаб борди. У ерда мен ўша йигитни кўрдим. Унинг ўрин-тўшаги ҳам, нима керак бўлса бари гаражда экан...

Рақс оҳанги тобора шитобкорлик касб этарди. Кичкина ҳовли одамга тўлиб кетганди. Рақс тушаётганларнинг оёқлари остидан қизил чанг кўтариларди. Кўтарилган чанг туфли ва чориқларга ёпишарди. Ошхонадагиларнинг қўли қўлига тегмас, ертўладаги муз солинган идишда эса янги-янги шишалар пайдо бўларди. Фонтиньо «Мушума»ни куйлаганида, Мусунда маъюсланиб:

— Эҳ, Мигел! Ҳар сафар шу қўшиқни эшитганимда, Лисеуни эслаб кетаман... Бечора дўстгинам... — деди.

— Мусунда, кўрасан, шундай кун келадики, ҳали у биз билан бирга қўшиқ айтади.

Мусунда жавоб бермади. У қамалган биродарлари ҳақида ва улар ҳамма учун қандай илҳомбахш ибрат бўлганлари тўғрисида ўйларди. Ҳар қалай бу байрамнинг уюштирилгани яхши бўлди. Маҳбуслар халқ шарафлашига арзигулик иш қилишди.

Рақс жонланиб кетиб, озгин, паст бўйликкина йигит эшикдан ҳовлига кирганини ҳеч ким сезмади. Унинг ёнида аллақандай, катта кўзойнак таққан, хушруй оқ танли бор эди. Фақат Мусунда уларни кўрди-да, дарҳол қарши олгани ошиқди.

— Соуза, кўрар кун бор экан-ку. Айюэ, дўстгинам-эй! Келганинг жуда соз бўлди-да. Силвестри, ишлар қалай?

— Ҳаммаси жойида Мусунда. Узинг қалайсан?

— Нима десам экан? Кўриб турибсиз-ку. Атрофга қаранг. Энди-чи, инженер, келинг, бир ичайлик!

Силвестри рақс тушаётганларга жилмайиб қараркан, розилик билдирди. Ховлининг ўртасида қизлар Шико Жоанни қуршаб олишганди. Уларнинг юракларига ўт тушиб қолиши шубҳасиз эди. Лекин ҳозир у билан (Шико уни бошқа қизлардан афзал кўргани учун мағрурланиб) Бебиана рақс тушарди. Бебиананинг беистисно барча дугоналари Шико Жоан билан биргаликда рақснинг ана шу ерига файз киритишни орзу қилишарди. Ахир у футболни қандай яхши ўйнаса, рақсга ҳам шунақа яхши тушарди-да! Ёлғиз Иренагина уй эгаси ва Соузинья билан сўрашиб келиш учун дугоналаридан ажралди.

Тикувчининг ўзи уста пазандалардек тайёрлаган ширинликдан татиб кўриш учун инженер Силвестри билан Мусунда уйга кириб кетишди. Соузинья билан Ирена эса ёнма-ён туриб, кўпдан буён гаплаша олмай юрган нарсалари ҳақида сўзлашишарди.

Шанба кечаси якшанбани кутиб олиш учун жуда тез ўтиб борарди. Рақс тушаётган жуфтлар қил-қизил ерга ангола рақсининг жимжимадор каштасини чизишарди. Зе Мария, Фонтиньо ва Тонекко байрамнинг жони эди. Йиғилганларнинг олқишлари остида яна бир қўшиқ тугагач, Зе Мария гитарасини тушириб, юзини оппоқ рўмолчаси билан артди-да, бундай деди:

— Дўстлар! Бугунки кечани кўнгилдагидек ўтказиш учун биз сизларга... ва бизни фақат олисдан туриб эшита оладиганларга бир нарса чалиб бермоқчимиз... Уларни ёдда тутайлик! Биз ансамблнинг асосчиси, биродаримиз тўқиган самбуни ижро этмоқчимиз. Карлос Анисетони ҳам-маларингиз биласизлар...

Гулдурос қарсақлар Зе Мариянинг сўнги сўзларини босиб кетди. Қўшиқ Нгоманинг бир маромдаги, вазмин зарблари билан бошланди. Шоду бошини қўйи солиб, ди-

канзада жўр бўлди. Фонтиньонинг фусункор овози янгра-  
ганда ҳеч ким рақсга тушмади, ҳамма қотиб қолди:

Дунё ўзи бешафқат, сангдил,  
Бир менгамас, дўстларга ҳам рост.  
Евузликнинг боиси нима?  
Ҳайрон бўлиб сўрайман холос!  
Саволимга берсалар жавоб,  
Унутарман билганим шу тоби!..

У куйлаганда пашша учса сезиларди. Йигит-қизлар  
сеҳрлангандек кўзларини Фонтиньодан узмай эшитишар-  
ди.

Қафасдаги инсон зотига  
Асло тушмас қуёшнинг нури.  
Мен ботганман тамоман ғамга,  
Бирор дам йўқ кўнгила ҳузур.  
Қамоқдаман дилимда алам,  
Курашмоқни истайман, ошнам.

Бирдан ҳамманинг эсига соу Лисеу тушди. У қамоқ  
деворлари ичида азоб тортаётганига қанча вақт бўлди!  
Унинг қамоқдан қачон чиқишини ҳеч ким билмайди... Хо-  
зир эса бу ерга унинг овози етиб келгандек, худди Зе Ма-  
риянинг қўлида янграб, Фигон чекаётган гитарани тагин у  
чалаётганини кўришаётгандек бўлди одамлар. Оҳ, уни қа-  
чон кўрарканмиз?.. Шундай кун келади...

Бу зимистон, машаққатли дам —  
Елкамдадир. Бу дардли кўшиқ.  
Мен тўқиган бу кўшиқларда  
Барча дардим куйлангани йўқ.  
Инонаман,  
Ишондим такрор:

Мен ўлмайман,  
Ҳали умрим бор!

Гапларинг айни ҳақиқат, биродар Лисеу! Сен ўлмагансан, сен ёлғиз эмассан! Биз сен билан биргамиз. Балки овозимизни эшитаётгандирсан? Фонтиньо сенинг кўшигингни куйлаяпти. Нгола сенинг куйингни чаляпти. Халқ сени унутгани йўқ, биродар Лисеу!

Фонтиньонинг овози тинганда ҳам кўшиқнинг оҳанги сўнмади... Қизлар ва йигитлар куйни илиб олишиб, хор бўлиб кўшиқ айтишди ва янгидан рақс бошлаб юборишди.

Музика янграганда, Мусунда билан дўстлари уй ичида эдилар. Улар аввалига сукунат ҳукмрон бўлганини, кейин эса нгома ва диканза садолари остида Фонтањонинг овози янграганини эшитишди. Силвестри ҳар бир сўзни диққат билан тинглар, Мусунда эса жилмаярди. Кўшиқ тугагач, яна суҳбатлар бошланиб, байрам давом этди. Бирдан эшик тақиллади.

— Ким у?

— Соу Шикони сўрашяпти!

— Ким экан ўзи?

— Қандайдир бир чол билан бола...

Шико Жоан сакраб туриб, уй эшигини ланг очди-да, рақс тушаётганларни ёриб ўтиб, ҳовлидан чопиб чиқиб кетди. Жуфт-жуфт йигит-қизлар гоҳ чапга, гоҳ ўнгга силжишарди. Ташқарида, ой нури ёритаётган кўчада кекса Петело билан Зито туришарди.

— Шико ука, биз сени кечки овқатдан олдин излагандик... топа олмадик. Кечлик овқатдан кейин яна изладик... тагин топа олмадик: Сенинг шу ерда, байрамда эканлигингни ҳозиргина айтишди.

— Гапиринг, отахон, нима бўлди? Қандай янгиликлар бор?



— Эҳ, Шико ука, ёмон...

Шундан кейин кекса Петело таниқли футболчининг кулоғига энгашганча оқшомда бўлиб ўтган воқеани, қамоқхонадан бир аёл чиққанини, бечора бебахт аёлни одамлар қандай қилиб юпатишганини ва сўраб билиб олган нарсаларини айтиб берди...

Шико Жоан кекса Петелонинг кўлидан ушлаб, Зито билан бирга ҳовлига олиб кирди. Болани конфет билан сийлаб, чолга бир стакан вино берди. Кейин бошини қуйи солиб, дўстлари кутиб турган уйга қайтиб келди. Рақс тушаётганлар кекса Петело билан болани кўриб, ёнларидан ўтиб кетган Шиконинг чеҳрасида қайғу аломатини сезгач, рақсни тўхтатишди.

Мана, Ирөна, Соуза ва оқ танли меҳмоннинг кузатувида Мусунда ҳовлига чиқди. Тикувчининг чеҳраси тунд эди. Уни ҳеч ким ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмаганди. Диканза ва Нгомалар ҳам тўхтади... Зе Мария унсиз гитарасини бағрига босиб олганди... Мусунда ҳовлининг ўртасига келиб тўхтади. У юзини енги билан артди-да, босиқ, тантанали оҳангда сўз бошлади:


— Африкалик биродарлар...

Ҳамманинг кўзи Мусундага қадалган, ҳамма унинг оғзидан чиқадиган гапни ҳаяжон билан кутар, ҳамма қандайдир жуда муҳим воқеа юз берганини англаб олган эди. Тикувчи атрофга — ҳаяжонли, маъйус нигорон чеҳраларга қараб олди. У ўзининг яқинида, Иренанинг ёнида Соузинья билан Силвестрини кўргач, яна ҳам сокин овозда такрорлади:

— Африкалик биродарлар! Биз ҳозиргина қамоқхонада биродаримизни ўлдиришганини билдик. Унинг исми Домингуш Шавиер эди. У тўғонда ишларди. У ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик қилган эмас. У ўз Ватанига ва халқига яхшиликни раво кўрарди, холос. Биз ҳозир шундан сизларни воқиф қилиш учун байрамимизни бўлдик. Лекин байрам

давом этади, чунки биз шундай оға-иниларимиз борлигидан хурсандмиз ва гурурланамиз. У ўзини қаҳрамонлардек тутди. У ўз халқининг сирларини ошкор қилмади. У ўз халқига хиёнат қилмади. Йўқ, қадрдон биродаримиз Домингуш Шавиер, биз сенинг ўлимингга кўз ёши тўкмаймиз! Биз сенинг ўлимингга йиғламаймиз, чунки сен биз учун барҳаётсан. Бугун сен ўзингнинг янги йўлингни, Ангола халқи қалбида янги, асл ҳаётингни бошладинг.

Тикувчи Мусунда шу сўзларни сўзлаётганда ҳатто шамол ҳам мулемба баргларини шитирлатишга журъат ётолмади.



## МУНДАРИЖА

### Кастро Сороменьо

|   |    |
|---|----|
| Луежи ва Илунга (Ишқ ва дўстлик афсонаси) . . . . . | 3  |
| Саванна садоси . . . . .                            | 57 |

### Мунделе дия Кванза

|                                  |    |
|----------------------------------|----|
| Домингушнинг асл ҳаёти . . . . . | 76 |
|----------------------------------|----|

## ҲУРМАТЛИ КИТОБХОН!

Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти  
1969 йилда чет эллар адабиётидан қуйидаги  
асарларни нашр этади:

- |                                   |   |
|-----------------------------------|---|
| Нгуен Дин Тхи.<br>(Вьетнам)       | Ут ичида. Қисса. Ҳажми<br>5,22 л., тиражи 15000.                      |
| Ярослав Гашек.<br>(Чехословакия)  | Шоввоз Швейк саргузаштла-<br>ри. Роман. Ҳажми 25 л.,<br>тиражи 15000. |
| Бранислав Нушич.<br>(Югославия)   | Таржимаи ҳолим. Роман.<br>Ҳажми 11 л., тиражи 15000.                  |
| Артур Конан<br>Дойль.<br>(Англия) | Баскервилларнинг ити. Ҳи-<br>коялар. Ҳажми 10 л., тиражи<br>15000.    |
| Саид Жамолзода.<br>(Эрон)         | Турфа ҳангомалар. Ҳажми<br>14 л., тиражи 15000.                       |
| Соҳиб Жамол<br>(Ироқ)             | Чинни гул. Роман. Ҳажми<br>16 л., тиражи 60000.                       |

Азиз Несин.  
(Туркия)

Хуштак афандим. Ҳикоя-  
лар. Ҳажми 15 л., тиражи  
60000.

Питер Абрахамс.  
(ЮАР)

Қабрдаги гулчамбар. Роман.  
Ҳажми 18 л., тиражи 15000.

Розия Сажжод  
Зоҳир.

Суман. Роман. Ҳажми 13 л.,  
тиражи 15000.

Бу асарларни китоб магазинларидан  
сотиб олишингиз мумкин.

И (Афр.)

М87

Қуёшга талпинаман. Ангола ёзувчиларининг қиссалари. Русчадан М. Парнихўжаев тарж. Т., Гафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1970.

176 бет. Тиражи 15000.

«Я стремлюсь к солнцу». Повести.

Индекс 7-3-4